

МАВЛУДА ФАЙЗИЕВА, АЗИМ ЖАББОРОВ

**ОИЛАВИЙ  
МУНОСАБАТЛАР  
ПСИХОЛОГИЯСИ**

Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2007

Оила – ҳар бир шахсда болалигидан бошлаб шаклланадиган инсоний фазилатлар, эзгу истаклар, қадриятлар такомил топадиган, минг йиллар давомида шаклланадиган ўзбек халқининг қадриятлари ва маънавий мероси равнақни таъминловчи тарбия маскани эканлиги барчага бирдек аён.

Қўлингиздаги «Оилавий муносабатлари психологияси» китоби сизнинг фикрларингизни янада теранлаштиради ва бу борадаги билимларингиз ортишига туртки бўлади, деган умиддамиз

**Тақризчи:**

**М.ОЧИЛОВ,**

*педагогика фанлари доктори, профессор*

ISBN 978 - 9943 - 08 - 178 - 9

©М.Файзиева, А.Жабборов. «Оилавий муносабатлар психологияси». «Янги аср авлоди», 2007 йил

## КИРИШ

Оила инсон учун муқаддас маскан, кишилик жамиятининг ижтимоий пойдеворидир. Оилавий турмушнинг асосий мақсади – фарзанд кўриш орқали авлодлар билан аجدодлар ворислиги ва давомийлигини ҳамда ер юзида инсоният тарихий тараққиётини таъминлашдан иборатдир.

Президентимиз И.А.Каримов оиланинг туб моҳияти ҳақида «Оила ҳаётнинг абадийлиги, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор», деган эдилар.

Дарҳақиқат, оила – ҳар бир шахсда болалигидан бошлаб шаклланадиган инсоний фазилатлар, эзгу-истаклар, қадриятлар такомил топадиган, минг йиллар давомида шаклланган ўзбек халқининг қадриятлари ва маънавий мероси равнақини таъминловчи тарбия масканидир. Бола шаклланишининг илк мактаби эса ота-онанинг ўзаро муносабатлари мажмуи ҳисобланади. Ота-она муносабатларида намоён бўлувчи ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик каби олий тоифадаги қадриятлар оилада ўзаро муносабатлар маромини вужудга келтиради. Оиладаги ушбу ижтимоий жараён ёш авлоднинг моддий олам, ижтимоий турмуш ҳақидаги тасаввурлари, нуқтаи назарлари, тушунчалари, дунёқарашлари ва шарқона одоб-ахлоқ қоидалари ва уларга амалиётда риоя этишнинг тўғри йўл-йўриқларини кўрсатади. Ёш авлоднинг маънавий қиёфаси, уларнинг хатти-ҳаракати, хулқ-атвори дастлаб оилавий муносабат маданиятида шаклланади.

Тарихий маълумотлар оилавий муносабатлар маданияти шарқ халқларида жуда қадимдан ривожланган ижтимоий воқелик эканлигини кўрсатади. Қадимги халқлардан қолган асори-атиқаларда, муқаддас диний манбаларда, ўзбек халқининг оғзаки ижод дурдоналарида, шарқнинг буюк мутафаккирлари асарларида шарқ халқлари, хусусан ўзбек халқига хос оилавий шахслараро муносабатларда намоён бўладиган одоб-ахлоқ қоидалари, меъёрлари, инсоний фазилатлари тўғрисида қимматли маълумотларни учра гиш мумкин. Манбаларда оиласиз инсоний ҳаёт-

ни тасаввур қилиб бўлмаслик, баркамол фарзанд тарбияси, ундаги эр-хотин ва ўзаро муносабатлар маданияти, бахтли ва фаровон турмуш кечириш йўллари ҳаётий мисоллар билан ҳикматлар ва насиҳатлар кўринишида баён этилган.

Президентимиз И.А.Каримов бу масалага алоҳида эътибор қаратаётганлиги бежиз эмас, албатта. «Оилага эътиборимизни тубдан ўзгартириш, оилаларни аввало ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, эъзозлаш, қўллаб-қувватлаш бугунги кунимиз учун ва эртанги истиқболимиз учун нақадар муҳим ва долзарб эканлигини яхши тушунишимиз ва англашимиз даркор»\*.

Жумладан, 1994 йил бутун дунё жамоатчилиги ва халқаро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан «Халқаро оила йили» деб эълон қилиниши, 1998 йил Республикамизда «Оила йили» деб белгиланиши ва буларнинг узвий давоми сифатида 1999 йил «Аёллар йили», 2000 йил «Соғлом авлод йили», 2001 йил «Оналар ва болалар йили», 2002 йил «Қарияларни қадрлаш йили», 2003 йил «Обод маҳалла йили» ва 2004 йил «Меҳр ва мурувват» йили деб номланиши бунинг ёрқин далилидир.

Ана шундай халқаро аҳамиятга молик тадбирларнинг кун тартибида туриши оила ҳаёти, ундаги шахслараро муносабатлар мустақамлиги ва унинг фаровонлиги каби масалалар ижтимоий психологиянинг асосий категорияси ва шахслараро муносабатнинг асоси сифатида ниҳоятда долзарб муаммо эканлигидан далолат беради.

Кўрииб турибдики, оилавий ҳаёт масалалари ҳозирги давр фани тадқиқот йўналишининг устивор соҳаларидан бирига айланиб бормоқда. Республикамизда «Оила» илмий-амалий марказининг ташкил этилиши ҳамда ҳукумат томонидан «Оила кодекси» (1998) қабул қилиниши бугунги кунда оилаларнинг мустақамлигини ва барқарорлигини сақлаш учун қилинаётган муҳим амалий иш ҳисобланади.

Афсуски, оила-никоҳ муносабатларининг ҳозирги даврга келиб заифлашиб бораётганлиги дунёнинг деярли кўпчилик мамлакатларида, жумладан Америка Қўшма Штатлари, Англия, Франция, Германия, Болтиқ бўйи давлатлари, Россия ва бошқа қатор давлатларда яққол намоён бўлмоқда. Ўзбек оилалари ҳаётида оила-никоҳ муносабатларининг заифлашуви ва унинг бузилишлари юқорида қайд этилган давлатларга қараганда анча

---

\*Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. 401-бет.

кам бўлса-да, афсуски бор. Ажралишнинг асоратлари оила аъзолари ва қариндош-уруғлар ўртасида ниҳоятда аянчли оқибатлар, нохуш ҳолат ва ҳодисалар келтириб чиқараётганлиги кузатилмоқда. Демак, оиланинг бузилиши ва унинг оқибатида юзага келадиган турли асоратлар ижтимоий психология ва этнопсихология фанининг тадқиқот предмети сифатида кенг ўрганишни тақозо этади.

Ўзбекистон психологлари томонидан ўзбек оилаларига хос муаммоларни ўрганиш юзасидан бир қатор муваффақиятли илмий изланишлар олиб борилган. Ана шу илмий ишларда оиланкоҳ муносабатлари, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ўзбек оилаларидаги миллий ўзига хослик, ундаги низолар ва уларни келтириб чиқарувчи сабаблар, ажралишлар ва уларнинг салбий асоратлари каби бир қатор масалалар ҳар томонлама ўрганилиб, таҳлил қилинган.

Бироқ, юқоридаги илмий изланишларда оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятлари махсус тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаган. Аслида оилавий турмушда юзага келадиган муаммолар, ҳатто оиланинг бузилиши ва унинг салбий асоратлари ундаги шахслараро муносабатлар таъсирининг натижаси эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Бундан келиб чиқадиган хулоса шундан иборатки, оила барқарорлиги, бахтли ва фаровон турмуш кечириш, албатта, шахслараро муносабатлар таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятлари билан узвий боғлиқ бўлганлиги туфайли, айнан шу муаммо юзасидан илмий тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

## **ОИЛА БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИЯ ФАНИДА ЎРГАНИЛГАНЛИГИ**

Ижтимоий-психологик адабиётларда оила-никоҳ муносабатлари, оилавий турмуш масалалари, унинг барқарорлигини, ундаги муносабатлар мустаҳкамлигини ҳамда фаровонлигини таъминловчи омиллар, шунингдек, ўзаро муносабатларда зиддиятларнинг шаклланиши ва оила бузилишининг келиб чиқиши билан боғлиқ муаммоларга бағишланган қатор ишлар мавжуд бўлиб, уларда ҳозирги оилавий турмуш учун қимматли ҳаётий ва илмий хулосалар кенг ёритилган.

Биз тадқиқот олиб бораётган муаммони асослаш ва илмий ечимини аниқлаш мақсадида оила барқарорлигини таъминловчи омилларнинг психология фанида бир-бирини мазмунан бойитадиган, мантиқий изчилликка эга изланишларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ тадқиқотлар тизимини оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг шарқ мутафаккирлари асарларида талқин қилиниши ташкил этади.

Иккинчи гуруҳ тадқиқотлар оила барқарорлигини таъминловчи омилларнинг чет эл психологиясидаги изланишларини ўрганади.

Учинчи гуруҳ тадқиқотларда оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг мамлакатимиз психологлари томонидан амалга оширилган таҳлиллари мужас-самлашади.

### **Оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг шарқ мутафаккирлари асарларида талқини**

Президентимиз И.А.Каримов алоҳида таъкидлаб ўтганларидек, «Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳ-

ру-оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланган».

Дарҳақиқат, Шарқнинг буюк алломалари ва маърифатпарварлари ҳисобланган Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ризоуддин ибн Фаҳруддин, Аҳмад Дониш, Абдулла Авлоний, Фитрат ва бошқаларнинг асарларида Марказий Осиёда яшаётган халқлар, жумладан, ўзбек халқининг оилавий ҳаёти, ундаги ўзаро муносабатларнинг (айниқса эр-хотин) миллий психологик хусусиятлари, эр-хотиннинг бурч ва вазифалари, оиланинг турмуш тарзи, тарбиявий муҳити ва бошқалар ҳақида қимматли фикрлар мавжуд.

Оилавий турмуш ва ундаги шахслараро муносабатлар маданиятига хос масалалар буюк алломалар Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, Ат-Термизий ижодларида ҳамда тасаввуф фалсафасининг йирик намояндалари бўлмиш Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро тариқатларида ҳам кенг ёритилгандир.

Шарқ мутафаккирларининг илмий-маданий меросини ўрганар эканмиз, уларда баён қилинган оилавий турмуш қоидалари, ундаги шахслараро муносабатлар маданияти, фарзанд камолоти, эркак билан аёл муносабати, инсоний фазилатларнинг шаклланиши ҳақидаги қимматли фикрлар шарқ халқлари, хусусан, ўзбек халқининг оғзаки ижоди, эпосининг (ўзбек халқ мақоллари, эртаклари, дostonлари, афсоналари, ривоятлари) узвий боғлиқлиги асосида таркиб топган илмий-маданий мерос эканлигини кўрамиз.

Чунончи, ўзбек халқининг оғзаки ижоди ва эпосларида мардлик, ҳалоллик, камтарлик, ишонч, севгига садоқат, дўстлик, адолатлилик, меҳнатсеварлик, ҳамфикрлик, орасалик, гўзаллик, оқиллик, эътиқод, ҳурмат-эҳтиром, оила шаъни ва ғурурини ҳимоя қилиш, туғилган жойига муҳаббат, эзгуликка интилиш, ҳалол ва пок яшаш улуғланган. Бу воқеликни биз Алпомиш, Кунтуғмиш, Гўрўғли, Ойсулув, Лайли ва Мажнун, Юсуф ва Зулайҳо каби қатор ўзбек халқ дostonларининг қаҳрамонлари мисолида кўришимиз мумкин.

«Қадимий эпосларда аёллар билан эркаклар тенг ижтимоий мавқега эга шахслар сифатида гавдаланади, аёллар эрларидан қолишмайдиган жасоратли қилиб тасвирланган»\*.

Севиб турмуш қуриш, севгида вафодорлик, оилавий тоғувлик каби инсоний хислатлар Ўрта Осиё халқлари, хусусан, ўзбек уруғлари ва элатларининг характерли хусусияти сифатида сақланиб қолган.

Маълумки, муқаддас динимиз исломда, унинг асосий манбалари ҳисобланган Қуръони Карим ва Ҳадисларда ҳам оилавий турмуш ва эр-хотин муносабатларининг барча томонлари ҳақида қимматли маълумотлар ва шаръий қонунлар ёритилган. Исломда бўлажак оиланинг вужудга келишига алоҳида эътибор берилган. Шариат бўйича никоҳдан ўтишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозим бўлган. 1. Никоҳланувчи-ларнинг ўзаро розилиги. 2. Никоҳ ёшига тўлиш. 3. Никоҳни гувоҳлар иштирокида тузиш. 4. Келин учун қалин ва маҳр тўлаш. 5. Диний эътиқод бирлиги. 6. Никоҳланувчилар яқин қариндош бўлмаслиги. 7. Табақа бўйича тенглик. 8. Никоҳдан ўтувчиларнинг руҳий жиҳатдан соғлом бўлиши.

Бу шартларга риоя қилиниб тузилган никоҳгина ҳақиқий ҳисобланиб, томонларни тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан таъминлаган.

Қуръони Каримда оиладаги эр билан хотиннинг ўрни белгилаб берилган. Шариат ҳукмича, эр аввало оиланинг барча молиявий ва маънавий тарафларига жавобгар, уни четдан бўладиган ҳар қандай хуружлардан ҳимоя қиладиган шахсдир. Мана шуларнинг эвазига ва эркак киши учун фазилат ҳисобланмиш оғир-босиқлик, оила рўзғор тебратишдаги тadbиркорлик каби сифатлар мавжудлиги сабабли у оиланинг бошлиғи саналади. Яхши хотин эса диёнатли, эрнинг уйини обод қиладиган ва унга бир умр садоқатли бўлган аёлдир. Қуръони Каримдан эр-хотин ёхуд оилавий муносабатларга хос ибратли мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

---

\*Каримов В.М. Ўзбек ёшларида оила тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлар шаклланиши. Психол. фан. доктори илм. дар. ол.у-н ёзн. диссер.-я. Фарғона, 1994. 56-бет.



Ҳатто аждодларимизнинг муқаддас дини ҳисобланган зардуштийликда ҳам никоҳ ва оилавий бурч масаласи муҳим ахлоқий ўринда турган. Зардуштийликда кўп хотинлик қатъий ман этилган. Айни пайтда умрни бўйдоқ ўтказиш ҳам қораланган. Балоғатга етган қиз ота-она ва жамоанинг раъйини писанд қилмай, қасддан турмушга чиқмай юрса, у қопга солиниб, 25 дарра калтакланиш билан жазоланган. Агар эркак киши шу йўлни тутса, унга тамға босилиб бадном қилиш мақсадида белига занжир боғлаб юришга мажбур этилган. Авестода қайд қилинишича, эркак аввало уйланиш учун моддий ва маънавий томондан тўқ ва бақувват бўлмоғи лозим эди. Бундан ташқари, мазкур муқаддас китобда оила қуриш, жуфти ҳалол танлашда шошма-шошарликка йўл қўймаслик, ота-она, кексалар маслаҳатига қулоқ солиш хусусида ҳам диққатга сазовор мулоҳазалар мавжуд. Шунингдек, унда никоҳ ва талоқнинг (ажрашишнинг) ўзига хос мезонлари бирма-бир келтириб ўтилган.

Зардуштийликнинг ахлоқ меъёрлари мажмуида аёллар масаласига ҳам алоҳида ўрин берилган. Зардуштийликда оила муқаддас саналгани учун бошқа сабабларга кўра, жумладан, иғво, туҳмат, эр-хотиннинг ўзаро келишмовчилигига, ота-она билан чиқиша олмаслик баҳонаси билан никоҳни бекор қилинишига йўл қўйилмаган.

Умуман, зардуштийликда ҳам, исломда ҳам никоҳда икки томон тенг ва муносиб бўлиши таъкидлаб ўтилган. Никоҳ тартиблари ва ҳаётий тажрибаларига кўра, келин ва куёв насл-насабда, ижтимоий мавқеда, билим-савияда, дид-фаросатда, илм-эътиқодда, мулкдорликда бир-бирларига тенг бўлиши маъқул топилган. Шу боис, Шарқ халқларида ёшларни оилавий турмушга тайёрлаш, уларнинг тенгини топиб уйлантиришга жиддий эътибор берилган. Айниқса, қизларни оилавий турмушга тайёрлашда, уларда биринчи навбатда инсоний фазилатлар шаклланган бўлиши, оиланинг муқаддас эканлиги, уни авайлаб-асраш айнан уй бекаларига боғлиқлиги ҳақида аждодларимиздан бизгача етиб келган панднома ва ҳикматномаларда тарбиявий аҳамиятга эга бўлган қимматли насиҳатлар ҳикоя қилинади.

Жумладан, турк олими Юсуф Товаслий тўплаган «Ҳикматлар хазинаси»даги келин бўлувчи қизга бериладиган она насиҳати кишининг эътиборини ўзига тортади. Унда она турмушга чиқаётган қизига қуйидагиларни насиҳат қилади: «Болажоним, севикли қизим, мени яхшилаб тингла. Насиҳат ҳар кимга лозимдир, ўғит ҳаммага зарурдир. Насиҳат билмаганга ўргатади, билганни эсига солади. Аллоҳ берган қонунга кўра, ҳаётга қадам қўядиган ҳар бир қиз эрга, ҳар бир эркак аёлга муҳтож бўлади. Эркаклар аёл учун, аёллар эркак учун яратилгандир. Ҳаёт мавжуд экан, бу қонунни ҳеч ким буза олмайди. Шу сабабли сен туғилиб ўсган ва вояга етган уйингдан, яйраб-яшнаб, ўйнаб-кулиб юрган ерингдан чиқиб, ўзинг билмайдиган, нотаниш уйга борасан. Келажакда бу уй сеникидир. Сен эрингга шундай хизмат қилки, ул ҳам сенга қул бўлсин. Сен унга ер бўлки, у сенга осмон бўлсин!

Айтганларимга амал қилсанг эринг билан гўзал ҳаёт кечирасизлар, бахтиёр ва саодатли турмуш кўрасизлар. Бизлар ҳам (ҳар икки оила бизнинг ҳам, эрингнинг ҳам оиласи) ҳузур-ҳаловатда бўламиз. Акс ҳолда икки оилада ҳам осойишталик бўлмайди. Сен ўзинг бир жаҳаннамда яшагандек бўласан.

Қизим! Энди сенга айтадиган ўн ўғитимга қулоқ сол! Буларни доимо ёдингда тут:

1. Қаноат соҳибаси бўл. Ўз холинга шукур қил. Яъни, эринг уйга нимаики олиб келса, у хоҳ ейдиган, хоҳ киядиган нарса бўлсин, хушфезллик билан, гўзал одоб билан қабул қилиб ол! Эрингга ташаккур айтиб, хушнудлик кўрсат. Зеро, бахтли ҳаёт кечирмоқнинг бир йўли ўз ҳолига шукур этмоқликдир, ҳолига шукур этмаган ўз нафсини тиймаган кишида кўнгил ҳузурли, қалб роҳати бўлмайди.

2. Эрингга итоат қил, қил деган ишларини қил, қилма деганини қилма! Яъни, эринг билан суҳбатлашганда, мулоқотда бўлганингда итоатли бўлишингни, унинг сўзларини одоб билан тинглаб адо этишингни сенинг сўзлашиб, қулоқ солишингдан тушуниб оладиган бўлсин. Шунда Аллоҳ таоло сендан хушнуд ва уйингиз саодат нуридан порлоқ бўлади.

3. Эрингнинг кўзи тушадиган жойларга яхши эътибор бер! Яъни, уйнинг ичини, ташқарисини ниҳоятда тоза тут, шундай қилки, эрингнинг кўзига бир чиркин ер кўринмасин.

4. Уст-бошингни тоза тут. Эринг фақат хушбўйни сезсин, димоғига ёмон ҳид келмасин. Чунки ёмон ҳидлар эринг кўз ўнгида сенинг обрўйингни туширади. Сендан ирганишга сабаб бўлади. Шунини яхши билгилки, тозаллик ва зарифлик энг яхши нарсалардир, инсон кўзига хуш кўринишлик шулар биландир.

5. Овқатни вақтида тайёрла. Яъни овқатланиш вақтини ҳеч қачон кечиктирма. Эринг қачон овқатланишга ўрганган бўлса, ўша пайтда овқатини тайёрлагин. У келиши билан дарҳол дастурхон сол. Шунини яхши билгинки, очлик инсоннинг тез жаҳлини келтиради.

6. Уйқу вақтини, уйғониш пайтини яхши билиб ол! Яъни, унинг қачон уйқуга ётиш пайти бўлса, ўрнини тайёрлаб қўй. Зеро, уйқусизлик инсонни хафақон этади. Асабларнинг бузилиши, хафақонлик одамларнинг эҳтироси, муҳаббатини секин-секин сўндиради.

7. Эрингни моли ва ашёсига жуда эътиборли бўл! Яъни, эрингнинг мол дунёсини яхши сақла, ашёларини авайла, муҳофаза қил. Чунки унинг мол-дунёси сеникидир. Эрингни мол дунёсини исроф этмаслик иш билиш ва қадрига етиш демакдир.

8. Эрингни қариндош ва яқинларига ҳурмат кўрсат! Яъни, эрингни қариндошлари ва яқинларига ҳурмат – унинг эътиборини қозонмоқ демакдир. Уларни ҳурмат қилиш – эрингни ҳурмат қилиш демакдир. Бу эса қадр ва эътибор қозонишдир.

9. Эрингнинг сирини бошқаларга айтма! Яъни, эрингнинг баъзи сирларини билган вақтингда эҳтиёт бўлиб, уни сақла, бировларга айтиб юрма. Агар айтиб қўйсанг, унинг ғазабини келтириб қўясан, ишончини йўқотасан. Бунда тузаётган оилангиз бузилади.

10. Эрингни динига тўғри келадиган барча буйруқларини адо қил! Ҳеч қачон унга нисбатан итоатсиз бир ҳаракат бўлмасин. Агар бир шундай ҳаракат бўлса, сенга кин сақлаб, охири душман бўлади. У сенга душманлик йўлини тутса, сен кўп зарар кўрасан ва қўлингдан ҳеч нарса келмайди».

Кўриниб турибдики, халқ оғзаки ижоди ва диний ғоялар ҳамда ҳикматномалар оғзаки тарзда авлоддан-авлодга кўчиб,

сайқаллашган ҳолда сақланиб келган бўлса, халқимиз орасидан етишиб чиққан донишманд ва алломалар эса ана шундай қимматли маълумотларни халқ анъаналари ва қадриятларига таянган ҳолда ўз асарларида ёритган ҳолда илмий-маданӣ мерос сифатида келгуси авлодлар учун қолдирганлар. Улардан бири – жаҳон илм-фани хазинасига муносиб ҳисса қўшган мутафаккир олим Абу Наср Форобийдир.

Абу Наср Форобий (873-950) жамият тараққиёти қонуниятларини ва инсон камолоти босқичларини, инсонлар яшаш жараёнида бахт-саодатга эришув йўлларини ўзининг машҳур асари «Фозил одамлар шаҳри»да баён этади. Форобий оқил инсонлар ҳақида гапириб, «Ақлли деб шундай кишиларга айтиладики, улар фазилатли, ўткир мулоҳазали, фойдали ишларга берилган, ёмон ишлардан ўзларини четга олиб юрадилар. Бундай кишиларни оқил дейдилар» деган эди. Аллома оқиллар бор жойда ҳеч қачон муаммолар ва келишмовчиликлар бўлмаслигига ишора қилади. Унинг ғояларида оиланинг тўлиқлиги, унда қарор топган соғлом маънавий муҳитнинг аҳамиятини акс эттирадиган фикрлар ҳам мавжуд. «Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тuzилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади. У бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради» ёки «Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошланғич асос инсонийликдир. Ҳақиқий бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам қилувчи кишиларни бирлаштирган шаҳар (бизнингча, оила) фазилатли шаҳардир, бахтга эришиш мақсадида бирлашган кишилар жамоаси (бизнингча, оила жамоаси) фазилатли жамоадир».

Форобий кераксиз урф-одатлардан (ҳозир ҳам оилавий ҳаётда, эр-хотин муносабатларида учрайди) воз кечиш, бахт саодатга эришиш йўллари ҳақида гапириб шундай дейди: «Раҳбарлар (эр ёки хотин) ёмон одатларни ўзида ифодаловчи ўтмишни ҳам ўзгартирмоғи керак. Акс ҳолда ўтмиш-

ни талабларига риоя этиб, унинг кайфияти сақланса, турмушда ҳеч қандай енгиллик, ўзгариш ва ўсиш ҳам бўлмайди». Ёки «Бахт-саодатга эришув йўлида нимаики (билим, ахлоқ, касб-ҳунар) ёрдам берса, уни сақламоқ, мустаҳкамламоқ, нимаики зарарли бўлса, уни фойдали нарсага айлантиришга ҳаракат қилмоқ зарур».

Биз тадқиқотларимизда ўрганадиган муаммо нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, Форобийнинг инсон камолоти, унинг жамиятдаги, оиладаги ўрни, ёшларнинг вояга етишига таъсири тўғрисидаги фикрлари, инсонлар жамоасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик, ёрдам ҳақидаги ҳикматлари ҳозирги оилавий турмуш масалаларини ечишда, ундаги муносабатларни тўғри йўлга қўйишда фаровон турмуш кечириш учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Абу Райҳон Беруний (973-1048) ўз қарашларини акс эттирган яхлит таълимот яратмаган бўлса-да, лекин у ижтимоий масалалар бўйича ўзининг нуқтаи назарини кўпгина қомусий асарларида изҳор этишга ёки улар юзасидан танқидий фикрлар айтишга ҳаракат қилган. [Абу Райҳон Берунийнинг муайян қарашлари оилавий турмуш, оила ва никоҳ, оилавий қадриятлар ва унинг аъзолари ўртасидаги муносабатларига хосдир. Бундай ишораларни Беруний ҳикматларида ҳам учратамиз. «Яхши хулқ яхшилик аломатидир». «Бузуқ ниятли ва ёмон ахлоқли кишилар ўртага кириб олиши билан иш тўғри бўлмайди». «Тенглик ҳукм сурган жойда сотқин, алдамчи эҳтирослар, ғам-ғусса бўлмайди». Оилавий муносабатларда ана шундай ҳикматларга амал қилишимиз мақсадга мувофиқдир. Беруний Ўрта Осиё, Қадимги Юнон ва Ҳинд халқлари ҳаётини яхши билгани учун улар амал қиладиган урф-одатлар, қадриятлар ва миллий маданиятларининг ўзига хос томонларини таққослаб таҳлил қилади. Ушбу таҳлиллар оила-никоҳ, оиладаги ўзаро муносабатларга ҳам хосдир. Жумладан, у оилаларнинг «полигамия» (эркак ёки аёл бир пайтнинг ўзида биттадан ортиқ эр ёки хотинга эга бўлишига йўл қўйиладиган никоҳ шаклини билдиради) тури ҳақида ҳам қимматли маълумотларни келтиради. Масалан, Жанубий Ҳиндистон мадания-

тида эркаклар биологик нуқтаи назардан оталикни ўрнатиш билан қизиқмаганлар. Уларда болага оталик расмини амалга ошириш чоғида ўқли камонни ҳомиладор аёлга тантанили суратда берган эркак боланинг отаси ҳисобланган. Агар кейинчалик бошқа бир эркак болага оталик қилишни хоҳлаб қолса, бу расм аёлнинг навбатдаги ҳомиладорлигида такрорланган. Бу маълумотлар изланувчиларда ижтимоий тарихий тараққиёт давомида оилавий турмушнинг такомиллашуви, оила-никоҳ муносабатларининг барқарорлашуви ва моногамия оила турининг келиб чиқиши тарихи ҳақида илмий тасаввурлар шаклланишига ёрдам беради.

Беруний қарашларида оилавий муносабатлар барқарорлигининг етакчи омиллари оқиллик ва меҳнатсеварликнинг аҳамияти ҳақида ҳам қимматли фикрлар мавжуд. Муайян вазифаларни бажариш зарурияти инсон фаолиятининг бир умрга яшаш қоидасидир. Инсоннинг қадр-қиммати ўз вазифасини аъло даражада бажаришидан, шунинг учун ҳам инсоннинг энг асосий вазифаси ва ўрни меҳнат билан белгиланади. Зеро, инсон ўз ҳоҳишига меҳнат туфайли эришган».

Ушбу муаммога оид мулоҳазалар Абу Али ибн Сино (980-1037)нинг «Донишнома», «Рисолаи ишқ», «Тиб қонунлари», «Уй хўжалиги» каби қатор асарлари Марказий Осиё халқлари ахлоқ-одоби, тарбия психологияси, фалсафа ва табобат оламида алоҳида ўрин тутади. Ибн Сино оилавий муносабатларнинг турли ва муҳим томонларини ёритар экан, аввало оила бошлиғи – эрнинг масъулиятли вазифаларига эътиборини қаратади. Унинг фикрича, биринчи навбатда эр оиладаги тарбиявий ишларга доир ҳам назарий, ҳам амалий маълумотларга эга бўлиши шарт. Шундагина, у ҳақиқий оила бошлиғи бўла олади. Эр-хотин муносабати тенглик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳурмат асосида қурилиши ҳақида тўхталиб, «Эркак киши оила бошлиғидир, у оиланинг барча эҳтиёжларини қондирмоғи лозим, чунки бу унинг бирламчи вазифасидир. Аёл эса эркакни яхши, муносиб йўлдоши ва бола тарбияси борасида энг яхши ворис ва ёрдамчисидир» деб ёзади Ибн Сино.

Ибн Сино оилавий муносабатлар мароми оиладаги тоғувлик, меҳр-муруват, оила ғурури ва шаъни кўп жиҳат-

дан аёлларга ҳам боғлиқ эканлиги ҳақида ёзган. Жумладан, «Оила хўжалиги» асарида аёллар ахлоқан энг мақбул, юқори инсоний фазилатларга эга бўлмоқлари лозим, деб ёзади. Мазкур асарнинг «Аёлларнинг яхши фазилатлари ҳақида» номли бўлимида уларнинг қуйидаги фазилатлари баён қилинади: аёл ақлан доно, уятчан, иболи, ифбатли бўлиб, кўп гапирмаслиги лозим; у эрига бўйсунмоғи, уни севмоғи, фарзандлар туғиб, доимо ҳалол, пок, тўғри сўз, камтар бўлиши керак; инжиқ бўлмаслиги, ўз ифбат ва обрўсини тўкмаслиги лозим; у ҳеч қачон эрига нисбатан димоғдорлик, виқор ҳиссини кўрсатмаслиги, ўз ишларини яхши, ўз вақтида бажариб, оиланинг моддий бойликларини тежамкорлик билан ишлатмоғи лозим; ўз хулқ-атвори билан ўз эрининг қалбида ҳадиксираш ҳиссига ўрин қолдирмаслиги керак («Ибн Сино ва тадбири манзил»).

Мутафаккир олимнинг соғлиқни сақлашга доир рисолаларида жинсий алоқаларнинг меъёрлари, унга қатъий амал қилиш, жинсий муносабатларда ўзгаришнинг сабаблари, уларни йўлга қўйиш тадбирлари ҳақида ҳам қимматли кўрсатмалар берилган. Унинг фикрича, эр-хотин уларни ёдда тутиши ва унга амал қилиши оилавий муносабатлар барқарорлигига ижобий таъсир этади. Шунингдек, Ибн Сино «Китоб уш-шифо» асарида оила инқирози ва бузилишига сабаб бўладиган омилларни ҳам кўрсатиб ўтган. Буларга:

1. Агарда эр ва хотинликдан фарзанд дунёга келмаган бўлса;

2. Агарда хотин эрига хиёнат қилиб, унинг эътиборини пасайтирса;

3. Хотин киши тарбиясиз бўлса-ю, тарбия олишни истамаса;

4. Эр ва хотин бир-бирларига ёқмайдиган табиатли бўлса.

Кўриниб турибдики, Ибн Сино асарларида оила-никоҳ ва оилавий турмушда эр-хотин муносабатларини ибратли мисоллар асосида ёритган ҳамда аёллар мавқеи ундаги муносабатларда муҳим ўрин тутишини асослаб берган.

Кайковус қаламига мансуб «Қобуснома» асари (1082-1083 йилларда ёзилган) Шарқ халқлари орасида маълум ва машҳурдир. Қобусномада қатор ибратли ва ҳаётий панд-насиҳатлар билан биргаликда «Ишқ ва унинг одатлари зикрида», «Хотин олмоқ зикрида» ҳам қимматли маълумотлар берилган. «Эй, фарзанд, то кишининг таъби латиф бўлмагунча ошиқ бўлмағусидир, нединким ишқ бешак таъби латифликдан пайдо бўлур. Ҳар нарсаки таъби латифликдан пайдо бўлса, ул бешак латиф бўлур». Бу ерда инсоннинг қалби тоза, пок ва ахлоқан юксак бўлса, унинг кўнгли, сифат ва фазилатлари ҳам, ҳиссий кечинмалари ҳам соф ва чиройли бўлишига ишора қилинган. «Бас, агар ошиқ бўлсанг шундоқ кишига бўлгилки, ул маъшуқаликка лойиқ бўлсин». Бунда бўлғуси эр-хотиннинг никоҳигача даврда бир-бирини кўриб-билиб, синаб маъшуқанинг оқила, ораста, тежамкор, саранжом-саришта, бола тарбиясини, уй-рўзғор ишларини ўрнига қўядиган камтарин ва эрига садоқатли бўлиши назарда тутилади.

«Эй, фарзанд, агар хотин олмоқ тиласанг, ўз ҳурматингни яхши сақлагил. Гарчи мол азиз бўлса ҳам хотин ва фарзандингдан дариф тутма. Аммо хотинни пок дил, фарзандни фармонбардор ва меҳрибон тутгил. Бу иш сенинг қўлингдadir». Бу ўринда хотинга хос муносабатда бўлиш эрнинг ихтиёрида эканлиги огоҳлантирилган.

«Хотин талаб қилсанг, хотинни молини талаб қилмагил, хотин пок ниҳод (тоза табиат ва пок дил) бўлсин. Кадбону (уй бекаси ва ишчан хотин) эрига дўст бўлгай. Ҳаёлиғ, тақводор, тили қисқа, молни яхши сақлагувчи бўлсин. Дебдурларки, яхши хотин эрнинг ва умрнинг роҳати бўлур». Бунда эса бўлғуси турмуш ўртоғини танлашда эрнинг олдидаги масъулият ва латиф хотин бўлишга хос фазилатлар баён қилинган.

«Агар сен хотинингга рашклик қилмасанг, у сенга самимият билан муносабатда бўлур. У сенга ота-онанг ва фарзандларингдан ҳам мушфиқроқ бўлур ва сенга ундан дўстроқ киши топилмас. Агар унга ғайирроқ (рашк, қизганиш) кўргузсанг, сенга минг душмандан душманроқ бўлур ва бе-



гона душмандан ҳазар қилса бўлур, лекин ундан ҳазар қилиб бўлмас». Бунда эр-хотиннинг ўзаро муносабатларини зиддиятларнинг шаклланишига олиб келувчи сабаблар ва омиллар ҳақида гап боради.

Юсуф Хос Ҳожибнинг машҳур асари «Қутадғу билиг» («Бахт-саодатга йўлловчи билим»)да эр ёки хотин танлашда унинг қайси сифат ва фазилатларига эътибор бериш зарурлиги, инсон шахсига хос хислатларнинг оилавий ҳаётни бошқаришдаги ўрни ва аҳамияти, эр-хотин муносабатларининг меъёрлари, фаровон турмуш кечиришнинг муҳим шартлари ҳақида қимматли фикрлар айтилганки, улар ҳозирги оила турмуши ва эр-хотин муносабатлари учун ҳам аҳамиятлидир. Асарда «Сен хотин олсанг, ўзингдан қуйисини ол, зоти олийсига боқма, сен қул бўлиб қоласан. Асли, уруғи ҳамда зоти яхши бўлсин, уятли, андишали, покизасини истагин».

«Юзи чиройини истама, хулқи яхшисини иста, феъл-атвори яхши бўлса, сенинг юзингни ёритади. Феълу-атвори яхши бўлса, у тўкис бўлади. Феълу-атвори тўғри бўлса, жуда муносиб бўлади, хотин чиройи хулқдир, буни билган биллади».

«Агар яхши андишали аёл топишга муяссар бўлсанг, бой берма (дарҳол олгин). Киши андишали, покиза бўлса, ундай киши асл бўлади. Сен хотиннинг андишали-ақллисини иста, андишали, ақлли хотин топилса – фаросат, андиша, бойлик, чирой, насл-насаб жам бўлади. Сен хотинни қадрли тут, нима сўраса муҳайё эт».

Асарда хотин билан бир қаторда эр ҳам билимдон, фаросатли, ақл-идрокли, зукко бўлиши, оила тартибини сақлаш ва уни юритишда интизомли (интизом ўрнатувчи), уни кузатиб бориши кераклиги, оиланинг иқтисодий жиҳатдан тўкислигини таъминловчи, хотинига ва фарзандларига меҳрибон, хушмуомала, тўғри сўз бўлиши унинг фаровонлиги ва барқарорлигини таъминловчи муҳим омил эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Алишер Навоий (1441-1501) «Маҳбуб ул қулуб», яъни «Қалблар севгилиси» ва «Вақфия» асарларида оилавий турмуш билан боғлиқ эр ва хотиннинг вазифаларини бундай равишда

921484

Ўзаро муносабат-мулоқот маданияти, уларнинг мувофиқлиги ва номувофиқлиги, унинг оқибатлари ҳақида қимматли насиҳат ва маълумотларни ёзиб қолдирган. Жумладан, Алишер Навоий «Маҳбуб ул қулуб» асарининг «Уйланганлик ва хотинлар тўғрисида»ги 37 фаслда аёлнинг фазилатлари ва унинг оиладаги ўрни ҳақида қуйидагиларни ёзди:

«Эр билан хотин бир-бирига мос тушса, ўртада бойлик ва саранжомлик бўлур, уй безаги ундан ва уйланганнинг (эрнинг) тинчлиги ундан.

Ҳусни бўлса, кўнгилга ёқимли бўлур, яхшилиги бўлса, жон озигидир. Ақлли бўлса, турмуш интизомли ва рўзгор керак яроғи тартибли ва саранжомли бўлади. Ана шундай турмуш ўртоғи бўлса – ғам-кулфатда сирдош ва ҳамдамнинг бўлур, махфий ва яширин дард ва машаққатда ҳамнафас ва ҳамроҳинг бўлур. Турмушдан ҳар жафо етса, ҳасратдошинг ул ва осмондан ҳар бир бало келса, кўмакдошинг ул. Кўнглинг ғамидан ул ғам чекади.

Носоз жуфт уй учун ҳам очиқ ва ҳам яширин қўрқинчли касалликдир. Уятсиз бўлса, кўнгил ундан озорланади, ярамас бўлса, руҳ ундан азоб тортади. Тили ёмон бўлса куёвнинг кўнгли яраланади, ёмон ишлик бўлса, эрга юз қаролик келади. Майхўр бўлса, уй ободонлиги йўқолади ва бузуқи бўлса уй ичи расвогарликка айланади».

Алишер Навоий мазкур асарида (11- қисмида) ҳар бир киши учун зарур бўлган яхши феъллар ва ёмон хислатлар тўғрисида қаноат, сабр, тавозеъ ва одоб, ишқ, вафо, ҳаё, юмшоқ кўнгиллилик ва бир қатор ёмон иллатлар тўғрисида қимматли маслаҳатлар беради.

Алишер Навоийнинг фикрларини психологик нуқтаи назардан таҳлил қиладиган бўлсак, ўша замонларда ҳам, ҳозир ҳам йигит ва қизларнинг ўзларига ҳар томонлама мос турмуш ўртоқ танлаши, уларда зарур сифат ва фазилатлар мужассамлиги оиланинг бахти ва фаровонлигидир. Бир-бирига номуносиб эр ёки хотин оиланинг таназзулидир.

Ҳусайн Воиз Кошифий (1440-1505) ўзининг ҳаётдан олган сабоқлари, тажрибалари асосида инсонпарварлик, иж-

тимой ҳаёт, оилавий одоб, адолат, ҳалоллик, софдиллик, тўғрилиқ, ростгўйлик ҳақидаги фикрларини қизиқарли ҳикоялар, ривоятлар, панд-насиҳатлар ёрдамида баён этган. У салбий ахлоқий хислатларни қоралайди ва уларнинг инсон ҳаёти ва жамият учун катта зарар олиб келишини қатор ибратли ривоятлар билан кўрсатади. Кошифий жамиятда, одамлар ўртасида ва оиладаги ўзаро муносабатларда ахлоқ меъёрлари бўлиб, бу меъёрлар инсонларнинг хулқ, феъл-атворларини тартибга солиб турадиган ахлоқий талаблардир, деб баҳолайди. У ижобий хислатларнинг кишиларда бўлиши шарт бўлган инсоний фазилат деб тушунади. Инсоний фазилатлар – сабр, ҳаё, иффат, покизалиқ, собитқадамлик, сахийлик, ростгўйлик, шижоат, камтарлик, хушёрлик, олийҳимматлик, диёнатлилик, аҳдига вафолик, андишалилик, иззат-ҳурматни билиш, сир сақлай билиш каби фазилатларни бирма-бир таърифлаб, уларнинг аҳамияти ва оқибатларини айтиб ўтади.

Ўз даврининг етук уламси Ризоуддин ибн Фахруддин эр-хотин муносабатларининг софлиги нақадар муҳим аҳамият касб этишини эътироф этган ҳолда бу масалага шундай ёндашади. «Гўзал муомалали бўлмоқ ислом шариатининг биринчи қоидаларидандир. Гўзал муомаланинг энг лозим қисми хотин билан бўлажак муомаладир. Қуръони Карим хотинлар билан гўзал мушоират этишга буюргандир. Бундай муомала этувчи эрнинг дунёси тузук, охирати роҳат бўлур.

Хотинга гўзал муомала қилувчи олий табиатли эрлар шариату ақл тарафидан ман этилган нарсаларга хотинларини йўлламайдилар ва энг азиз боласига бўлган меҳрушафқати даражасида оқибат кўрсатиб, хотинларини барча машаққатдан сақлайдилар, қурбилари етмаган хизматга буюрмайдилар».

Оилавий ҳаёт ва ундаги муносабатлар бобида Аҳмад Донишнинг қарашлари алоҳида эътиборга лойиқдир. У ўзининг «Нодир воқеалар» асарида оилавий ҳаётнинг турли жабҳалари, жумладан никоҳ одоблари, уйланиш шартлари, ишқ-муҳаббат ва севишганларнинг одоби, қайнона-ке-

лин низолари, фарзандларга васият, касб-ҳунарларнинг фойдаси ҳақида қимматли фикрларни баён этган. Унинг фикрича, ҳар бир инсон муайян ёшга етгандан кейингина унда уйланиш ва оила қуришга зарурат ҳосил бўлади. Бу даврга келиб инсон оила- никоҳ муносабатлари, оилавий ҳаёт қувончлари ва ташвишларидан бохабар, оилавий бахт, фарзанд тарбияси, эр-хотинлик ва ота-оналик бурчларини тушуниб етгандирлар. Аҳмад Дониш уйланиш шартларига ўша давр учун хос бўлган хислатли турмуш қурувчиларнинг бирон-бир касб соҳиби эканлигини, уй-жой соҳиби бўлишини, оила ва оилавий ҳаёт масалаларини эгаллаб олганликларини назарда тутди. Ўша даврга хос уйланиш шартлари (қиз томонидан қўйилган) янги оиланинг фаровонлиги, тўқислигини таъминлайдиган омиллардан ҳисобланган.

Аҳмад Дониш ўша даврдаги уйланишнинг мақсади ва мотиви ўзига хослиги, шунга қарамай, хотинларнинг ҳам эркаклардай иззат нафси борлиги, улар ўзларини эркаклардан кам тутмаслиги, шунинг учун уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш зарурлигини айтиб ўтади. Аҳмад Донишнинг қарашларида ҳам оиланинг бахти, оила фаровонлиги унинг мустаҳкам ва барқарорлиги хотинга, унинг ахлоқий ва маънавий камолотига боғлиқдир.

XX аср Туркистон жадидчилигининг улкан намояндalarидан бири Абдурауф Фитрат «Оила» номли асарида фарзандлар тарбияси, қизлар ҳам илм олиш кераклиги ва бу соҳада ота-онанинг вазифалари, уйланиш ва уйланмаслик, уйланишда қандай хотин танлаш лозим, бўлажак эр-хотин биринчи навбатда нималарга эътибор бериши лозимлиги, эр-хотиннинг қандай яшамоқлари хусусида оиланинг маишати ва идораси, эр хотинга хос сифат ва фазилатлар тўғрисида ҳаётий маълумотларга таяниб илғор ғояларни илгари суради. У «миллат тақдири мана шу миллат вакиллари яшаган оиланинг ҳолатига боғлиқдир, қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади», деб ёзади (10; 8).

Фитрат мазкур асарининг уйланишда қандай хотин танлаш лозимлиги мавзусида «Эр-хотин мушкулотдан иборат

бўлган ҳаёт сафариди бирга бўлиб, жисмоний ва руҳий осойишталикка шерик, инсоний вазифаларни бажаришда дастёр, қайғу ва умидсизлик дамларида ғамхўр, саодат ва бахтиёрлик чоғлари бир-бирларига ҳамдам бўлишлари лозим. Шундай экан, улар албатта, энг аввало, бир-бирларини камоли диққат ва тажриба юзасидан имтиҳон қилишлари зарур. Хотин эркак ҳолидан ва йигит қиз аҳволидан яхшигина хабардор бўлиб, кейин турмуш қуришлари лозим» деб огоҳлантиради. Фитратнинг фикрича, уйланиш учун яна тўрт нарсага алоҳида эътибор бериш лозим: мол, насаб, ҳусн ва имону-эътиқод. «Уйланиш орзусида бўлган эр билан хотиннинг мол (бойлик)лари ва насаблари тақрибан бир хил бўлиши лозим. Акс ҳолда эр билан хотин бир-бирларига тенг бўлмай, ҳаётини мудом азобга қўяди».

Шарқ мутафаккирларининг маънавий меросидан бундай мисолларни адоқсиз давом эттириш мумкин. Кўриниб турибдики, оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсири масаласига шарқ мутафаккирлари ва маърифатпарвар зиёлилари алоҳида эътибор билан қараганлар. Уларнинг асарларида оиланинг муқаддаслиги, унинг жамият ҳаётида тутган ўрни, оила муқаддаслигини белгиловчи муҳим миллий-маданий ва миллий-психологик омиллар кўрсатиб ўтилган.

Айниқса, оиланинг асосини ташкил этувчи эр ва хотинга хос сифат ва фазилатларнинг шаклланган бўлиши, улар оилавий бурч ва вазифаларини садоқат билан адо этишлари, бир-бирига меҳрибон ва кечиримлилиги энг муҳим қадрият сифатида эъзозланади.

Оила барқарорлигини белгиловчи шахслараро муносабатлар таъсирига хос қимматли маълумотлар ҳозирги оилавий турмуш ва унинг барқарорлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

### **Оила барқарорлигини таъминловчи омилларнинг чет эл психологиясида тадқиқ этилиши**

Тарихчи Лоуренс Стоун ўрта асрлар давридаги оилавий ҳаёт шаклининг ҳозирги замон шаклига ўтишини таъмин-

лаган схемани яратиб, у XVI асрдан то XIX асргача давр оралиғида оила тараққиётининг 300 йил давомида босиб ўтган 3 босқичидаги ўзига хосликни кўрсатиб берди. Мазкур даврнинг дастлабки ва ундан кейинги босқичида ҳам Стоуннинг фикрича, очиқ қариндошлик оиласи унинг ҳукмрон шакли ҳисобланган, у нуклеар оила бўлиб, нисбатан чекланган даражада ўз хўжалигини юритган. Маҳаллий жамоа билан, ўзининг қариндошлари билан узвий алоқага киришган. Стоунга кўра, ихоталанган патриархиал оилалар аста-секинлик билан жамоадан ажралган ҳолда уйга боғланган нуклеар оилалар томонидан сиқиб чиқарилди. Бу оиланинг муҳим жиҳатлари унинг аъзолари ўртасидаги яқин эмоционал муносабат, ундаги муносабатларнинг ўта ўзига хослиги ва бола шаклланишига эътиборнинг юқорилиги билан фарқланади. Бундай уюшган оила типи ҳозиргача сақланиб қолган. Жамоадан ажралган ҳолда уйга боғланган нуклеар оилаларнинг пайдо бўлиши билан эмоционал индивидуализмнинг, яъни эмоционал ва романтик муҳаббат тартибларини белгиловчи танловга кўра никоҳга киришнинг қадри ортди. Никоҳ ва оиланинг ғарбона типи шундай қиёфага эга бўлдики, бу умумий ҳолда ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Бироқ кейинги даврда (аниқроғи XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб) инсоният турмуш тарзи билан боғлиқ жамиятда юзага келган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий ўзгаришлар натижасида одамлар маълумотлилик даражасининг ўсиши, аёлларнинг халқ хўжалиги соҳаларида фаол иштирок этиши, меҳнат фаолияти таъсирида оила шароитида эр-хотин муносабатларининг ўзгариши, ўз навбатида, оила-никоҳ муносабатлари хусусиятига ўзининг сезиларли таъсирини ўтказди.

Охир оқибатда бугунги кунга келиб никоҳ одамларнинг ўз мулки ва мавқеини кейинги авлодга ўтказиш мақсадидаги саъй-ҳаракатлари мажмуи бўлмай қолди: аёллар иқтисодий мустақиллигининг таъминланиши билан никоҳ қачонлардир бўлганидек иқтисодий шериклик заруриятининг натижаси ҳисобланмай қолди.

Фаровонликнинг умумий ўсиши таъсирида, агар никоҳ инсонни қониқтирмаса, у ўз ҳаётини осонгина бошқа йўлга қўйиши мумкин бўлиб қолди. Бундан ташқари, ажрашганлар эндиликда ўзларида «иснод» тамғасини кўтариб юрмайди, чунки ажралиш ўз ҳаёт йўлини истаганидек қуриш учун қониқиш ҳиссини вужудга келтирадиган омилга айланди. Натижада оилавий ҳаётда инсониятнинг ижтимоий ва маънавий тараққиёти учун зид бўлган ҳолатлар: туғилишнинг камайиши, ажралишлар сонининг кўпайиши, ажралишлар салбий оқибатининг кишилар ҳаётига таъсирчанлигини ортиб бориши, никоҳсиз оилаларнинг кўпайиши ва бошқа қатор салбий ҳолатлар юз бера бошлади. Шу тариқа оила, турмушда юзага келаётган муҳим муаммолар жаҳон илмий жамоатчилиги: социологлар, демографлар, этнографлар, тарихчилар, ҳуқуқшунослар, медиклар, педагоглар ва психологлар эътиборини ўзига тортди. Оилавий ҳаёт муаммоларининг ижтимоий-психологик хусусиятлари психология фанининг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Ижтимоий психологияда оилавий ҳаёт муаммоларига доир илмий тадқиқот ишлари қанчалик кенг миқёсда олиб борилишига қарамай, унинг ҳали етарли даражада ўрганилмаган томонлари ҳам мавжуд. Булар қаторига оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳам киради.

Оилавий ҳаёт, никоҳ ва оила, ундаги шахслараро муносабатлар муаммолари бўйича тадқиқот олиб борган узоқ ва яқин чет эл психологларининг ишлари билан танишар эканмиз, уларнинг изланиш йўналишини шартли равишда икки турга ажратиш мумкин.

1. Оиланинг бузилишига олиб келадиган сабабларни ўрганиш орқали оилани мустаҳкамлаш, ундаги ўзаро муносабатлар барқарорлигини таъминлаш ва оилавий бахт истиқболларини белгилаш соҳасидаги илмий тадқиқот ишлари.

2. Бахтли ва фаровон оилаларни, яъни оиладаги бахт ва фаровонликни таъминловчи оилавий ҳаётга хос муҳим омилларни ўрганиш соҳасидаги илмий тадқиқот ишлари.

Энди ана шу йўналишларда олиб борилган илмий изланишлар билан чуқурроқ танишиб, уларнинг тадқиқотимиз билан боғлиқ ўзига хос томонлари ҳақида мулоҳаза юритамиз.

Бугунги кунда никоҳ ва оилада муҳим ўзгаришлар юз бераётганини рад этиш қийин. Булар кенгроқ ижтимоий ўзгаришларни ўзида ифодалайди.

Тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича «бахтли оила» ва «фаровон турмуш»ни таъминловчи муҳим жиҳатлар тўғрисидаги ўспиринлар тасавури билан оилалилар тасавури ўртасида кескин фарқ мавжуд. Бу ҳолат айниқса оиланинг маънавий ва моддий ҳаёти тўғрисидаги тасавурларда ёрқин намоён бўлади. Никоҳдан кейинги ҳаёт эр-хотиннинг ўз турмуш тарзи ва тажрибалари ёрдамида ўзларининг бахтли оилаларини қуришга ундайди ва бу ижтимоий воқеликни улар реал тушуна бошлайдилар.

Бахтли оила масалалари билан шуғулланган етакчи социолог ва психолог олимлар унинг 11 та энг муҳим шарт-шароитлари мавжудлигини аниқлаганлар:

1. Эр-хотиннинг ўзаро бир-бирини тушуниши.
2. Алоҳида уй-жойнинг мавжудлиги.
3. Моддий жиҳатдан яхши таъминланганлик.
4. Фарзандлар.
5. Никоҳ мустаҳкамлигига ишонч.
6. Оилада бўш вақтни қизиқарли ўтказиш.
7. Ўзига ёққан иш билан таъминланганлик.
8. Маълумотнинг мослиги.
9. Иш жойининг қулайлиги.
10. Яхши дўстларнинг мавжудлиги.
11. Эр-хотиннинг эркинлиги.

Уларнинг тадқиқот таҳлилларига кўра, қайси бир оилада ана шундай имкониятлар мавжуд бўлса, у оилани бахтли оила дейиш мумкин, унинг аъзолари эса бахтиёр ва фаровон турмуш кечираётганликларидан дарак беради.

Уларнинг тадқиқот таҳлилларига кўра, яна шу нарса маълум бўлдики, оилада бахтли ва фаровон турмуш вужудга келиши учун юқорида келтирилган шарт-шароитлар ўз аҳамиятига кўра эр билан хотин учун бир хил эмас. Масалан, «эр-хотиннинг бир-бирини тушуниши», «алоҳида уй-жойнинг мавжудлиги», «моддий яхши таъминланганлик», «фарзандлар» ва «қизиқарли иш» аҳамиятига кўра, эрда бошқача, хотинда эса бошқача баҳоланган. Эр биринчи ва



иккинчи ўринга «алоҳида уй-жой билан таъминланганлик» ва «моддий яхши таъминланганлик»ни, кейин бошқаларини қўйса, хотин эса биринчи ва иккинчи ўринга «эр-хотиннинг ўзаро бир-бирини тушуниш», «фарзандлар» ва сўнгра эса «алоҳида уй-жой», «моддий яхши таъминланганлик» ҳамда «қизиқарли иш»ни қўяди. Бундан кўриниб турибдики, бахтли ва фаровон оила мазмунини энг муҳим томони ҳаёт ва фаолиятнинг зарур шарт-шароитлари, болалар оила иттифоқи барқарорлигининг муҳим мазмун-моҳиятини ташкил этади.

С.В.Ковалевнинг таъкидлашича, ёшларда оилавий ҳаёт ва турмуш тарзига хос тўғри тасаввурлар етарли эмаслиги сабабли турмуш қурганларида оила-никоҳ муносабатларидан қониқмаслик ҳолатлари кўп учрайди. Шунинг учун ёшлар ўсиб улғаядиган ва ўқиш жойларида уларни оилавий ҳаётга, турмушга тайёрлаш, уларда бахтли оила ва фаровон турмушни таъминлайдиган зарур сифат ва фазилатларни шакллантириш, уларни бўлғуси оила тўғрисидаги романтик, ширин хаёллардан, ҳар хил чалғишлардан қутқариш билан боғлиқ тарбиявий шарт-шароитларни яратиш тўғрисидаги қимматли маслаҳатларни илгари суради.

Хорижий мамлакатларда шу соҳада ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, юқори синф ўқувчиларида бахтли оила қуришлари учун уларда иккита муҳим жиҳат шаклланган (улар эгаллаган) бўлиши шарт. Биринчиси, ғоявий етуклиги (иқтисодий таъминланганликка нисбатан ҳам), иккинчиси, ўзаро муносабат ва мулоқот маданияти таркиб топган бўлиши зарур. Шу билан бир қаторда оила қураётган ёшларда ўзини ўзи англаб, ўзидаги қусурларни қисқартиришга интилиш, воқеа ва ҳодисаларга ўзгалар назари билан қараш, муомалада юқори маданиятлилик, бошқаларнинг хоҳиш ва қарашлари билан ҳисоблашиш, севгини улуғлаш, бир-бирига барқарор ишонч, бир-бирини тушунишнинг юқорилиги, бир-бирига ҳурмат ва садоқат каби фазилатлар ҳам мужассамлашуви керак.

Оилавий муносабатларни ўрганиш соҳасида эстониялик олимлар Э.Тийд ва В. Уколоваларнинг олиб борган тадқи-

қотлари диққатга сазовордир. Улар оиладаги эр-хотин ўзаро муносабатлари характериға қараб унинг моделларини ишлаб чиқадилар. Уларнинг фикрича, ҳозирги жамиятда кўпроқ оиланинг 2 та модели: анъанавий (асимметрик) оила модели ва замонавий (симметрик) оила модели учрайди. Анъанавий (асимметрик) оилада эр сўзсиз оиланинг иқтисодий таъминотчиси ва унинг бошлиғи саналади. Оиладаги иттифоқ мавқеини у белгилайди. Оила ҳаётига хос ташкилий ва бошқа муҳим муаммолар ечимини у белгилайди. Шу боис, эр оиладаги бошқа ташвишлардан озод қилинади. Аёл эса анъанавий оилаларда унча кўп даромад келтирмайди ёки нисбатан оз даромад келтиради. Унинг учун энг муҳими фарзанд кўриш (туғиш) ва оила хўжалигини намунали юритиш, болаларни назорат қилиш ва уларнинг камолоти билан шуғулланишдир. Шунга кўра, оила юритиш жавобгарлиги кўп жиҳатдан унга боғлиқ бўлгани учун ундаги микро муҳитни яратиш ва шакллантириш ташвиши, асосан, унинг мажбуриятига киради.

Замонавий (симметрик) оилада эр-хотин ўзаро муносабатлари анъанавий оиладагидан фарқли ўлароқ (ёки бу оила эгалитар (французча - тенглик) оила ҳам дейилади) ундаги барча роллар хоҳ иқтисодий, хоҳ у тарбиявий бўлсин ҳаммаси эр-хотиннинг ҳамкорлигида, биргалигида амалга оширилади. Улар оила хўжалигини бирга юритадилар, унинг масалалари ва муаммоларини бирга ҳал қиладилар ҳаттоки, то тарбиявий масалаларгача.

— Эстониялик олимлар Э.Тийд ва В.Уколоваларнинг кўрсатишича, оиланинг мустаҳкамлиги, ундаги муносабатларнинг аниқ мақсадларга қаратилганлиги ва йўналтирилганлиги билан ҳам белгиланади. Улар оилавий муносабатлар мақсадини кўпроқ 3 йўналишда бўлишини фарқлайдилар. Оилавий муносабатлар барқарор бўлади, қачонки:

1. Мақсад – болалар тарбияси билан боғланган бўлса;
2. Мақсад – эр-хотиннинг шахс сифатида янада ривожланиб боришини асосласа;
3. Мақсад – оила учун зарурий нарсаларни, уйни шинам ва орасталигини таъминлашга қаратилган бўлса.

Кўриниб турибдики, оила барқарорлиги – оила аъзоларининг ўзаро ҳурматга, севги-муҳаббатга, жавобгарлик – бурч ҳиссига ва эр-хотиннинг психологик ва жинсий ўзаро мослигига асосланган жуда мураккаб, кўп қиррали ва кўп даражали муносабатлари натижасидан иборатдир.

Оила барқарорлиги оиланинг ягона ва бутунлигини сақлайди. Афсуски, оила барқарорлиги XX асрнинг 80-90 йилларига келиб пасая бошлаган. Бунинг асосий сабаблари оила бузилишларининг кескин ошиши, болаларни туғилиш сонининг камайиши, никоҳсиз оилаларнинг кўпайиши билан тавсифланади. Шу боис, ҳозирги ёшларга оила бузилишининг муҳим сабабларини тушунтириш билан бирга оила беқарорлигига олиб келувчи жуда мураккаб омиллар таъсирини ҳам далиллаб бориш зарур.

Аксарият тадқиқотлар натижаларига кўра, оила бузилишининг энг муҳим сабаблари: эр-хотиннинг бир-бирига нисбатан ишончининг йўқолиши, ҳиссиётнинг (севги-муҳаббатнинг) сусайиши, характер хусусиятларнинг мос келмаслиги, эр-хотиндан бирининг бола кўришга лаёқати йўқлиги ёки жинсий қониқмаслик ҳолатларидан иборатдир. Бундай натижаларни узоқ ва яқин чет эл психологлари олиб борган тадқиқотларда ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Оилада шахслараро муносабатлар маданиятининг шаклланганлиги оила аъзоларининг жамиятда ўз ўрнини, қадрини топишга ўз истак ва қобилиятларини рўёбга чиқаришга имконият яратади. Агар унда оилавий муносабатлар етарли даражада шаклланмаган бўлса ёки шаклланмаса унда турли муаммолар ва низолар шаклланади. Оилада тотувлик йўқолади ва унда нохуш психологик муҳит ҳосил бўлади. Оила аъзолари жамиятда ҳам ўз ўринларини топа олмайдилар. Энг муҳими шуки, бундай ҳолат фарзандлар камолотига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Америка Қўшма Штатларида сўров даврида 266 та оилавий муаммолар бўйича шуғулланадиган маслаҳатчилар ўрганиб кўрилганда, уларга ёрдам сўраб мурожаат қилган ҳар 10 та оиланинг 9 тасида ўзаро муносабатларда қийинчиликлар содир бўлаётганлигини тасдиқлай-дилар. Мазкур

қийинчиликлардан: коммуникатив қийинчиликлар – 86,6% ни, болалар ва уларнинг тарбияси билан боғлиқ – 45,7% ни, жинсий муаммолар – 43,7% ни, молиявий муаммолар – 37% ни, маданий муаммолар – 37,6% ни, туғишганлар билан муносабат – 28,4% ни, эр-хотин ўртасидаги ишончсизлик – 26,6% ни, хўжалик ишлари – 16,7% ни, жисмоний ҳақоратлаш – 15,6% ни ва бошқа муаммоларни ташкил этади.

Худди шундай ҳолатни, яъни эр-хотин ўртасидаги ўзаро муносабатлар маданиятини америкалик тадқиқотчилар В. Метьюза ва К. Михановичлар олиб борган реал оила ҳаётини ўрганиш натижалари ҳам тасдиқлайди. Улар бахтли ва бахтсиз оилалар (шартли равишда) орасидаги ўндан ортиқ зарур фарқларни кўрсатиб ўтганлар. Уларга: – Оилада эр-хотин муносабатларидаги тенгсизлик; бир-бирини яхши тушунмаслик; жаҳл билан гапириш; ўзини таҳқирланганлигини сезиш; эътиборсизлик; умидсизлик; ишончсизлик; жанжалларни содир этиб туриш; бировларнинг фикрига қўшилмаслик, ҳурматталабликлар эканлигини асослайдилар.

Кўпчилик психологларнинг фикрича, оилавий бахт бўлиши учун низоли оилаларда етарлича психологик шарт-шароитлар мажмуаси мавжуд эмас (оилада ижобий барқарор психологик муҳитни таъминлайдиган эр-хотин муносабатларига хос сифат ва фазилатлар етарли шаклланмаганлигидан далолат беради). Уларнинг фикрича, оилада етарли психологик шарт-шароитлар комплексини қуйидагилар ташкил этади:

1. Нормал (дўстона) зиддиятсиз муносабат. 2. Ишонч ва эмпатия. 3. Бир-бирини тушуниш. 4. Нормал (интим) жинсий ҳаёт. 5. Уй-жойнинг бўлиши.

Россияда ўтган асрнинг 80-90 йилларида оила муаммолари билан шуғулланган психолог олимлар (С.В. Ковалёв, Н.Н. Обозев)нинг баҳосига кўра, бахтсиз оилаларни уч тоифага киритиш мумкин. Улар шартли равишда: жанжалли, инқирозли, муаммоли оила тоифаларига бўлинадилар.

Жанжалли оилада эр-хотин ўртасида девор (сфера) бўлиб, уларнинг қизиқишлари, эҳтиёжлари, баҳолашлари ва хоҳишлари ўртасида доимо тўқнашувлар келиб чиқади ва у кучли эмоционал ҳолат кўринишида узоқ сақланади.

Инқирозли оилада эр-хотиннинг қизиқиш ва эҳтиёжлари асосан қатъий характерга эга бўлиб, бу ҳолат оилавий ҳаёт соҳасининг муҳим томонларини эгаллайди.

Муаммоли оилада эр-хотин ўртасида содир бўладиган қарама-қаршиликлар ёки зиддиятлар асосан унда қийин ҳаётий вазиятлар, қийинчиликлар (масалан уй-жойнинг йўқлиги, оғир ва узоқ муддатли касаллик) юз берган ҳолатларда юзага келади.

Ана шундай оилалардаги эр-хотинлар улардаги ижтимоий-психологик муҳит ва ўзаро ҳурматга, ёрдамга таянган муносабатлардан қониққандагина турмушлари мустаҳкам бўлиши мумкин (Ковалев).

Оилавий қийинчиликларни келтириб чиқарувчи муҳим сабабларни ўрганган С.И.Голод (1981 й.) оилавий қийинчиликларни қуйидаги кўринишларда: уй хўжалигини ташкил этиш; қариндошлар билан муносабатнинг оғирлиги; болалар ва унинг тарбияси; коммуникациядаги қийинчиликлар, молиявий қийналишлар, ичкиликка берилиш, қизиқиш ва эътиқодларнинг турли йўналишдалиги, рашк ва қизғаниш, жинсий номутаносибликларда намоён бўлишини қайд этади.

Дайан Ваген (1986 й.) ажралиш вақтида ажралишган шериклар муносабатларини текширган. Маълум бўлишича, кўп ҳолларда жисмоний ажралишдан олдин эр-хотинлар ижтимоий жиҳатдан бошқа-бошқа бўлиб қоладилар.

Ваген тадқиқотига кўра, ажралиш дастлабки пайтларда олдиндан ўйлаб қилинмайди. Бир индивид, Ваген атамасига кўра, ташаббускор – бошқасига қараганда, мавжуд муносабатлардан кам қониқади ва никоҳдан мустақил «ҳудуд» ни яратади... Шундай вақт келадик, уринишларининг чиппакка чиққанлигини, муносабатларнинг узил-кесил бузилганлигини ташаббускор тушунади. Шу вақтдан бошлаб эр-как ёки аёл шериги билан ҳар қандай муносабатларни инкор этиш ҳукмида бўлади. Вагеннинг тахминича, бу – эрнинг муносабатлар бошидаги мавжуд нуқсонларини ҳисобга олмай, хотиннинг кўзга ташланадиган жиҳатларини бўрттирган «севгисига» қарама-қарши ҳолатдир.

Муаммоларни чуқур ўйлаб кўриб, баъзилар илгариги муносабатларини қайта тиклашга уринадилар. Қатъий аж-

ралувчилар учун мулоҳаза ва муҳокама ўз ҳукмининг тўғрилигига ишонч яратади ва ажралишни тезлаштиради.

Ажралмоқчи бўлганлар ўз турмуш тарзи ва дунёқарашларида жиддий ўзгаришларни бошидан кечирадилар. Пол Боэннэн ажралишни амалга оширувчи ўзаро 6 та босқични белгилайди. Буларнинг ҳаммаси қийинчиликлар ва тортишувлар туғдиради, ажралишганларга, уларнинг болаларига, қариндошларига ва танишларига таъсир қилади:

1. Жанжалли ажралиш – бунда шериклар ўртасидаги совуқ муносабатлар кескин ошиб, одатда никоҳнинг бузилишига олиб келади.

2. Очиқ ажралиш – бунда никоҳни бекор қилиш учун зарур асослар мавжуд бўлади.

3. Иқтисодий муаммо сабабли ажралиш – мол-мулкнинг бўлиниши билан боғлиқ ажралишдир.

4. Ота-оналар ажралиши – болаларга восийлик қилиш ва улардан хабар олиб туриш ҳуқуқи билан боғлиқ ажралиш.

5. Коммуникатив ажралиш – ажралганларнинг дўстона ва бошқа ижтимоий алоқаларининг ўзгариши.

6. Руҳий ажралиш – индивид ҳиссий боғланганликни узил-кесил узади ва мустақил ҳаёт заруратини сезади.

Америка Қўшма Штатларда Роберт Вейсс томонидан ажралган эркаклар ва аёллар билан ўтказилган суҳбатлар шуни кўрсатадики, хотинлар ажралишдан эркакларга қараганда кўпроқ иқтисодий зарар кўрадилар, аммо психологик (руҳий) ва ижтимоий кўникиш жараёни ҳар икки жинсда ўхшаш ҳолатда кечади. Вейсс қараб чиққан кўпчилик ҳолларда шерикларнинг бир-бирига нисбатан ҳурмати ва муҳаббати жуфтларнинг ажралишига қадар йўқолади. Улар ўрнига душманлик ва ишончсизлик пайдо бўлади.

Ажралиш ҳолатларининг салбий оқибатлари болалар учун ниҳоятда оғир кечади. Жудет Валлерстайн ва Жон Келлилар Калифорния штатида ажралган олтмишта оиланинг болалари ҳаётини ўргандилар. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ота-оналар ажралганидан сўнг, кўп ҳолларда болалар анча маъюс бўлиб қолганлар. Сўров ўтказилган 131 нафар боланинг қарийб ҳаммаси ажралиш вақтида ўткир эмоционал

ҳолатда бўлганлар. Мактабгача ёшдаги болалар баъзан юз берган воқеада айбни ўзларига олиб, хижолат ва ваҳимада бўлганлар, катта ёшдагилар эса ота-оналарининг ниятларини яхшироқ тушунсаларда, ажралиш оқибатлари ва ўзларининг келажаклари учун чуқур хавотирланишни, уларда кўпинча ўткир газабланиш туйғусини юзага келтиради .

Е.Бургесс, П.Воллин, Л.Терман ва М.Одема, Г.Роландлар бир қатор тажрибаларга таяниб, эр-хотинликдан қониқишда шерикларга хос сифатларнинг қуйидаги турларини қайд этадилар.

Бахтли никоҳдаги шерикларни тавсифловчи сифатларга:

1. Эмоционал барқарорлик.
2. Ўзга кишилар билан келиша олишлик.
3. Хушмуомалалик.
4. Очиқлик, ишонч.
5. Эмоционал муҳтожсизлик.
6. Ён берувчанлик киради.

Бахтсиз никоҳни тавсифловчи сифатлар:

1. Эмоционал беқарорлик (невротизм).
2. ўзга кишиларга танқидий муносабат.
3. Ҳукмронликка интилиш.
4. Берклик, тундлик.
5. Шубҳаланувчанлик.
6. Эмоционал беркликдир (103; 74).

Юқоридаги муаллифларнинг изоҳлашича, никоҳдан қониққанликни белгиловчи 2 та асосий ўлчам (мезон) мавжуд экан. Ушбу икки ўзаро алоқадорликдаги кўрсаткичлар – эмоционал соҳа ва ижтимоий муҳитга йўналганликдан иборатдир.

Г.Роланд эса ўз тадқиқотларида оиладаги шахслараро муносабатдан қониқиш учун зарур коммуникатив сифатларни ажратиб кўрсатган:

1. Мулоқотмандлик.
2. Оилада юқори даражадаги ўзаро тушуниш.
3. Эр-хотинларнинг жинсий қониққанлиги.
4. Эмоционал қўллаб-қувватлашнинг мавжудлиги ва ишонч.
5. «Уй»ни оиладаги ҳамжиҳатликни белгиловчи маскан деб қараш (Roland 98).

Б.Фабер эса оиладаги коммуникатив қадриятлар йўналишининг юқори меъёрада бўлиши бахтни белгиловчи баҳо деб ҳисоблайди.

А.Кемпинский бўлса эр-хотин ҳамжиҳатлиги тўғрисидаги қизиқарли (таажжубли) концепцияни тақдим этди. Муаллиф бу концепцияни тақдим этишда (тайёрлашда) невро-

тик оилаларга оид маълумотларга таянади. Унинг қарашларига кўра, эр-хотин ўртасидаги мутаносиблик учун муҳим (чуқур) аҳамият касб этувчи шахс хислатларига қараганда, шунчаки юзаки (иккинчи даражали) фазилатлар муҳимдир. Иккинчи даражали шахс сифатлари ситуатив хулқатвсрда намоён бўлади. Улар эр-хотин жуфтлигининг яхлит тузилма сифатида мос келишидаги вазифаларини мувофиқлаштиради (103; 75).

Н.Н.Обозов оилавий ҳаётдан қониқмаслик, никоҳнинг бузилиши ва беқарорлигини белгиловчи сабабларни эр билан хотин ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий функциянинг тенглаштирилишидандир деб тушутиради. Унинг фикрича, олдинлари эрнинг ижтимоий-иқтисодий вазифаси оиладаги боғлиқлигини белгилаган бўлса, у оилани бузилишдан сақлашнинг битта воситаси эди, холос. Ҳозирги кунда эр билан хотиннинг ижтимоий-иқтисодий тенглиги уларнинг функционал мажбуриятларини тақсимлашда янгича ёндашишни талаб қилади. Функцияларни тақсимлашдаги асос сифатида эр билан хотиннинг ўзаро таъсирлашувининг психологик хусусиятларини очиш мақсадга мувофиқ. Унинг фикрича, ижтимоий-тарихий тажриба ва кейинги тажрибалар ҳозирги авлоднинг функцияларини психологик тақсимлаш жараёнини қийналмасдан ва «асоратсиз» бўлишни кафолатлай олмаяпти.

В.Е.Семенов, Машеров, Ю.Т.Тимофеевларнинг тадқиқотларида оилада низоли вазиятларни келиб чиқиши инсон турмуш тарзининг бутунлигича қамраб олувчи соҳалардаги ўзгаришлар билан ҳам боғлиқ эканлиги кўрсатиб ўтилади. Тадқиқотдаги натижаларга кўра, ишчи аёллар учун энг аҳамиятли ҳаётий қадриятлар «оилавий бахт», «яхши соғломлик», «севимли иш» ва «соф виждон»дан иборат экан. Эркак ишчиларда эса қадриятларнинг энг асосийсини «севимли машғулот», сўнгра «оилавий бахт» ташкил қилиши аниқланган.

Шу ўринда оиладаги маиший масалалар ишлаб чиқариш жараёнидан ташқаридаги омил бўлса ҳам, ундаги психологик муҳитни тартибга солишда иштирок қилишини таъкидлаш жоиздир.



Кўриб ўтганимиздек, чет эл психологлари томонидан оила муаммоларини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар анча салмоқли ва кенг қамровлидир. Шундай бўлсада, мазкур илмий изланишлар натижалари, улардаги илмий тавсия ва хулосалар маълум даражада чекланганлик характериға эгадир. Тадқиқот натижаларининг чекланганлик характерида эканлиги ҳар бир халқда оилавий турмуш муаммолари миллий, маданий, анъанавий ва ҳудудий хусусиятлар мавжудлиги билан уйғунликда намоён бўлади.

Чунки, оилавий турмуш тарзи ва эр-хотин муносабатларининг миллий, маданий ва минтақавий ўзига хослиги бошқа миллатларникиға у ёки бу даражада тўғри келавермайди. Яъни бошқа миллат вакилларида оила муаммоларини ҳал қилиш билан боғлиқ тадқиқот натижаларини ўзбек миллий-маданий муҳитида самарали қўллаш мумкин эмас. Шу боис, биз ушбу тадқиқотлар натижасида эришилган ютуқларға юқори баҳо берган ҳолда, бу илмий далилларни ўзбек оилалари учун ҳам тўла тааллуқли дея олмаймиз.

Энди биз ана шу нуқтаи назардан Ўзбекистон психолог олимларининг оилавий турмуш муаммоларини, хусусан, оила барқарорлиғиға шахслараро муносабатлар таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганишға яқинроқ масалалар бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларини таҳлилиға доир фикрларимизни баён этамиз.

### **Оила барқарорлиғиға шахслараро муносабатлар таъсирининг мамлакатимиз психологлари томонидан таҳлил қилиниши**

Ижтимоий-тарихий ва илмий манбаларнинг гувоҳлик беришича, ўзбек оиласининг ҳаёти, ундаги ўзаро муносабатлар, унинг урф-одатлари, анъаналари ва қадриятлари, турмуш тарзи, маданияти, тарбиявий муҳити ва меҳнат шартшароитлари жиддий илмий муаммолар сифатида XX асрнинг 60-70 йилларидан эътиборан ўрганила бошланди. Ана шу йиллардаги дастлабки тадқиқотлар кўпроқ фалсафий, тарихий, этнографик йўналишдаги ва оиланинг тарбиявий ва меҳнат шарт-шароитларини ўрганишға қаратилган

бўлса, кейинги тадқиқотлар ўз характериға кўра, онланинг маданий, ҳуқуқий, тиббий, унинг турмуш тарзи, ундаги тарбия муҳитининг аҳамияти, ўзаро муносабатларнинг психологик қонуниятларини ўрганишга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Мазкур тадқиқотлар сирасига қуйидагиларни келтириб ўтиш ўринлидир.

Жумладан, Х.Тоштемиров (1977, 1980), Л.С.Яхёев (1980), Г.М.Ҳамидова (1984), Т.Т.Тўйчиева (2000), М.Холматова (2000)лар томонидан оилавий турмушнинг фалсафий жиҳатлари, оила-никоҳ муносабатларининг такомиллашиш анъаналари ва ҳозирги замон ўзбек оиласининг турмуш тарзи ўрганилган. Ш.А.Исроилов (1979), Ф.М.Отахўжаев (1995) ва бошқалар ўз тадқиқотларида ўзбек аёлларининг ҳуқуқий масалалари, оила-никоҳ муносабатларининг ҳуқуқий жиҳатларини ўрганганлар. М.Р.Бўриева (1997) ўз тадқиқотларида ўзбек оиласининг демографик жиҳатларини тадқиқ этган.

Б.З.Умаров (1986) эса ўз изланишларида ўзбек оиласининг социологик жиҳатларини тадқиқ этган. Айниқса, Республикамиз педагог олимларининг мазкур соҳада амалга оширган тадқиқотлари эътиборга лойиқдир. А. Қ. Мунавваров (1984, 1994), М. И. Сангилов (1986), О.Мусурмонова (1999), Ҳ.Узоқов (1992,1994), О.Тўраева (1990) ва бошқалар ўз тадқиқотларида ўзбек оиласининг ўзига хослиги, тарбиявий имкониятлари ва шарт-шароитлари, ўзаро муносабатлар шаклланишининг маънавий асосларини ўрганганлар.

Оилавий ҳаёт психологияси, оила-никоҳ муносабатлари, оиладаги ўзаро муносабатлар, ундаги зиддиятлар, ажралишлар ва унинг оқибатлари кейинги йилларда психология фанининг кенг тадқиқот манбаига айланиб бормоқда. Бу соҳада психолог олимлардан Ф.Б.Шоумаров (1986, 1990, 1994, 2001), Е.А.Моршинина (1986), Э.Ғозиев (1994, 2002), В.М.Каримова (1987, 1994, 1999), М.Г.Давлетшин (1993,1994), Н.А.Соғинов (1990), С.А.Охунжонова (1991), А.Шожалилов (1994), Т.М.Адизова (1994), Э.Усмонов (1993), Х.Каримов (1994), Ш.Ш.Жўраева (1994), Р.С.Самаров (1997), О.Шамиева (2000) Н.Салаева (2001), Ф.Р.Рўзиқулов (2002) ва бошқалар олиб бораётган илмий тадқиқот ишлари диққатга сазовордир.

Республикамизнинг етакчи психолог олимларидан Ф.Б.Шоумаров (1990, 1994, 2000) ўз тадқиқотлари натижаларига таяниб, оиланинг мустақкам бўлиши, эр-хотиннинг бахтиёр ҳаёт кечирishiлари ва тинч-тотув яшашларида уларнинг ўзаро қовушиши муҳим роль ўйнайди (165) деб кўрсатади. У ўзаро муносабатларни шартли равишда 3 таркибий қисмга бўлинишни эътироф этади. Улар: 1) биологик қовушув; 2) психологик қовушув; 3) социал қовушув.

Баъзи ҳолларда мижоз тури жиҳатидан келин-куёвлар ўзаро мос келмаса-да, лекин улар орасидаги ҳиссиёт кучи, психологик-педагогик билим савияси, оилавий ҳаётни мустақкамлашга интилиш, тарбия ва маданий савия даражаси, ўзаро муносабат маромлари уларнинг ўзаро қовушишини, оиланинг мустақкамлигини таъминлай олади.

Келин-куёвларда альтуризм (меҳр-муҳаббат) худбинликдан устун бўлса, ҳар қандай тафовут, келишмовчилик оилавий турмуш учун хавф туғдирмайди (165;49). Шунингдек, психологик қовушувда марказий ўринни шахс психологиясининг таркибий қисмларидан бири бўлган феъл-атвор ва характер эгаллаши алоҳида таъкидланади.

Муаллиф тадқиқотларида оилада эр билан хотин орасида юзага келадиган келишмовчиликларни психологик таҳлил қилиб, уларнинг асосий сабаблари келин-куёвнинг касб фаолияти ва оиланинг қадр-қимматини ўлчашлари унда етакчилик мавқеини қўлга киритиш учун курашишлари, бир-бирини психологик хусусиятларини тушуниб етмасликлари, уй-рўзғор ишларини бажаришга тайёр эмасликлари, жинсий тарбияга оид билимларнинг етарли эмаслиги, болаларни тарбиялашдаги келишмовчиликлари, мижозларнинг мос келмаслиги, жинсий масалаларда келишолмасликлари, фарзандсизлик, рашк ва ишончсизлик эканлигини кўрсатиб ўтади. Шунингдек, оила барқарорлигига салбий таъсир этадиган энг муҳим омиллардан бири бу – қайнона-келин ўртасидаги келишмовчиликлар эканлиги ҳақида тўхталиб, бунинг муҳим сабаблари қизларда никоҳгача оилавий ҳаётга, қайнонага ва қайнона келин муносабатларига нисбатан салбий тасаввурларнинг шаклланганлиги; қайнона ва келиннинг дунёқараш-

лари; уй-рўзғор тутишда келишмовчиликларнинг пайдо бўлиши; баъзи келинларнинг келинлик ва оналик вазифаларини бажаришга тайёр бўлмаслиги; айрим ҳолларда қайнона-келин болалар тарбияси масаласида келишолмай қолишлари; баъзан катта хонадонларда овсинлар қайнона илтифоти учун бир-бири билан келишолмаслиги; баъзи ҳолларда қайнона-келиннинг ёш хусусиятлари, қизиқиши, орзу-ҳаваслари, ишлаши ёки ўқишини ҳисобга олмаслиги; айрим келинларнинг янги оилага мослашишининг қийин кечиши эканлиги келтириб ўтилган.

Э.Ғозиевнинг (1992, 2002) оилавий ҳаёт муаммолари соҳасида олиб борилаётган тадқиқотлари диққатга сазовордир. Олимнинг таъкидлашича, оилавий муносабатлар турли негиз – иқтисодий, мафкуравий, ҳиссий иродавий, ахлоқий-ақлий, қариндош-уруғчилик, яқинлик ва дўстлик-биродарлик асосида қурилади. Ана шу негизлар бақувват оилада эр-хотин тотувлиги, оила барқарорлиги, оиланинг бахти ва фаровонлиги таъминланади. Олимнинг фикрича, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда ёки янги оилалар қуришда ана шу муҳим асосларга эътибор бериш ва баъзи бир нарсалардан огоҳ бўлиш зарур. «Оила бут бўлиши учун биринчи навбатда, шахслараро тенгликни қарор топтириш керак. Икки ёш, яъни бўлғуси куёв-қайлиқлар бир-бирларини чуқурроқ ўрганишлари, айрим нуқсонлардан кўз юмишлари зарур. Ёшларни қийинчиликларни енгишга, ўзгача шарт-шароитга кўникашга болаликдан ўргатиб бориш лозим. Энг муҳими улар ўртасида чин муҳаббат бўлиши даркор. Оилада меҳнат тақсимотини тўғри йўлга қўйиш айни муддаодир».

Э.Ғозиев ўз тадқиқотларида оилада юзага келадиган зиддиятлар ва оила бузилишлари ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб, унинг муайян сабаблари: эр-хотиннинг характер жиҳатидан мос тушмаганлиги, фарзанд кўрмаслик, келиннинг маънавий ва жисмоний жиҳатдан ҳақоратланганлиги, моддий таъминотдаги камчиликлар, тарбиявий қашшоқлик, оилада ортиқча анъана ва маросимларнинг мавжудлиги, ичкиликка ружу қўйиш, рашк, маданий ҳордиқ чиқариш имкониятининг

йўқлиги, қариндош-уруғчиликдаги кўнгил бузар ишлар мавжудлигини кўрсатиб ўтади. Шунингдек, Э.Ғозиевнинг бу соҳадаги ишлари билан танишар эканмиз, уларда ўзбек оиласидаги шахслараро муносабатнинг ўзига хослиги, оила барқарорлигининг ижтимоий-психологик мезонлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар борлигини кўрамыз.

В.М.Каримова (1987, 1994) ўзбек ёшларида оила тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлар шаклланиши, ўзбекларнинг оилавий психологиясининг ўзига хос томонлари ҳақида салмоқли тадқиқот ишларини олиб борган. Муаллиф тадқиқотлари давомида ўзбек халқ оғзаки ижодида, ислом динининг муқаддас манбаларида, шарқ мутафаккирлари асарларида, таниқли педагог ва психолог олимлар асарларида никоҳ ва оила, оилавий ҳаёт муаммоларига доир материалларни изчил ўрганиб, психологик таҳлиллари асосида бир қатор илмий ғояларни илгари сурган.

Муаллифнинг фикрича, оилавий-ижтимоий тасаввурлар мураккаб ва кўп компонентли психологик тизимлар бўлиб, уларнинг таркибига оиланинг умумий қадриятлари, шахслараро муносабатларга хос тасаввурлар, эркак ва аёл фазилатлари, уларнинг оилавий муносабатлардаги ўрни ва аҳамияти тўғрисидаги, репродуктив тасаввурлар ва бошқа ижтимоий-психологик тушунчалар кирати.

Оилавий-ижтимоий тасаввурлар асосан шахс ижтимоийлашувининг дастлабки давриданоқ шакллана бошлайди ва унинг ўзгаришида ижтимоий-психологик омиллар, таълим-тарбия, оила муҳити, миллий-маънавий ва ахлоқий қадриятлар, шахснинг мулоқот муҳити ва шахсий фаоллиги муҳим роль ўйнайди. Оилавий-ижтимоий тасаввурлар ҳар бир оила аъзосининг билиш тизимида шаклланган онг таркибларидан иборат бўлиб, шахснинг ижтимоий ва индивидуал тажрибаси сифатида унинг оилавий ҳаётга тайёрлигини таъминлайди.

В.М.Каримова тадқиқотларида оилавий ижтимоий тасаввурлар шаклланишида бола шаклланаётган оила ва ундаги ўзаро муносабатлар характери муҳим аҳамият касб этиши, яъни оиланинг катта ёки кичиклиги, тўлиқ ёки нотўлиқлиги, жинсий муносабатлар ҳақида ва репродуктив тасав-

вурлар характерини белгилаши ва шахсий ижтимоий мослашувлар йўналишида акс этиши аниқланган.

Ўзаро муносабатлар асосини ташкил этган оила аъзоларининг ўрнига оид тасаввурлар ва уларнинг дифференциацияси ўзининг ёш, ҳудудий ва жинсий хусусиятларига эга бўлиб, улар аввало ҳар бир оиланинг руҳий-маънавий муҳити, миллий қадриятлар, анъаналар, расм-русумлар қанчалик сақланиб қолганлигига ҳам боғлиқлиги асосланган. Муаллиф никоҳ ёшигача бўлган ёшлар билан оилали эрхотинларнинг оилавий ижтимоий тасаввурлари ўртасидаги асосий фарқларни психологик нуқтаи назардан таҳлил қилиб, унинг сабабларини кўрсатиб ўтган.

М.Г.Давлетшин (1993,1994) тадқиқотларида ўзбек оиласининг этнопсихологик муаммолари кенг қамровли ўрганилган, шунингдек, таълим тизимида ўқув-тарбиявий ишларни ташкил этишда этнопсихологик омилларни эътиборга олиш масалалари, этнопсихологик хусусиятларнинг психология фанида ўрганилганлик даражалари назарий йўналишда таҳлил қилинади.

Н.А.Соғинов (1990) ўз тадқиқот ишларида ўзбек оилаларида кузатиладиган ажралишларнинг этнопсихологик хусусиятлари, ажралишга олиб келувчи муҳим омиллар, унинг мотивлари ва сабабларини илмий асослашга ҳаракат қилган. Муаллиф, ҳозирги даврда оила бузилишининг умумий сабабларига тўхталар экан, ўзбек миллий-маданий муҳитида ана шу сабабларнинг қайси бирлари кучлироқ таъсирга эга эканлигини ўзбек қишлоқ ва шаҳар оилалари мисолида ҳамда эркак ва аёлларда қандай кечиб ҳолатини аниқлашга эришган.

М.А.Соғиновнинг таъкидлашича, ўзбек оилаларида эрхотинларни ёки улардан бирини ажралишга ундовчи муҳим сабаблар сирасига турмуш ўртоғининг қўполлиги, турмуш ўртоғини ҳурмат қилмаслиги, ёш оила ҳаётига ота-оналарнинг ноўрин аралашуви, турмуш ўртоғининг оиланинг умумий масалаларига бефарқлиги ва бошқалар киради.

Муаллифнинг эътироф этишича, ўзбек оиласидаги ажралиш сабаблари, мотивлари ва уларнинг қандай ҳолатларда «сабаб» ва қандай ҳолатларда «баҳона» ролини ўйнаши,

ана шундай ҳолатларда уларнинг олдини олиш чоралари ҳақида тўхталиб, мутасадди ходимларни ёрдамга чақириш, ёшларга эса зарур маслаҳатлар бериш лозим.

А. Шожалилов (1994) тадқиқотларида ҳам оила ва оила-никоҳ муносабатлари ўрганилган. Баъзи ёшлар оила қуриб, ота-оналик функциясини етарли даражада бажара олмасликлари, бу ҳолат эса ёш оилаларда бир қатор қийинчиликлар ва муаммоларга сабаб бўлаётганлиги кўрсатиб ўтилган. Шунга биноан, тадқиқотда ёшларни оилавий турмушга тайёрлаш ишларини кучайтириш, уларнинг шу соҳага оид вазифа ва бурчларини бажариши мураккаб ҳамда кўп қиррали жараён эканлиги таъкидланиб, оила қурган ёшлар турмуш тарзини кузатиб бориш асосида ундаги ихтилофларнинг олдини олиш ва бартараф этиш учун психопрофлактик чоратадбирларни кенг қўллаш зарурлиги таъкидланган.

Э. Усмонов (1993) ўз тадқиқот ишларида оила барқарорлигини таъминлайдиган омилларнинг қарама-қаршиси бўлган омиллар таъсирида келиб чиқадиган ўзбек хотин-қизлари орасида ўз жонига қасд қилиш каби ҳодисаларнинг оила-никоҳ муносабатларига салбий таъсирини илмий-психологик жиҳатдан ўрганган. Ўзбек хотин-қизларида ўз жонига қасд қилиш кўпинча ўзига олов қўйиш кўринишида содир бўлиб, бу оилавий турмушда қадимдан маълумлиги ва такрорланиб келиши, ҳозирги кунда эса ўз жонига қасд қилувчилар қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи хотин-қизлар томонидан кўпроқ содир этилаётганлиги ҳаётий муаммо сифатида қаралиши таъкидлаб ўтилади. Тадқиқот натижаларига кўра, бундай ҳодисалар кўпроқ нотўлиқ оилалар ҳаётида учрайди ва унинг энг муҳим сабаблари – оиладаги мунтазам тус олган низолар, келишмовчиликлар, қарши таъсиротларга чидай олмаслик, ибо, ҳаё, ифбатнинг устунлик қилиши ёки иродасизлик, ўзини ўлдириш орқали голиб кўрсатиш каби ҳиссий-эмоционал психологик хусусиятлар таъсирида юзага келиши илмий асослаб берилган.

Х. Каримовнинг (1994) илмий изланишларида ўзбек оила-сида эр-хотин орасидаги низолар бошқа миллат вакиллари (рус, украин ва бошқа) оилаларидаги низолардан фарқла-

ниши, яъни ўзига хос этнопсихологик хусусиятларга эга эканлиги аниқланган ўзбек оилаларидаги эр-хотин орасида низоларнинг келиб чиқишига миллий-маданий муҳитига хос бўлган никоҳолди омилларининг хусусиятлари, яъни баъзида танишиш имкониятининг бўлмаслиги ёки қисқалиги ҳам таъсир этиши, натижада юзага келган низо-сабабларини томонлар ўзидан қидирмаслиги, уни бартараф этишда ота-оналарга таяниш, оиладаги ўзаро муносабатлар қўполлик асосига қурилиши ва бошқа бир қатор салбий ҳолатлар юзага келиши кўрсатиб ўтилади.

Х.Каримов тадқиқот ишлари натижаларига таяниб, эр-хотин ўртасидаги юз берадиган низоли ҳолатларнинг классификациясини ишлаб чиққан. Низолар классификациясини асослашда низо сабаблари, унда иштирок этганлар сони, унинг ифодаланиш даражалари, низо ўчоғи, йўналганлик характери, бошқичлари ва бошқалар асос қилиб олинган. Шу билан бир қаторда, муаллиф тадқиқотларига таяниб оилавий низоларнинг олдини олиш йўллари, бартараф қилиш чоралари, унда ўзаро муносабатлар барқарорлигини таъминлашга боғлиқ тавсияларни ҳам илгари суради.

Ш.Ш.Жўраеванинг (1994) илмий тадқиқот изланишларида тожик оиласида никоҳдан қониқишнинг ижтимоий психологик хусусиятлари ўрганилган. Тадқиқотда тожик оиласининг никоҳолди омиллари: совчилар ёрдамида оила қуриш, қизларнинг никоҳгача бўлган феъл-атворининг қатъий чегараланганлиги, никоҳгача танишиш даврининг ниҳоятда қисқалиги, бўлғуси эр-хотинда ўз меҳрини ифода этиш савиясининг пастлиги каби миллий психологик хусусиятлар бўлғуси оила барқарорлиги учун шубҳа туғдириши эҳтимол қилинади. Ёш тожик оиласида никоҳдан қониқиш савияси болаларнинг борлиги, унинг моддий таъминланганлиги билан белгиланиши, аксарият ҳолларда эрнинг манфаатлари ва мавқеи муҳим рол ўйнаши кўрсатиб ўтилган. Тожик оилаларида барқарор никоҳ замирида никоҳдан қониқиш ҳолати доим ҳам етарли савияда бўлавермаслиги аниқланган. Муаллиф бунинг асосий сабаблари сифатида ёш тожик оилаларида жинсий саводхонликнинг қуйи



даражада эканлигини, эр-хотин мулоқотларида ўзаро тенгликка асосланган меҳр ифодаланишининг танқислигини, эркакларнинг ота-она таъсирига кўпроқ берилганлигини ва бошқа шунга ўхшаш хусусиятларни санаб ўтади.

Ш. Жўраеванинг ўзбек ва рус оилаларида никоҳдан қониқиш соҳасида олиб борилган изланишлари натижалари билан солиштирган ҳолда тожик оиласи билан ўзбек оилаларида никоҳдан қониқишнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари жуда яқинлигини (миллий-маданий муҳитнинг уйғунлиги сабабли), рус миллатига мансуб оилаларнинг ана шундай хусусиятларидан алоҳида ажралиб туришини таъкидлаб ўтган.

Р.С. Самаровнинг (1997) илмий изланишларида тожик оиласида эр-хотин низоларининг ижтимоий ва этнопсихологик хусусиятлари ўрганилган. Тадқиқотда мустаҳкам (барқарор) ва низоли тожик оилаларида эр-хотин ўртасидаги низолар ўзига хос ижтимоий-психологик ва этнопсихологик хусусиятларга эга эканлиги илмий нуқтаи назардан асосланган.

Тадқиқотчи тожик оиласида низолар вужудга келишининг этнопсихологик хусусиятларига ёшлар ҳаётига ота-она ва яқин қариндошларни ноўрин аралашуви, уларда оилавий муаммоларни ечишга хос билимнинг етарли эмаслиги, оилада эркакларнинг роли устунлиги, ёшларнинг ота-оналарга кучли боғланганлиги, унда аёллар фаоллиги ва етакчиликка интилишини эркаклар томонидан тан олинмаслиги, ажралиш маданиятининг пастлиги, оилавий роллар тақсимотида келиша олмаслик омилларини киритади. Тожик оилаларининг мустаҳкам ва барқарорлигига таъсир этадиган муҳим ижтимоий-психологик омиллар эса оилада эрнинг мавқеини муҳим деб билиш, эр-хотинни оила қуриш мотивларининг уйғунлиги, оилавий турмушда юзага келадиган муаммолар ва ҳаётий масалаларни эр-хотин томонидан ҳамкорликда ечилиши, тожик оиласида бола тарбиясида, қайнона-келин ўртасида, шунингдек, рашк қилиш борасида низоларнинг кам учраши юзасидан хулосага келган.

О.Шамиеванинг (2000) тадқиқотлари раҳбар аёллар шахсининг ижтимоий-психологик хусусиятларига бағишланган бўлиб, унда раҳбар аёлларнинг фаолияти уларнинг ижти-

мой-психологик тузилмасини ижтимоий вазиятларга нисбатан хулқни мувофиқлаштириш жараёнида таркиб топиши, такомиллашиши ва ривожланиб бориши илмий асосланган. Шунингдек, раҳбарга хос шаклланган сифат ва фазилатлар (ижтимоий, психологик ва маданий) оилада шахслараро муносабатларнинг барқарорлашувига, ундаги тарбиявий-психологик, муҳитнинг янада яхшиланишига ижобий таъсир этиши кўрсатиб ўтилган.

Н.Салаеванинг (2001) тадқиқотларида Хоразм оилаларининг этнопсихологик хусусиятлари ўрганилган. Муаллифнинг фикрига кўра, Хоразм оилалари миллий маданиятида этник хусусиятларга ривож қилинган ҳолда ворислик сақланиб келмоқда. Хоразм оилаларининг этнопсихологик хусусиятлари ўзбек халқи истиқомат қилаётган бошқа ҳудудлардан ўзининг тарихий кечмиши, макони, маданияти ва турмуш тарзи билан муайян даражада фарқланишга эга. Мазкур хусусиятлар, оилавий турмуш жараёнида ўзининг психологик, ижтимоий ва иқтисодий қирраларини намоён қилдилар. Улардаги психологик муҳитнинг муайян шаклда сақланиб туришига таъсир кўрсатадиган келинларнинг ўрни, нуфузи, ҳудудда бир мунча тафовутга эга. Тадқиқотда кўрсатилишича, Хоразмда то ҳозиргача сақланиб келаётган ва бир қанча йўналишларни ўз ичига олган «қалин пули» муаммоси шахслараро муносабатга кучли таъсир кўрсатади. «Қалин тўлаш» ва «қалин олиш» турли ҳолатларга эга бўлиб, бу масаланинг ечими шаклланаётган янги оилавий муносабатлар тизимини қай йўсинда кетишини белгилайди.

Хоразм оилаларида ҳозиргача сақланиб келинаётган келиннинг янги қариндошларидан «қочиб» юриши ҳолати ёки келинга нисбатан «таъқиқ»лар ҳам оилавий муносабатлар тизимига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиш аниқланган.

Н.Салаева тадқиқотлари натижаларига таяниб, ҳозирги ўзбек халқининг оилавий муносабатларида этнопсихологик хусусиятларга амал қилинишига қараб қуйидагича оила тоифаларини фарқлашни таклиф этади:

1. Урф-одатлар оилавий муносабатларда қонун даражасида қабул қилинган оилалар;

2. Урф-одатлар оилавий муносабатларда ҳаётий меъёр даражасида қабул қилинган оилалар;

3. Урф-одатлар оилавий муносабатларда ўз аксини топмаган оилалар.

Ф.Р.Рўзиқулов (2002) илмий изланишларида ўзбек оилаларда ажралишнинг ижтимоий-психологик асоратларини илмий асослашга ҳаракат қилган. Муаллиф муайян даражада ижтимоий-тарихий тараққиёт давомида оила-никоҳ муносабатлари, унинг барқарорлигини таъминлашнинг баъзи омиллари тўғрисидаги илғор қарашларни ва ҳозирги кунда республикамизда амалга оширилаётган давлат аҳамиятидаги тадбирларни таҳлил қиларкан, оила-никоҳ муносабатларининг жиддий жиҳатларидан бири сифатида ҳали ҳам оилаларнинг бузилиши – ажралишлар борлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Ф.Рўзиқулов ажралиш миқдори ҳақида гапирар экан, «Ажралиш республикамиз ҳудудида истиқомат қилаётган оилаларда Франция, Англия, Германия, АҚШ, Болтиқ бўйи давлатлари, Россия ва бошқа МДХ мамлакатларидагига қараганда, бир неча маротаба кам бўлса-да, бироқ ўзбек оилаларида ажралиш асоратлари ниҳоятда аянчли, нохуш ҳолатлар, кечинмалар, ҳодисалар келтириб чиқаришни ҳисобга олсак, унинг миқдорий кўрсаткичлари қуйи эканлиги хотиржамликка асос бўла олмайди», деб кўрсатиб ўтади. Муаллифнинг тадқиқот хулосаларига кўра, ажралиш ва унинг асоратлари ўзбек оилаларида ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, кўп болалилик, унинг мураккаб тузилмалиги, қариндош-уруғчилик алоқаларининг кучлилиги, оила-никоҳ муносабатларининг этник хусусияти кўпроқ сақланиб келганлиги, ўзбек оиласида ажралиш бошқа халқларникига нисбатан қораланиши, эр-хотинларнинг турмуш даражаси, билим савияси, мулоқот маданияти ва шу кабилар билан асосланади.

Шунингдек, ўзбек оилаларидаги ажралиш эркакларга нисбатан аёлларда, шаҳар оилаларига нисбатан қишлоқ оилаларида муаммоли ва салбий оқибатларни келтириб чиқариши, эр-хотин ва уларнинг яқинлари орасида низолар ҳамда зиддиятли ҳолатларнинг кескинлашуви сақланиб қоли-

ши, ажралиш туфайли юзага келган, нотўлиқ оилалар болалари шахсига, уларнинг руҳиятига жиддий салбий таъсири илмий асосланган.

Мамлакатимиз психолог олимлари томонидан олиб борилган юқоридаги қатор илмий тадқиқотларда оилавий турмуш масалаларининг, оила-никоҳ муаммоларининг жуда кўп жиҳатлари ўрганилган бўлса-да, лекин оила ва жамият тараққиётининг абадийлиги ҳамда миллий маданий камолотнинг бутунлигини таъминловчи муҳим механизм «Оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсири»нинг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганиш масаласи тадқиқотлар вазибалари қаторига кирмаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, оилавий турмуш масалалари, оила-никоҳ муаммолари, ундаги ўзаро муносабатлар бўйича тадқиқот ишлари қанчалик кенг миқёсда олиб борилмасин, ҳали ҳам унинг етарли даражада тадқиқ этилмаган томонлари мавжуд. Ана шундай муаммолар қаторига «Оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятлари»ни илмий ўрганишни ҳам киритиш мумкин.

### **Тадқиқот методлари ва уларни татбиқ этиш босқичлари**

Оила муаммоси психологияда кенг қамровли тадқиқ қилинган ва қилинаётган муаммолар сирасига киради. Шу боис, бу доирадаги муаммоларни тадқиқ этишда психодиагностик тадқиқотлар бўйича натижалар «L», «Q», «T» – маълумотлар олиш усулларида кенг фойдаланилади.

Шахсни психологик жиҳатдан ўрганиш у юзасидан ҳар хил маълумотлар олиш манбаларига таянилади. Бу манбалар тадқиқот ўтказиш воситаларини объективлик, репрезентативлик ва ишонччилик даражасини тақозо этади.

Биз ўз тадқиқотимизни амалга оширишда бу жиҳатларни инobatга олишни лозим топдик.

Шахсни психодиагностика қилиш ва унинг асосида психокоррекция ва психопрофилактика тадбирларни амалга ошириш қуйидаги маълумот олиш воситаларига таянади. Маълумотларни олиш усуллари «L», «Q» ва «T» маълумотлар тарзида ифода этилади.

«L» маълумот – бу маълумот олиш усули инсоннинг кундалик турмуш тарзини ўрганиш натижасини қайд қилиш орқали олинади ва «L» маълумот «life of rekord date» сўзидан олинган деб номланиш қабул қилинган. Албатта синалувчи шахснинг турмуш тарзини мутлақо батафсил ёритиш имконияти мавжуд эмас. Шу сабабли, бу усул амалий жиҳатдан юқори натижа бериши етарлича эмас. Айнан тадқиқот объектини баҳолаш жараёни ортиқча вақт ва куч талаб этади. Бу тадқиқот усулидан фақат оилавий муносабатлар юзасидан дастлабки маълумотлар, ундаги психологик муҳит тўғрисида тасаввурлар ҳосил қилиш ва тадқиқот объекtlари билан муомала кўламини юзага келтириш учун фойдаланилади.

«Q» маълумот – тадқиқот объекtlарига сўровномалар ва бошқа шахсни ўзини-ўзи баҳолаш методлари ёрдамида ўрганиш бўлиб, «Q» маълумотлар деб номланади. Бу маълумот олиш методининг аппаратураси соддалиги ва уларни олишга ўнғайлиги билан ажралиб туради. «Q» – тадқиқот объекти тўғрисида маълумот олиш воситаси сифатида (сўровнома, ўзи ҳақида сўровнома бериш, ўзини ўзи баҳолаш шкалалари) психодиагностикада «Q» маълумот билан боғлиқ методикалар сони анчагинани ташкил қилади. Улардан кенг кўламда фойдаланилаётганлари сарасига Миннесот кўп омилли шахс сўровномаси (ММР), Калифорния психологик тест (СР), Кэттеллнинг 16 омилли шахс сўровномаси (16Р) киради.

«Q» маълумот – юқори даражада ўз таъсирига эга бўлган, инструментарийга эгалиги боис, анча ишончли ҳисобланади.

Биз ўз тадқиқотимизда «Q» маълумотнинг афзал жиҳатларини инобатга олиб фойдаланишни лозим топдик ва бу билан боғлиқ ҳолатларни изланиш методларига тўхталиб ўтилаётган вақтимизда яна бир бора эътибор қаратамиз.

«Т» маълумотлар – бу маълумот олишнинг ўзига хос жиҳати объектив тестлар билан бир қаторда назорат қилувчи экспериментал вазиятлар ҳам амалга оширилади.

Ушбу маълумот олиш усули қисқача «Т» маълумот («obiektive tekt data») тарзида ифодаланди. «Т» маълумот

мот психодиагностикада шахсни илмий ўрганишдаги янги тадқиқот ёндашуви ҳисобланади. Улар хулқ-атвори (вербал, новербал, ижтимоий ва индивидуал), ўзини-ўзи баҳолаш ёки экспертлар баҳосига таянмаган ҳолда объектив аниқлашга мўлжалланган. Шу сабабли ҳар хил кўринишдаги объектив тестлар махсус микро вазиятлар намён бўлувчи шахс хусусиятларига мос равишда ишлаб чиқилди.

Албатта, маълумот олишининг бу усули шахсни ўрганишда етарлича ишончлилиқка ва воқелиқка эга бўлмаса-да, аммо биз ўз ишимизда бундай воситалардан фойдаланиш кўп вақт талаб қилишини инобатга олиб, эътибор қаратмадик.

Ҳозирги кунда учала маълумот олиш усуллари бўйича бир қатор методикалар ва воситалар мавжудки, улар ёрдамида оиладаги шахслараро муносабатлар, низоли вазиятлар, эр-хотинларнинг бир-бирига симпатияси, ундаги роллар ва установакаларни ўрганиш, ота-она билан фарзандлар ўртасидаги муносабатлари, оилавий барқарорлик ва бошқа жиҳатларни текшириш мумкин.

Бугунги кунда бир қатор методикалар (ПЭА) маҳаллий оилашунос психологларимиз томонидан (Ғ.Б.Шоумаров, В.М.Каримова, Н.А.Соғинов, Х.Каримов, Б.Умаров ва бошқалар) миллий муҳитимизда тадқиқ этилмоқда ва янгилари эса этносимизга модификация қилинмоқда. Уларнинг янги миллий муҳитдаги вариантлари татбиқ этилиш жараёнида ва методикаларга қўйиладиган психометрик талабларга мувофиқлиги таъминланиб бормоқда.

Шунингдек, психологияда кенг кўламда фойдаланилаётган методикаларнинг оила психологияси муаммоларига мувофиқлашган ҳолда татбиқ қилишнинг ўзига хос томонлари мавжуд.

Диссертацион тадқиқотимизнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда дастлабки босқичда қуйидаги жиҳатларни тадқиқ қилишни лозим топдик.

Биринчидан, оиланинг мустаҳкамлигини аниқлаш учун эр-хотинларни оила қуриш ва бошқаришга йўналтирилган мотивларини ўрганиш;

Иккинчидан, мураккаб вазиятларни келиб чиқиш сабаблари ва оиладаги муносабатларнинг боришини аниқлаш;

Учинчидан, оиладаги бузилишларни ўрганиш учун уларнинг тарихи ва эр-хотин муносабатларини ёритиш;

Тўртинчидан, эр-хотинларнинг бир-бирларига ижобий терапевтик установакаларни ўзлаштиришганликни ўрнатиш;

Бешинчидан, оила мустақамлиги учун эр-хотинларнинг ижобий ва салбий характер хислатлари тўғрисидаги тасаввурлари шаклланганлигини текшириш;

Олтинчидан, эр-хотин, оила аъзоларининг ҳамжиҳатликлари ва кечинмаларини ҳис қилиш юзасидан маълумотлар олиш;

Еттинчидан, эр-хотинларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва ўзаро муносабатлар моделини ўрганиш;

Саккизинчидан, эр-хотинларнинг жинсий муносабатлар тўғрисидаги тасаввурларини юзага келтириш;

Тўққизинчидан, эр-хотинларнинг ҳозирги ва келажакдаги муносабатлари ҳақидаги тасаввурларини тадқиқ этишдан иборат.

Биз ушбу жиҳатларни ўрганиш учун қуйидаги методикани танладик. Методика «Ролли кутилмалар ва никоҳга даъвогарлик» деб номланади. Мазкур методика рус олими А.Н.Волкова томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унинг маҳаллий модификациясини яратишга зарурат туғилди. Методиканинг миллий модификациясини (А.М.Жабборов) ишлаб чиқишда бир қатор психометрик тадбирлар амалга оширилди. Дастлаб методиканинг русча вариантыга мувофиқ келувчи ўзбекча вариант ишлаб чиқилди, сўнгра иккала вариант ўртасидаги фарқлар ишончлилиги аниқлаб олинди.

Методиканинг тузилиши тўғрисида сўз борар экан, у иккита, яъни аёллар ва эркеклар вариантдан иборат. Ҳар бир вариантда 36 тадан тасдиқ мавжуд. Тасдиқларга бир неча вариантдаги жавоблар берилади. Унинг умумий кўрилиши билан диссертациянинг иловасида танишиш мумкин.

Методикани татбиқ қилишдан олинган натижалар қуйидаги шкалалар ёрдамида таҳлил қилинади (натижалар билан диссертациянинг II бобида танишилади):

1. Эр-хотинлар жинсий муносабатларининг аҳамиятини белгиловчи шкала;
2. Эр-хотинларнинг шахслик идентификациясини белгиловчи установакалар;
3. Эр-хотинларнинг оиладаги маиший-хўжалик функциясини амалга ошириш установакаларини ўлчовчи шкала;
4. Эр-хотинларнинг ота-оналик мажбуриятларига муносабатини аниқловчи шкала;
5. Оилавий муносабатлар барқарорлиги учун хизмат қилувчи ташқи ижтимоий фаолликни аниқловчи шкала;
6. Оиланинг эмоционал психотерапевтик функциясининг аҳамиятини белгиловчи шкала;
7. Эр-хотинларнинг ташқи жозибadorлигини аниқлаш шкаласи.

Тадқиқот методларининг иккинчи босқичида оилавий муносабатлар барқарорлигини муҳим омиллари сифатида никоҳдаги психологик ҳамжиҳатлик, эр-хотинларнинг бир-бирларига кўникиб кетишлари, эр-хотин ва оила аъзоларининг шахслик хусусиятларининг мутаносиблигини олиб қараш мумкин. Бу борадаги жабҳаларни ўрганиш учун диссертациямизда психологик тадқиқотларда кенг кўламда қўлланилаётган Лири методикасидан фойдаланишни лозим топдик. Методика бир неча модификацияга эга. Лири методикасининг русча модификациясини Ю.А.Решетня ва Г.С.Васильченко ишлаб чиққан бўлиб, биз эса ўзбекча модификациясидан фойдаланишга жазм этдик. Методиканинг ўзбекча модификациясини психолог олимлар Э.Ф.Ғозиев ва Р.Ю.Тошимовлар яратганлар.

Лири методикаси шахслараро муносабатлар психодиагностикаси учун қулай бўлиб, шахслараро муносабат ва ўзаро идрок қилишни ўрганишга имкон беради. Шу сабабли, у оиладаги шахслараро муносабатлардаги позициядан ўзини ўзи баҳолаш, ўзидан қониқмаслик, шахслараро муносабатдаги кутилмаларни ёритиш учун қўлланилади. Биз методикада синалувчиларнинг реал ва идеал тасаввурлари бўйича таҳлил қилишни лозим топдик. Бунинг учун методикадаги тасдиқларга ҳар иккала йўналиш бўйича жавоб



бериш таклиф қилинади. Бундай позицияда туришимизга идеаллик ва реаллик ўртасидаги тафовутланиш (никоҳ ва оиладаги дестабиллашувни) муносабатларда зўриқишни келтириб чиқаради ва оиладаги дестабиллашув манбаига айланишига туртки бўлди.

Лири методикаси 128 та характерологик хусусиятларни мужассамлаштирган тузилма бўлиб, улар 8 та психологик тенденцияларга гуруҳлаштирилган:

- I. Лидерликка мойиллик, ҳукмронлик, зулмкор;
- II. Ўзига ишонч – ўзини яхши кўриш;
- III. Талабчанлик – муросасиз, шафқатсиз;
- IV. Ишончсизлик(скептизм) – қайсар – салбийлик (негативизм);
- V. Ён беришлик – беозор – пассив бўйсунувчанлик;
- VI. Ишонувчанлик – итоаткорлик – тобелик;
- VII. Кўнгилчанлик – мустақил эмас, ҳаддан ташқари ён берувчи;
- VIII. Раҳмдиллик – беғаразлик – фидокорлик.

Шунингдек, ушбу методикаларга мувофиқ оила барқарорлигини таъминловчи омиллар ва ундаги шахслараро муносабатлар юзасидан маълумотларни бойитиш мақсадида «Ижтимоий психологик сўровнома» ишлаб чиқдик. Ижтимоий сўровномани 6, 7, 8, 9, 10 жадваллардаги саволларга дахлдор пунктларидаги хусусиятларни ажратиб олиш учун 200 га яқин ижобий ва салбий хусусиятларни жамладик ва сўнгра уларнинг бирламчи ва асосийлари деб сараланганларини эксперт баҳолаш (Қарши Давлат университети профессор-ўқитувчилари) ёрдамида саралаб олдик.

Сўровнома:

1. Оила аъзоларингиз сони?
2. Сиз оиладаги шахслараро муносабатларнинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилувчи омилларни қандай даражага қилиб қарайсиз?
3. Турмуш ўртоғингизнинг ота-онаси ва яқин қариндошлари билан муносабатингиз.
4. Қуйидаги омилларнинг аҳамиятига кўра, уларга оидавий низоларни келтириб чиқарувчи сабаблар сифатида ўрин беринг.

5. Қуйидаги омилларни Сизнинг оилангиздаги шахслараро муносабатларда низоларни келтириб чиқарувчи сабаблар сифатида намоён бўлишини баҳоланг.

6. Сиз қуйидаги сифатларнинг оилавий муносабатларни таъминлашдаги аҳамиятига кўра баҳоланг.

7. Сизнингча, оилангизда эр-хотиннинг шахслараро муносабатлари барқарорлигини таъминловчи қуйидаги шахснинг сифат ва фазилатлари қандай даражада шаклланган?

8. Сизнинг оилангиздаги шахслараро муносабатларда қуйидаги салбий ахлоқий иллатлар қанчалик даражада учраб туради каби саволлар жамланмасидан ташкил топган бўлиб, ҳар бир саволга жавоб беришнинг ўзига хос томонлари бор. Баъзи саволларга жавоб беришда рангдан фойдаланишни маъқул ҳисобладик. Синалувчилар хусусиятларини аҳамиятига кўра, баҳолашлари, биринчидан, жавоб беришни энгиллаштира, иккинчидан, натижаларни қайта ишлаш имконияти анча энгил кечади (III бобга қаралсин).

Тадқиқот методикаларини танлаш қанчалик аҳамиятли бўлса, уларни татбиқ этадиган объектлар ҳам шунчалик муҳимдир. Биз диссертациямизнинг объекти сифатида 150 оила (Қарши ва Тошкент шаҳарларида ҳамда Қашқадарё вилоятининг Қарши, Нишон, Касби, Шаҳрисабз туманлари қишлоқ ҳудудларида) устида тажриба ўтказдик.

Оилавий турмушнинг муҳим муаммолари, ундаги шахслараро муносабат масалалари, унинг барқарорлиги ва уни таъминлашни ижтимоий психологик омиллари борасида назарий ва эмпирик тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш бизни қуйидаги хулосаларга олиб келди:

1. Мавзуга дахлдор деб ўрганиб чиқилган назарий-методологик ва илмий манбаларда оилавий турмушнинг муҳим муаммолари, эр-хотин муносабатларидаги зарур ахлоқий сифат ва фазилатлар, эр-хотиннинг бурч ва вазифалари, ота-онанинг болалар камолотидаги, хўжалик юритишдаги масъулияти, оила ва никоҳ мезонларининг амалийлиги, ҳаётийлиги, шарқ халқларидаги, хусусан ўзбеклардаги оилавий муносабатларнинг ўзига хослиги ва бошқа томонларига катта эътибор берилган.

Мазкур муаммоларни ўрганишда нафақат психолог олимлар, балки психологияга ёндош фан соҳа вакиллари: тарихчилар, файласуфлар, социологлар, этнографлар, демографлар, маданиятшунослар, педагоглар, ҳуқуқшунослар ва адабиётшунослар ҳам кенг кўламда шуғулланганлиги кўринади.

2. Ўрганиб чиқилган тарихий, назарий-методологик ва илмий манбаларда оила муқаддас, инсон камолоти, жамият тараққиёти ва барқарорлигини таъминлайдиган ижтимоий институт эканлигига алоҳида эътибор берилган.

Оила ҳаёти, оила ва никоҳ масалаларининг ижтимоий-тарихий шаклланиш жараёнлари ўзгариб бориши ва ҳозирги давр талабига мос оилавий турмуш тарзи ва ундаги муаммолар кенг ўрганилган.

3. Оилавий турмуш муаммолари нафақат бугунги кунда ва ҳатто қадим-қадимдан ҳам жамиятнинг илғор кишилари: уламолар, мутафаккирлар, зиёлию-олимларини қизиқтирган ва муаммою, сир-синоатларга бой ижтимоий турмушнинг устивор соҳаси сифатида ўрганиб келинган.

Оилавий турмуш масалалари, эр-хотиннинг муносабатлари, уларнинг ўзаро муносабатларига хос сифат ва фазилатлари ҳақида муқаддас диний манбаларда, ўзбек халқининг халқ оғзаки ижоди ва эпосларида, буюк муҳаддис олимлар ҳадисларида, тасаввуф фалсафасининг йирик намояндалари тариқатларида, шарқнинг буюк мутафаккирлари ва маърифатпарвар зиёлилари асарларида қимматли маълумотларни учратиш ва улардан ҳозирги замон тарбия тизимида, оилавий турмуш амалиётида самарали фойдаланиш мумкин.

4. Оила барқарорлигини таъминловчи муҳим омилларни ўрганган узоқ ва яқин чет эл ҳамда мамлакатимиз психологлари илмий тадқиқот ишларининг йўналишига (мақсадига) қараб шартли равишда икки гуруҳга: а) оиланинг бузилишига олиб келадиган сабабларни ўрганиш орқали уни мустаҳкамлаш, ундаги ўзаро муносабатлар барқарорлигини таъминлаш ва оилавий бахт истиқболларини белгилаш соҳасидаги; б) бахтли ва фаровон оилаларни, яъни ундаги бахт ва фаровонликни таъминловчи оила турмушига хос муҳим омилларни ўрганиш соҳаси бўйича ишларга ажра-

тиш мумкин. Ҳар иккала соҳадаги ишларни чуқур талқин қилиш тадқиқотимиз вазифаларини амалга оширишда муайян даражада ёрдам беради.

5. Мазкур муаммога доир узоқ ва яқин чет эл психологиси олиб борган тадқиқотларда айнан оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг ижтимоий психологик хусусиятлари ўрганилмаган бўлса-да, лекин унинг барқарорлигига ёки оила бузилишига олиб келувчи иқтисодий, ижтимоий-биологик, ижтимоий-психологик, маънавий-маданий, ҳиссий-эмоционал, тарбиявий-педагогик омиллар таъсири кенг тадқиқ этилган. Улар ўрганган оилавий турмуш муаммоларига дахлдор қимматли маълумотлар, илмий хулоса ва тавсиялар яратилган. Мазкур илмий ютуқлардан ўзбек миллий-маданий муҳитида оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятларини ёритишда самарали фойдаланиш мумкин. Ушбу илмий ютуқларга муносиб баҳо берган ҳолда, бу далиллар миллий ҳудудий хусусиятлар чуқур сингган ўзбек оилалари ҳаётига эр-хотиннинг ўзаро муносабатларига, унинг барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг миллий психологик хусусиятларига тўла таллуқли деб бўлмайди.

6. Мамлакатимизда оила ва никоҳ муносабатлари, оилавий турмушнинг турли жабҳаларига хос муаммолар, фалсафа, тарих, этнография, социология, педагогика, психология, ҳуқуқ каби фан соҳаларининг вакиллари томонидан муайян даражада ўрганилаётган бўлса-да, лекин оила ҳаётига хос баъзи бир муаммолар ҳали ҳам ўз долзарблигини сақлаб келмоқда. Чунончи, оила-никоҳ муносабатларининг беқарорлиги, ажралишлар сонининг ошиб бориши, оилада эр-хотин ўртасидаги муносабатларда зиддиятлар ва кескинлишув сақланиб қолмоқда. Жумладан, психология фанида оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятлари айнан ўзбек миллий-маданий муҳити шарт-шароитлари таъсири нуқтаи назаридан ўрганилмаган. Шу мақсадда махсус ижтимоий-психологик тадқиқотлар ўтказиш ва унинг ютуқларини кечиктирмай амалга ошириш зарур.

## **ОИЛА БАРҚАРОРЛИГИГА ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ТАЪСИРИНИНГ ИЖТИМОЙ- ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

Оила жамиятнинг асосий институти ҳисобланиши унинг тарбия ўчоғи сифатида шахснинг шаклланишида муттасил иштирок этади. Оиланинг ижтимоий аҳамиятга молик функциясини таъминланишида ундаги ижтимоий психологик муҳит, шахслараро муносабатлар, субъектларнинг камолот даражаси белгилайди. Агар роллар, статус ва ўзаро ҳамжиҳатлик инқирозга юз тутса, оиладаги психологик муҳитни тасаввур қилишни ўзи мураккабдир. Оилада шахслараро муносабатларнинг ўзига хос томонлари унинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Албатта, бу ҳолатни асословчи омилларни тадқиқ қилишда қуйидагича йўл тутишни лозим топдик:

ҳозирги замон оилаларида инқироз шаклланишининг ижтимоий-психологик хусусиятларини ёритиш;

оилада шахслараро муносабатларда тенгликни таъминлашнинг ижтимоий-психологик механизмлари (феноменлари)ни очиб бериш;

замонавий оилалардаги ижтимоий-психологик муҳит, у билан жамиятнинг ўзаро уйғунлиги, субъектларнинг мақсад ва маслақларининг бирлиги, қадриятлар даражасининг сақланаётганлиги, этник ва маданий муҳитнинг ундаги муносабатларда сақланиши, авлодлар ўртасидаги зиддиятларга барҳам бериш, ижтимоий кутишлар, роллар тақсимооти сўзсиз инқирозларни олдини олишга пухта замин ҳозирлайди.

Бугунги кунда оила муаммосига алоқадор масала унинг барқарорлигини таъминлаш, ундаги инқирозли ҳолатларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга даъват этади. Қуйида шу хусусида мулоҳаза юритилади.

### **Ҳозирги замон оилаларида инқироз шаклланишининг ижтимоий-психологик хусусиятлари**

Инқироз тушунчасини қўлланилиши деярли ижтимоий муносабатлар тизимининг барча бўғинларига кириб бормоқда.

Ижтимоий-иқтисодий, маданий ва этник, шахс камолоти ўтган юз йиллик давомида оилавий муносабатлар тизи-

мида кескин ўзгаришларга олиб келди. Бу эса замонавий оиланинг таркибий тузилмаси, ундаги шахслараро муносабатларда анча чигал муаммоларни келтириб чиқармоқда. Мабодо оила психологиясининг муаммолари билан танишиб чиққанда ҳам тадқиқотчи психологлар ва амалиётчи психологлар эътиборини тортган иккита марказни кўриш мумкин: оила ижтимоий тизим тарзида ва оила таълим берувчи институт сифатида. Бошқача айтганда, ҳар ҳолда, ҳозирги пайтда оила муаммолари билан шуғулланадиган психологлар асосан, қуйидаги иккита талаб-эҳтиёжга хизмат қилишяпти: жамиятнинг базавий унсури бўлган оила сақланиб қолишини таъминлаш ва оиланинг жамият маданиятини инсонларнинг бир авлодидан бошқа авлодига етказишини текшириш. Шу билан бирга тадқиқотларда ва амалиётда айнан шу иккита эҳтиёжга урғу берилиши замонавий оила ўзининг бу икки энг муҳим вазифасини бажара олмай қолаётганлигидан гувоҳлик бермоқда.

Ушбу ҳолни халқаро миқёсда кўриш имконияти туғиладиган бўлса, қуйидагича тасвирлашнинг ўзи кифоя қилади. Бир қатор изланишларнинг кўрсатишича, хусусан Россияда қуйидаги сабаблар оилалар нотинчлигининг бевосита ва билвосита кўрсаткичлари ҳисобланади: туғилишнинг ҳалокатли равишда камайиб бораётганлиги, абортлар сони жиҳатидан дунёда энг юқори кўрсаткич, никоҳсиз туғилишларнинг ошиб бораётганлиги, болалар ва оналар ўлимининг ғоят юқорилиги, умрининг қисқалиги, бузилаётган оилалар сонининг кўплиги, муқобил никоҳ ва оила турларининг ўзгарувчанлиги (оналар оилалари, бирга яшаш, эрхотиннинг алоҳида яшашига асосланган оилалар, ўз жинсидагилар билан қурилган оилалар, асранди фарзандли оилалар ва ҳоказо), оилаларда болалар билан шавқатсиз муносабатда бўлиш ҳолларининг кўпайиши.

Замонавий оилани ўрганувчи мутахассислар (файласуфлар, социологлар, психологлар, иқтисодчилар ва бошқа ихтисослар)нинг аксарият кўпчилиги «ҳозир оила ҳақиқий таъназулни бошидан кечирмоқда» деган хулосага келишяпти. Жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг умумий

(ўртача) даражаси юксалган, кишиларнинг турмуш ва моддий фаровонлик даражаси ошган сари бу таназзул янада ёрқинроқ намоён бўлмоқда.

Бироқ, бу ўринда муҳим бир изоҳ бериб ўтиш зарур: ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларининг жадаллашуви (хусусан ҳозирги Россия ҳам шулар жумласига кирадиган ўтиш даври деб аталувчи босқични бошидан кечираётган жамиятлардаги унинг юксак суръати) бутун жамиятга, бинобарин, унинг энг муҳим кичик тузилмаси бўлган оилага бақарорликни ҳаддан зиёд бузувчи таъсир кўрсатади. Бундай таъсир оилавий муаммолар сонининг кўпайиши ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг умумий даражаси билан кўпроқ умумий боғлиқликни ҳар жиҳатдан ниқоблаб туради.

Ҳозирги оиланинг таназзули, кўпинча ижтимоий ҳаётдаги катта ўзгаришлар тақозосидир. Социология ва психология оралиғида олиб борилаётган тадқиқотлар инсоннинг оила билан ва жамият билан ижтимоий алоқалари тизимидаги ўзаро муносабатлари тубдан ўзгариши кўп жиҳатдан жамият ижтимоий-гуруҳий тузилишининг мураккаблашуви натижаси эканлигини ғоят ишончли равишда кўрсатиб турибди. Г.Г.Дилигентскийнинг таъкидлашича, «Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий табақаланишига асосланган катта ва кичик гуруҳлар инсонлар ўртасидаги бевосита муносабатлари туташадиган, уларнинг майллари, тасаввурлари, қадриятлари шаклланадиган майдон сифатидаги роли тобора бой берилмоқда... Ана шундай гуруҳлардан ҳар бири, унинг «қуйи», бошланғич ячейкалари билан шахс ўртасидаги алоқалар заифлашмоқда. Биринчидан, ижтимоий ўзгариш суръатларининг кескин ўсиши сабабли бу алоқалар барқарорлигини, муайянлигини, қатъийлигини йўқотиб бормоқда: замонавий инсон учун шундай ҳаёт йўли одатий тусга кирмоқдаки, бу йўл давомида у, ота-она оиласидан мактабга ўтиб, сўнгра бир неча бор касбий мавқеини ва ҳаётдаги ўрнини ўзгартиргач, ўзини жамиятнинг муайян бир ячейкаси билан тўлиқ тенглаштира олмай қолади. Иккинчидан, катта ижтимоий гуруҳлар ва уларнинг бошланғич

ячейкалари ўзининг илгариги маданий жиҳатдан ажралганлигини тарк этарканлар, шахсга гуруҳнинг ўзига хос маданиятини беришга қудрати камаяди. Бу маданиятни моддий ва маданий истеъмол турларини, ижтимоий ахборот манбалари ва мазмунини, турмуш тарзи ва бўш вақтни ўтказиш усулларини «оммавийлаштириш», «ўртача ҳолга келтириш» сингари ижобий жараёнларни йўққа чиқаради. Индивид билан жамият ўртасидаги муносабатларда силжишлар инсон ижтимоий алоқаларининг кўпроқ қайишқоқ, ҳар томонлама кескинликни юмшатиш томон бормоқда ва демакки, унинг шахсияти намоён бўлиши учун кенгроқ майдон яратади».

Анъанавий жамиятларда ва анъанавий оилаларда вужудга келаётган вазиятлардан фарқли ўлароқ, ҳозирги дунёда, инсон, одатда «Мен ўзим кимман ва кимга йўлдошман?», «Менинг учун нима аҳамиятлироқ ва нима аҳамиятсизроқ, нимага интилишим керак ва нимага аҳамият бермаслигим лозим?» деган саволларга тайёр жавоб ола билмайди. Бу саволларга жавобни унинг ўзи топиши даркор. Замонавий инсоннинг ижтимоий тажрибаси, унинг дунё ҳақидаги билимлари тобора хилма-хил, зиддиятли, «узук-юлуқ» бўлиб борар экан, шахснинг ўз ўрнини эркин топиш майдони, бинобарин, унинг ҳаётий муаммолари майдони ҳам кенгая боради.

Шундай қилиб, жамиятнинг ва унинг «қуйи ячейка»ларидан бўлган оиланинг ривожланиши ҳар хил оилавий муаммолар кўпайишига ва натижада замонавий оиланинг умумий таназзулига олиб келади.

Бу тарзда таназзулга юз тутишнинг ижтимоий-психологик сабабларини таҳлил қилиб кўрайлик. Бунинг учун оиладаги қадриятлар мувофиқлиги, оиланинг сақланишини таъминловчи омиллар, улар ўртасидаги фикрларнинг номутонасиблигига олиб келувчи сабабларни, уларнинг ҳамкорлигини ифодаловчи ҳолатларга аниқлик киритиш лозим бўлади. Ушбу жиҳатларга аниқлик киритиш, оиладаги инқирозга олиб келувчи сабабларни ёритиш мақсадида А.Н. Волкованинг «Оиладаги роллар ва никоҳга даъвогарликни аниқлаш» методикасига мурожаат қилдик.



Методика тўғрисидаги умумий маълумотларни ушбу қўлланманинг I бобида қайд қилиб ўтганмиз. Шундай бўлса-да, лекин унинг айрим жиҳатларига яна бир бора тўхталиб ўтиш ўринли. Чунки, методикада синалувчилар томонидан берилган жавобларни баҳолаш ва қайта ишлаш муҳим аҳамиятга эга.

Методика тасдиқларига жавоб беришга кўра: қуйидаги-ча баҳоланади: «тўлиқ қўшиламан» – 3 балл, «умуман тўғри» – 2 балл, «унчалик тўғри эмас» – 1 балл, «нотўғри» – 0 балл.

Методикани татбиқ қилиш эр-хотинларнинг оилавий ҳаётдаги бир қатор қадриятлар аҳамияти ҳақидаги тасаввурларини баҳолашга имкон берди. Методика таркибида жинсий, эр-хотинларнинг шахс сифатидаги мувофиқлиги, маиший-хўжалик, тарбиячилик, ижтимоий фаоллик, эмоционал-психотерапевтик, ташқи жозибадорликдан иборат қадриятларга онд шкалалар ўрин олган.

Методикадан олинган натижалар уч босқичда қайта ишланади:

1. Эр-хотинларнинг мослиги, никоҳга даъвогарлик ва оилавий қадриятлар шкалалари бўйича индивидуал кўрчатикичлари таҳлил қилинади. Бунда эр-хотинларда оилавий қадриятлар иерархияси ҳақидаги тасаввурлари тавсифланади. Уларнинг оилавий муносабатлардаги хатти-ҳаракатлари, оиладаги функцияларини бажаришдаги фаолликлари изоҳланади.

2. Эр ва хотиннинг оилавий қадриятлар ҳақидаги ва ролли установкалар юзасидан тасаввурлари қиёсий таҳлил қилинади.

3. Бу босқичда оилавий шахслараро муносабат ва ўзаро таъсирланувда эр-хотинларнинг роллари мувофиқлиги даражаси 3-7 оилавий қадриятлар шкалалари ёрдамида аниқланади.

Юқоридаги натижаларни қайта ишлаш босқичларига таянган ҳолда диссертацион тадқиқотимизда муайян аҳамиятга эга маълумотлар олишга эришилди.

Оиланинг барқарорлиги, шахслараро муносабатнинг мақсадга мувофиқ кечиши унинг аъзолари, хусусан эр-хотинларнинг оилавий қадриятларни қандай даражада кун-

далиқ турмушда намоён қилишларига боғлиқ. Шу боис, тадқиқот натижаларига мурожаат қилайлик. Эр-хотинларнинг оилавий қадриятлар тўғрисидаги тасаввурлари юзасидан олинган натижалар қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Эр-хотинларнинг оилавий қадриятлар тўғрисидаги тасаввурлари

№	Оилавий қадриятлар шкаласи	Кўрсаткичлар балли хисобида		t ва p қиймат
		Эр	Хотин	
		M ± m2	M±m2	
1.	Жинсий муносабатлар	7,13±0,72	6,72±0,67	t=0,41
2.	Эр-хотинларнинг шахс сифатида мувофиқлиги	6,26±0,61	8,63±0,85	t=2,37 P<0,05
3.	Маиший-хўжалик	6,35±0,54	7,12±0,83	t=0,77
4.	Ота-она – тарбиячи	7,14±0,82	7,85±0,96	t+=0,57
5.	Ижтимоий фаоллик	6,43±0,56	7,08±0,58	t=0,73
6.	Эмоционал-психотерапевтик	5,36±0,33	7,28±0,55	t=2,06 p<0,05
7.	Ташқи жозибadorлик	8,20±0,68	8,61±0,81	t=1,05

1. Жинсий муносабатлар. Методиканинг биринчи шкаласи жинсий муносабатларни аниқлашга йўналтирилган бўлиб, эр-хотинларнинг жинсий муносабатлардаги мувофиқлигини, оиланинг тинч-тотувлигида уларнинг аҳамиятини ёритиш имконини беради.

Ўзбек этносида кўпинча эр-хотин ўртасидаги жинсий муносабатлар анча нозик масала саналиб, улар узоқ вақт мобайнида бу муаммони таҳлил қилиш мумкин эмасдек қара-

лар эди. Бу воқелик халқ орасида стереотиплашган тасаввурларнинг шаклланишига олиб келгандир. Бугунги кунда жинсий муносабатлар оиланинг барқарорлиги, эр-хотинларнинг ўзаро ёқтириши, соғлом фарзанд дунёга келиши ва ундаги аҳилликни таъминлашнинг асосий шартларидан бири саналади.

Тадқиқот натижаларига мувожаат қиладиган бўлсак, ушбу шкала юзасидан эрлар 7,13+0,72, аёллар 6,72+0,67(р-фарқлар ишончлилиги кузатилмади) баллни намоён қилганликларини гувоҳи бўламиз. Натижалар эр-хотинларда ўртачадан юқори эканлигидан далолат бермоқда. **Методиканинг** шартига кўра, натижанинг бундай кўриниш олиши, оилада, эр-хотин муносабатларида жинсий масалаларни эътибордан четда қолдириш керак эмас, деган хулосани келтириб чиқаради. Нисбий маънода натижалар эр-хотинларнинг берган жавобларида жинсий мутаносиблик оилавий бахт, улар ўзаро эъозланишининг муҳим шarti эканлигини тасдиқлайди. Аммо натижаларни юқори даражада ҳам деб айта олмаймиз. Чунки қайсидир маънода натижаларнинг ўртачадан юқорироқ эканлиги, ўзбек этносида эр-хотин ўртасидаги нозик сирлардан атрофдагиларнинг бохабар бўлиши одатий ҳолат эмаслигини ифодалайди.

Эр-хотин муносабатларининг нозик қирраларини ошкор қилмаслик ўзаро ҳурмат ва оилани сақлашни бир йўли сифатида тушунилади. Айрим ҳолатларда жинсий уйғунликнинг етишмаслиги қадриятларни синдириб, оиланинг бузилишига олиб келмоқда.

Жинсий номуносаблик эр-хотинлар ўртасидаги физиологик жараённинг меъёрида бўлиши эмас, балки психологик ва ижтимоий психологик омилларнинг ҳам етишмаслиги оқибатидир. Руҳий таранглик эр-хотин ўртасидаги жинсий номуносаблик, кўнгилни топа олмаслик, эмоционал қўзғалишнинг ҳосил бўлмаслиги, оилавий шарт-шароитларнинг етишмаслиги ва аёлнинг қўни-қўшни аёллар орасидаги мавқеининг шаклланганлиги билан ҳам боғлаш мумкин. Аёл ёки эрда руҳий таранглик, асабнинг бузилиши, кайфиятнинг йўқолиши, депрессия, астениклик, ғазабланиш ва норо-

зилик ҳисларининг пайдо бўлиши кабиларни эр-хотинлар ўртасидаги жинсий номутаносиблик деб қараш ўринлидир. Номутаносиблик эса оила барқарорлигини таъминлай олмайди. Бундан кўринадики, замонавий ўзбек оилаларида барқарорликни таъминлашда жинсий муносабатларга:

- асосий омиллардан бири сифатида қарашни;
- шахслик мазмунини инобатга олган ҳолда эр-хотинлар ўртасидаги жинсий номутаносибликни ижобий ҳал этиш позициясига эга бўлиш;

- эр-хотин ўртасидаги жинсий номутаносиблик бўлиши мумкин бўлган ҳодиса деб қаралиши ва ундан фожиа ясамаслик лозим деган ижтимоий фикрни (хусусан эр-хотинларнинг ўзида, қон-қариндошлар ҳамда қўшнилари орасида) шакллантириш лозим.

Оила барқарорлигини фақат эр-хотин ўртасидаги жинсий мувофиқлик ҳал этади деган мулоҳазадан йироқмиз. Чунки ягона омил бутун бошлиқ, бир тизим юзасидан хулосалашга асос бўла олмайди. Шу сабабли, қолган шкалалар натижаларига ҳам муурожаат қилайлик.

## 2. Эр-хотинларнинг шахс сифатида мувофиқлиги.

«Турмуш – мушт», «Оиладаги бир гап кўп, бир гап кам» деган шаклдаги фикрларни кўплаб учратамиз. Оилавий муносабатларда эр-хотиннинг ёки келин-куёвларнинг тўйга қадар бир-бирларига мувофиқ келиши («Юлдузи юлдузига мос келиши» тарзда бадий тус бериши), ўзаро севги-муҳаббат ва ёқтириш асосида турмуш қуриш анча ижобий ҳолат сифатида қаралади. Навбатдаги «Эр-хотинларнинг шахс сифатида мувофиқликларини аниқловчи шкала никоҳдаги шерикларнинг маслаклари, қизиқишлари, манфаатлари, қадриятлари йўналиши, вақтни ўтказишлари билан боғлиқ бир қатор установакаларни мужассамлаштирган.

Ҳамкорлик психологияси, ўзига шерик танлаш ва биргаликда фаолият кўрсатиш кундалик турмушда учрайдиган ҳодисалар бўлиб, улар шахсларнинг маълум вақт мобайнида амалга оширадиган фаолиятларидир. Аксинча оиладаги эр-хотинларнинг биргаликдаги, ҳамкорликдаги фаолиятини қисқа муддатли бирон-бир меъёр билан чегаралаб

бўлмайди. Агар меҳнат жамоасида ходимлар ўртасидаги низо сабабли бири ўзининг ишчи ўрнини бошқа жамоага ўзгартириши ёки жамоанинг бошқа аъзолари билан яхши муносабат ўрнатиш орқали ўз хатти-ҳаракатларини компенсациялаши мумкин. Оилада эр-хотин ўртасидаги келишмовчилик, низо-лар оқибатида эса юқоридаги тарзда иш тутиб бўлмайди. Эр-хотиннинг шахс сифатида бир-бирларини қабул қилишлари халқ орасида қўлланиладиган «Эр-хотиннинг уриши – дока рўмолни қуриши» нақлига ҳожат қолдирмайди. Шундай экан, натижаларга мурожаат этиб кўрайлик, эрлар 6,26+0,61 ва аёллар 8,63+0,85 балл ( $p < 0,05$  га тенг бўлди) билан қаноатланганлар. Олинган миқдорий кўрсаткичлар, эрларни турмуш ўртоғига мувофиқ келиши тўғрисида ўртача кўрсаткичдан юқори эканлигидан далолат бермоқда. Бу эса эркаклар учун аёлларнинг манфаатлари, қизиқишлари, қадриятлар ориентациясига улар томонидан белгиланишга иштиёқ юқорилигини айтиш мумкин. Миллий маданий муҳитимизда ҳам хотин доимо эрни тушуниши, унинг фикрларига қаршилиқ билдирмаслиги, норозилик қилмаслиги ва сўзсиз бўйсунуши лозим деган позицияда туриш етакчилик қилади.

Диний-фалсафий нуқтаи назарда ҳам эр-хотинга нисбатан бир поғона юқори бўлиши лозим дейилса-да, аммо бу талқин эркакнинг табиий имкониятларини (жисмонан бақувват, хўжалик ишларини бошқаришга мойил) инобатга олиб айтилган. Эркакларнинг натижаси нисбатан автономияга, яъни турмуш ўртоқларининг уларни хоҳиш-иродаси, қизиқишларига мувофиқлашишларидан далолат беради.

Хотинларнинг натижалари эса эрлариникига нисбатан анчагина юқори. Бу эса аёлларнинг (қизларни) ўзларига турмуш ўртоқ танлашда оқилона ёндашишга мойил эканлигини англатади. Аёллар ўзбек этносидаги хотиннинг эрига тобе бўлиши, унинг манфаатларига мувофиқ хулқ-атвори ва қизиқишларини мослаштириш керак деган анъанавий тамойилга амал қилсалар-да, лекин бундай ҳолат кучли ҳиссий зўриқиш, фрустрацияга мойиллик, норозиликлар билдириб туриш, ажралиш хоҳишининг пайдо бўлишига олиб келади.

Аёлларнинг натижалари эрларига нисбатан анча юқори эканлиги уларни умумий қизиқишга эга эканлиги, эҳтиёжлар, қадриятлар йўналиши, вақтни ўтказиш усулларига эга бўлиши лозим деб ҳисоблайдилар. Методиканинг ушбу шкаласидаги хусусиятларга аёллар анча ижобий қарар эканлар. Аммо аёлларнинг турмуш ўртоқлари (эрлар) кўпинча юқоридаги хусусиятларнинг ҳаммасига ҳам аҳамият бермаслигини билдирадилар деган нуқтаи назарни илгари сурсак бўлади. Чунки замонавий оиладаги инқирозларни айна эр-хотин ўртасидаги шахслилик идентификациясининг мужассамлашмаганлиги оқибати деб қараш мумкин. Бу эса оилаларда қуйидаги ҳолатларни эътибордан четда қолаётганлигини ифодалайди:

- эр билан хотинлар ўртасидаги шахслилик мувофиқлашуви доимо ҳам оила қуриш жараёнида инobatга олинмаяпти;
- эрларда турмуш ўртоқлари билан умумий манфаат ва қизиқишлар ҳосил қилишга интилиш етарли эмас;
- қизларнинг (аёлларнинг) эр билан идентификациялашувлари идеал режада бўлиб, реалликка ошмаслиги кўп кузатилади;
- эрларни хотинлари билан бўш вақтни бирга қизиқарли, мароқли ўтказиш тўғрисидаги фаолиятлари шаклланмаган.

Айтиш жоизки, шахслилик идентификацияси оиладаги шахслараро муносабатларнинг меъёрида бўлишини таъминлашда бошқа омилларни ҳам инobatга олишга чорлайди.

3. Маиший-хўжалик юритиш. «Бўш қоп тик турмайди», «Аввал иқтисод, кейин сиёсат» каби нақлларни тез-тез такрорлаймиз. Оиланинг маиший-хўжалик фаолиятини кўнгилдагидек ўтиши эр-хотинларнинг муносабатларини, шунингдек, унинг барқарорлигини таъминловчи марказий омиллар сирасига киради. Аммо оиладаги маиший-хўжалик фаолиятини бошқаришда ким етакчилик қилиши керак, – деган савол кўндаланг туради. Методиканинг хусусиятига кўра, шкала бўйича юқори натижалар эр-хотинларнинг бирига нисбатан маиший-хўжалик юритишга нисбатан талаб юқори эканлигини билдиради.

Ушбу шкаладаги натижаларга кўра, эрлар  $6,35 \pm 0,54$ , хотинлар  $7,12 \pm 0,83$  баллни (р-фарқлар ишончилиги кузати-

лади) намоён қилдилар. Миллий анъаналаримиз ҳамда ислом дини тамойилларига кўра, никоҳ ўқитилаётган вақтда йигит кишига (куёв болага) ижтимоий буюртма сифатида хотинни ёлғиз қолдирмаслик, асосий хўжалик таъминотини таъминлаш талабларини қўядилар. Аммо замонавий оилаларда эр-хотинларнинг маиший-хўжалик юритишдаги ролларини ўзгараётганлиги ҳам муайян низоли вазиятларга олиб келмоқда.

Оиладаги маиший-хўжаликни юритиш узоқ вақт шакланган кўникма ва малакаларнинг натижасидир. Ота-оналар фарзандларига оила қуриш остонасида эмас, ёшлик давридан оқ йўналиш бериши лозим.

Маиший-хўжалик юритиш шкаласи бўйича натижалар эр-какларни хотинларига нисбатан уй-жой ишларига нисбатан талаблари стабиллашган бўлса, аёллар эса эрларига маиший-хўжалик юритиш фаолиятдан етарлича қониқмасликларини ва эрларидан фаоллик, шижоаткорлик, тадбиркорлик ҳамда хўжалик ишларида уқувлилиқни талаб этмоқдалар.

Маиший-хўжалик фаолиятининг меъёрда бўлмаслиги оилавий муносабатларга доимо зарар етказди. Шу ўринда эр-хотинлар маиший-хўжалик фаолиятига алоқадор юмушларни бажаришда ҳамжиҳатликни, ўзаро тушунишни ва воқелиқ билан имкониятнинг мослигини инобатга олишлари лозим.

Эр-хотинларни маиший-хўжалик юритишга тайёрликлари анъанавий ҳодисадир. Чунки, уйланаётган ҳар қандай йигит:

- хўжаликдаги жиҳозларни тузата олиш;
- дурадгорлик, электр, қурилиш юмушларини уддалаш;
- баъзи бир гаомларни тайёрлай билиш;
- уй ҳайвонларини парваришлаш;
- ўсимликларга ишлов бериш ва бошқа юмушларни бажариш малакаларига эга бўлиши жоиз.

Узатилаётган қиз эса:

- уйни саранжом-саришталаш;
- пишириқлар ва мазали таомлар тайёрлай олиш;
- ошхона идишларини тоза-озода сақлаш;

– меҳмон кутишни уддалаш ва шу сингари ишларни моҳирона бажариш талаб этилади.

Санаб ўтилган жиҳатлар никоҳдаги шерикларнинг маиший-хўжалик фаолиятини психомоторик томонидан амалга оширишни ифодалайди. Бу хусусиятларга қўшимча равишда эр-хотинларда қуйидаги шахслик сифатлари камол топганлиги шарт ҳисобланади: хушмуомалалик, сабртоқатлик, эстетик дид, сезгирлик, талабчанлик, самимийлик, ҳамжиҳатлик, саранжомлик, бағрикенглик ва меҳмоннавозлик.

Натижаларимиз эр-хотинларнинг жавобларига кўра, маиший-хўжалик юритиш фаолиятида ҳали нисбатан номутаносиблик ҳукмронлик қилаётганлигини кўрсатади. Натижада эр билан хотинларнинг хўжалик фаолиятидаги роллари ўзгаришига олиб келади.

Шу сабабли, ўзбек этносидаги «авлодлар эстафетаси» тамойилига ўғил-қизларни оиладаги маиший-хўжалик фаолиятини юритиш тамойиллари таъсири остида шакллантириш маъқулдир.

4. Ота-онанинг тарбиячилик функцияси. Бу шкала эр-хотинларнинг ота-оналик мажбуриятларига муносабати, фарзандлар шаклланишдаги шахсий позициялари, ота-оналик функцияларига хос тасаввурларини ифодалайди.

Эр-хотинларнинг ота-оналик ҳамда тарбиячилик функциялари тўғрисидаги тасаввурлари, уларнинг шахслик позициялари, ижтимоий талабларга масъулият, жамият ва оила муносабатларидаги ўринларини белгилайди. Бу шкала бўйича эр-хотинлар нисбатан юқори кўрсаткичларни, яъни  $7,14 \pm 0,82$  балл (эрлар) ва  $7,85 \pm 0,96$  балл (хотинлар) (1 иловага қаралсин) билан қаноатланганликлари гувоҳлик бермоқда. Ота-оналик ва тарбиячилик функциясига уларнинг ижобий тасаввурга эгаллиги ўзбек халқи-нинг азалдан «болажон»лиги натижасидир. Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар эр-хотинларнинг бу борадаги функцияларига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Эр-хотинларнинг фарзандларига нисбатан ота-оналик меҳри табиий асосланса-да, ammo тарбиявий фаолиятида анчагина таназзул кўзга



ташланмоқда. Ота-оналар кўпроқ фарзандларнинг моддий таъминоти билан машғул бўлишлари, оилавий тарбия жараёнида бўшлиқни ҳосил қилади. Бу эса замонавий оиладаги ижтимоий-психологик муҳитда инқирозни юзага келтиради.

Шунингдек, эр томонидан оиланинг маиший-хўжалик соҳасига асосий эътибор қаратаётганлиги, унда ота тарбиясининг ўрни бўшаб қолаётгани, онанинг уй юмушлари билан мутассил машғуллиги ўғил-қизларнинг доимий назоратдан четга қолишига олиб келмоқда.

Натижалар эр-хотинларнинг ота-оналик, тарбиячилик тамойиллари бўйича тасаввурлари ижобий бўлса-да, лекин реал муҳитда бу мажбуриятлар «бегоналашаётганга ўхшаб қолмоқда».

Эр-хотинларнинг ушбу доирадаги тасаввурлари дастлабки учала шкала билан навбатдаги учта шкалани бирлаштирувчи восита ҳисобланади. Шу боис, шкала эр-хотинларнинг ота-оналик роллари оиланинг бир бутун жипс тизим сифатида ўз атрофида бирлаштирувчи қадрият эканлигини унутмаслик керак. Оиланинг таназзули ва ундаги шахслараро муносабатлар ҳам мазкур ролларнинг бузилиши замирида ётади.

5. Ижтимоий фаоллик. Мазкур шкала эр-хотинларнинг ташқи ижтимоий фаоллигини, яъни касбий ва жамият ҳаётидаги оилавий муносабатлар барқарорлигини белгиловчи тамойилларни акс эттиради.

Ижтимоий фаоллик шкаласи эр-хотинларнинг маиший-хўжалик ва тарбиячилик функцияларини сифат кўрсаткичи ҳисобланади. Албатта, оилавий муносабатларнинг барқарорлиги эр-хотиннинг саводхонлик даражаси, касбий фаолияти ва маҳалла-кўй орасидаги мавқеларига боғлиқ.

Эр-хотиннинг оилавий муносабатларда эъозланиши, муаммоларнинг жой-жойида ҳал қилинганлиги ижтимоий муносабатлар (эр ёки хотиннинг меҳнат қилаётган жамоасидаги, яшаётган маҳалласидаги, қон-қариндошлар орасидаги шахсий мавқеи)даги ролини белгилайди.

Эркак киши оилани моддий таъминлаш учун қандайдир ишнинг бошини тутган бўлиши керак.

Эр-хотиннинг оиладан ташқари қизиқишлари шахслараро таъсирлашув жараёнининг асосий қадрияти ҳисобланади.

Натижаларда эса қуйидагича манзара кузатилади, яъни эрлар  $6,43 \pm 0,56$  балл, аёллар  $7,08 \pm 0,58$  балл тўплади. Бу эса аёлларда турмуш ўртоқларининг касб-кори, мавқеи, уларнинг қизиқишлари муайян аҳамият касб этишини кўрсатмоқда. Эркакларга аёлларини қандай фаолият мазмунига эга бўлиши (сўзсиз ўзгаришларга олиб келади) унчалик аҳамият касб этмас экан. Инсониятнинг тарихий-маданий тажрибасида ҳам эр оилани моддий жиҳатдан таъминлашнинг асосий кучи ҳисобланади. Янги оила қуриладиган вақтда, никоҳда куёв йигитдан ислом дини қоидаларига кўра бир қатор шарт-талаблар қўйилишини аниқ биламиз. Аммо, ижтимоий-иқтисодий, маданий муҳитнинг ўзгариши эр билан хотиннинг оиладаги моддий таъминотдаги функциясини ўзгариб боришига олиб келадиганлиги унинг тузилишида баъзан бузилишларни келтириб чиқармоқда.

6. Эмоционал-психотерапевтик функция. Бу шкала эр-хотинларнинг оиладаги эмоционал-психотерапевтик функциялари аҳамиятини белгиловчи ҳисобланади. Шкала мазмунига кўра икки хил жиҳатли маънога эга. Биринчидан, эр-хотинларнинг оиладаги эмоционал лидерликни, психологик муҳитни, ахлоқий ва ҳиссий қўллаб-қувватлаш ҳамда «психотерапевтик муҳитни» шакллантириш масаласини акс эттирса, иккинчидан, эр-хотинларнинг оила «психотерапевти» ролини бажаришга интилишини белгилайди. Натижаларнинг умумий мазмуни эр-хотинларнинг ўзаро ахлоқий ва ҳиссий жиҳатдан оила аъзоларини қўллаб-қувватлаши, уни ардоқлаши, унда психологик хотиржамлик ва барқарорликни мувофиқлаштиришни тақозо этади.

Бизнинг тадқиқотимизда «эмоционал-психотерапевтик» шкаласи бўйича текширилувчилар қуйидаги кўринишдаги маълумотларни намоён қилдилар. Эркаклар  $5,36 \pm 0,23$  балл, аёллар  $6,10 \pm 0,55$  балл ( $p < 0,05$  га тенг бўлди). Натижаларимиз бир томондан ажойиб маълумотлар беришга, иккинчидан, анча таажжубли ҳолатга олиб келмоқда. Чунки эркакларда натижанинг ўртача миқдорини намоён қилганлиги, оиладаги лидерлик функциясини аёлларга бериб қўймаётганмиканлар деган мулоҳазага имкон яратмоқда. «Ижтимоий-

фаоллик» шкаласидаги натижалар ҳам буни тасдиқламоқда. Бугунги оилалардаги инқирозли ҳолатларда эркакларнинг етакчилик функцияси ўзгарганлиги анча сезилиб қолмоқда. Баъзан халқ орасида «Эркак – кўча одами» деган одатий жумлаларни эшитамиз. Аммо оиланинг мустаҳкамлиги, ижобий-психологик муҳит, эр-хотиннинг ҳамда ундаги маънавий-ҳиссий қўллаб-қувватлашда эркакнинг ролини ошириш бугунги куннинг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади. Натижалар бўйича корреляцион таҳлил ҳам буни яна бир бора ҳақчил хулоса эканлигини кўрсатмоқда.

Аёлларнинг натижалари ўртачадан анча юқори 6,10± балл. Бу аёлнинг оиладаги лидерликни, ҳиссий-психологик муҳитни стабиллаштирувчи, унда психотерапевтик роль бажараётганлигидан далолат бермоқда. Оила аъзоларининг маънавий ва ҳиссий қўллаб-қувватлашда аёлнинг ўрни юқори эканлигини тасдиқласак-да, аммо жиддий ҳаётий масалаларда ва низоли вазиятларда аёлнинг ҳиссий хулосаларга келишини эътибордан четда қолдирмаслик маъқул. Мабодо, ота ва онанинг фарзандларига нисбатан меҳр-муҳаббатлари ҳам оиладаги ижтимоий-психологик муҳитни белгиловчи омилларидан бири деб қарайдиган бўлсак, классик психология вакили Э.Фроммнинг қуйидаги фикрига эътибор қаратиш жоиз: «Отанинг фарзандларига муҳаббатни мажбурият доирасидан, онанинг болаларига севгиси эса табиийдир». Э.Фромм фикрининг ўзига хос (жиҳати) томони бор. Агар ушбу мулоҳазани аёлнинг фаолияти билан боғлайдиган бўлсак, уни оилада «психотерапевтик» функцияни амалга ошириш учун масъул шахс сифатида санаш мумкин. Фарзандлар камолоти, оиладаги озодалик-саришталлик, эрга эътибор қаратиш, аъзолар ўртасида меҳр-муҳаббатни таркиб топтиришда аёлнинг ролини ошириш табиий ҳолдир. Аммо оиладаги аёл билан эркакнинг функцияларини кескин равишда тақсимлаб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлмаса керак. Функциялар тенглигига эришишга қараганда вазифалар уйғунлигини таъминлаш маъқулдир (Психотерапевтик мувофиқлик бўйича III бобда батафсил тўхталиб ўтилади).

7. Ташқи жозибаторлик. Мазкур шкала эр-хотинларнинг ташқи қиёфалари ва уларнинг кийинишларини замон талаблари даражасига мослигини белгиловчи тамойил ҳисобланади. Шкаладан кўришиб турганидек, эр-хотинларнинг энг ёқимтой жуфтлик бўлиши ташқи жозибаторликка эгаллик, бежирим ва замонавий кийинишга интилиши масаласи оилавий муносабатларнинг муҳим шартидир.

«Онангни отангга бепардоз кўрсатма» деган мақолнинг ўзи шкаланинг тўлиқ мазмунини очиб беради. Умумий психология ва ижтимоий психологияда инсонни инсон томонидан идрок қилишда ташқи қиёфанинг аҳамиятини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар талайгина.

Улар инсонни инсон томонидан идрок қилишда ташқи кўриниш, кийиниш ва гавда тузилиши муҳим ўрин тутишини илмий асослашган. Йигит қизни ёки аксинча бир-бирларини ёқтиришларида ташқи қиёфа ва жозоба етакчи ўринга эгаллиги кундалик ҳаётда кўпинча кузатилмоқда. Чунки, шахс тўғрисидаги дастлабки таассуротларни идрок орқали ва назар ташлаш туфайли олинганлиги боис бундай ҳолатни тан олмасдан иложимиз йўқ.

Оилавий муносабатларда эр-хотиннинг бир-бирларига нисбатан ёқтириш ва ёқтирмасликларида дидга мос кийиниш, гўзал қиёфа ва ҳуснга эгаллик, ўзаро таъбларини ҳисобга олган ҳолда кийим танлашлари, кийимларнинг орасталлигини эътиборга олишлари ҳам муҳимдир. Эркак ҳам, аёл ҳам табиатан ташқи жозибаторлик, гўзалликка даъвогар. Аммо бу даъвогарликни ким қанчалик даражада амалга ошириши шахс камолотига боғлиқ. «Ташқи жозибаторлик» шкаласига кўра, эрлар ҳам, аёллар ҳам шахсий ёқимтойлик, замонавий ва ораста кийинишга интилишларидан далолат бермоқда.

Деярли, ҳар икки жинс вакиллари шкала бўйича анча юқори натижани намоён қилишган, чунончи, эрлар  $8,20 \pm 0,68$  балл, аёллар эса  $8,61 \pm 0,81$  балл тўплашган. Натижаларнинг бундай юқори даражада бўлиши текширилувчиларнинг тасаввур тимсоллари маҳсули ҳамдир. Тасаввур ва хоҳиш-истакларни руёбга чиқариш эса ижтимоий-иқтисодий шарт-

шароит, маданий муҳит, шахснинг дунёқараши ва ҳис-туйғуларига боғлиқдир. Аммо қандай бўлишидан қатъи назар эр-хотинлар «ташқи жозибаторликка» даъвогарлар. Агар ушбу ҳолатни шахснинг ўзини ўзи ҳурматлаш моделига боғлайдиган бўлсак, ўзини ўзи ҳурматлашнинг

$$\frac{\text{муваффақият}}{\text{даъвогарлик}}$$

(У.Джемс) кўриниш олиши ижтимоий психологияда ҳақчилликка даъвогарлик деб баҳоланган. Ўйлаймизки, эр-хотинлар «ташқи жозибаторлик»ка эришиш учун ўзларини ҳурматлашлари ва унга эришишга интилишлари лозим. Бунинг учун оиланинг моддий таъминотини яхшилаш, шахс сифатида идентификациялашган, ижтимоий фаолликка эгаллик шарт.

Биз методика натижаларини уч босқич бўйича таҳлил қилишни мўлжаллаган эдик. Шу сабабли, иккинчи босқичдаги кўрсаткичлар қуйидаги 2-жадвалда келтириб ўтилган.

2-жадвал

	Жинсий интим	Шахсий идентификация	Хўжалик маншый	Ота-она тарбиячи	Ижтимоий фаоллик	Эмоционал психотерапевт	Ташқи жозибаторлик
О.қ.ш-эр	4	8	7	5	5	5,5	6
О.к.ш-аёл	3	6	6,5	8	8	6	7
О.қ.м.	1	2	1,5	0,5	3	0,5	1

Эр-хотинларнинг оилавий қадриятлар шкалалари бўйича кўрсаткичлар қуйидаги хулосани келтириб чиқаради:

Тадқиқотимиз натижаларига кўра, эр-хотинлар жуфтлигининг оилавий қадриятлар бўйича мувофиқлиги маълум даражада экан. Эр-хотинларнинг оилавий турмуш фаолиятининг муҳим соҳалари бўйича фарқлари белгиланган меъёрдан ошиб кетган (белгиланган меъёр 3 баллдан ошмаслиги керак). Эр-хотинлар оилавий муносабатларида ота-она-

нинг тарбиячи сифатида, эҳтиёжлар, тасаввурлар, уларнинг турмуш мақсадлари муҳим ўрин тутар экан.

Яна шуни айтиш жоизки, оилавий муносабатлардаги беқарорлик ота-оналик мажбуриятларига етарлича тайёр эмаслик, эътиборсизлик, ғамхўрлик ва илиқ ўзаро муносабатга, жозибadorлик ва замонавий ташқи қиёфанинг йўқлиги ҳамда маиший муаммоларни ҳал этиш имкони камлигидан далолат бермоқда.

### **Оиладаги шахслараро муносабатларда тенгликни таъминлашнинг ижтимоий-психологик механизмлари**

Шахслараро муносабатлар ижтимоий-психологик ва психологик муҳитни оптимал таъминлашга хизмат қилувчи асосий механизм ҳисобланади. Бугунги кунда оилаларда кутилаётган психологик инқирозлар шахс камолоти, шахслараро муносабатлар улардаги ижтимоий муҳит, қадриятлар бузилиши билан боғлиқдир.

Оиладаги шахслараро муносабатларда эр-хотин, ота-она билан фарзандлар, келин билан қайнона-қайнота, келин билан қайнака, қайнука, қайнопа, қайнсингил ва бошқа яқин қариндошлар ўртасидаги муносабат жараёнларини кузатиш мумкин.

Оила мустақамлиги низоли вазиятлардан холи бўлиши, унинг аъзолари ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва эъзознинг қандай шаклланишига боғлиқ.

Шахслараро муносабатлар «субъект-субъект» билан бир қаторда «субъект-гуруҳ», «мен-биз» тизимида намоён бўлиши маълум.

Биз юқоридаги саволларга жавоб излаш маъносида Лирининг низоли вазиятларга муносабат тестидан фойдаланишни лозим топдик.

Методика ёрдамида оиладаги эр-хотинлар ва қайнота-қайноналарни тадқиқ қилишни маъқул деб ҳисобладик. Чунки, даврлар ўртасидаги номутаносиблик, дунёқарашлардаги номувофиқлик ва авлодлар орасидаги мунозаралар таҳлили муаммога муайян даражада аниқлик киритади, деб ўйлаймиз.

Аслида муносабат жараёнидаги тушунмовчилик, зиддиятлар, шахснинг дунёқараши ва камолоти даражасидаги тафовутлар, манфаат, қизиқиш ва мақсаднинг мос келмаслиги, ўзаро ҳурматнинг шаклланмаганлиги, антипатия улар ўртасида турли даражадаги низоларни келтириб чиқаради.

Оиладаги шахслараро муносабатларда тенгликни таъминлаш учун ҳам низоли вазиятлар таҳлилини ёритиб ўтиш жоиз. Шахслараро муносабатларнинг турмуш шароитида маромга эгаллиги ҳам аҳамиятга молик ҳисобланса-да, аммо оила аъзоларининг «мен» билан «биз» ўртасида уйғунлик ва изчиллик шаклланмаслиги, шахсларнинг идентификациялашуви ва ижтимоийлашувининг меъёрида бўлмаслиги анча аянчли ҳолат саналади. Бундай ҳолатга аниқлик киритиш учун Лири методикасини татбиқ этишдан олинган натижаларга психологик шарҳ беришни лозим топдик. Натижалар 3-жадвалда келтириб ўтилган.

Биз натижаларни таҳлиллашга оила аъзоларидан, яъни эр-хотин ва куёвнинг ота-онаси (қайнота-қайноналар) томонидан берилган жавобларга таянишга ҳаракат қилдик. Чунки оилавий муносабатларда эр-хотин, қайнота-қайнона бош тимсол ҳисобланади. Шунингдек, методика натижаларини синалувчиларнинг «реал мени», «идеалдаги эр» ва «идеалдаги хотин» тимсоллари бўйича баҳолаш мўлжалланди.

Методика хусусидаги батафсил маълумотлар диссертациямизнинг биринчи бобида берилганлиги сабабли уларга тўхталмаймиз.

1-тенденция. Лидерликка мойиллик, ҳукмронлик, зулмкорлик. Ушбу тенденция бўйича натижалар эр-хотинларнинг «реал мен» доирасида  $9,16 \pm 0,70$  балл ва  $8,45 \pm 0,52$  балл билан қаноатланди. Айтиш жоизки, лидерликка мойиллик эрларда юқори бўлса-да, аммо аёлларда ҳам бу сифат қисман тенгдир. Оиланинг ҳар иккала аъзоси ҳам оилани бошқаришнинг адаптация босқичига эга, ҳаётий тажриба тўпланиб бораётганлиги ва унинг икир-чикирларида ўз шерикларидаги қайсидир етишмовчиликларни англай олганликларидан далолат беради. Бу ўринда лидерликнинг ўзи етар-

ли эмаслиги, оилани бошқаришда тактик шарт-шароитларга сезгирлик, эр-хотинлар бир-бирини ижтимоий тан олиши, бир-бирларига ижобий ўзаро муносабатни намоён қилишларини тақозо этмоқда. Натижаларимиздан кўрина-яптики, эрларнинг «менинг идеалимдаги эр» ( $11,6 \pm 0,76$ ), «менинг идеалимдаги аёл» ( $10,28 \pm 0,63$ ) кўрсаткичлари бўйича ёки хотинларнинг «менинг идеалимдаги аёл» ( $10,76 \pm 0,56$ ) ва «менинг идеалимдаги эр» ( $10,3 \pm 0,44$ ) кўрсаткичлари бўйича тасаввур тимсоллари «реал мен» позициясига қараганда, анча юқори миқдорга эгадир.

Оиладаги шахслараро тенглик учун «идеал мен» билан «реал мен» ўртасида мутаносиблик бўлиши лозим эди. Аксинча, эр-хотинларнинг «идеал» позициялари, уларнинг оилавий муносабатларида бўш қолган, яъни эр-хотиннинг масъулият ҳиссини ўз жинс вазифаларига кўра, бир хилда юрита олмасликлари, ягона мақсад сари интилишда бирликнинг етишмаслиги, мустақилликка интилиш туйғусининг устунлик қилиши билан изоҳлаш мумкин. Бу эса ўз навбатида, оилани бошқаришда шахсий масъулиятнинг етишмаслиги, уни юритишда фрустрацияга, депрессияга дуч келишига ва шахсий фаолликда астеникликни намоён қилишга сабаб ҳисобланади.

Эр-хотинлар оиладаги шахслараро муносабатда лидерлик ёки доминантлик позицияларини роллари бўйича амалга ошира олиш мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда, у эр-хотин ўртасида низо чиқишига сўзсиз сабаб бўлади.

2. Ўзини яхши кўриш – ўзига ишонч. Бу тенденция – ўзига ишонч, мустақиллик, ишчанлик, юқори кўрсаткичи эса худбинликни ифодалайди. Ушбу тенденция бўйича синалувчилар иккинчи даражали натижаларни намоён қилдилар, яъни улар: «реал мен» бўйича эрлар ( $8,46 \pm 0,38$ ), хотинлар ( $8,05 \pm 0,32$  балл) кўрсаткич билан чекландилар. Бу воқелик уларда оилавий муносабатларда ишонч ҳисси шаклланганлигини, бу эса ўзига ишонч туйғуси, ишчанлик сифатлари мавжудлигини кўрсатади, аммо мазкур сифатлар ҳар доим ҳам ижтимоий муносабат ва кундалик турмушда намоён бўла олмаслигини тахмин қиламиз. Эр-хотинларнинг «иде-



ал эр» ва «идеал хотин» тўғрисидаги тасаввурлари ҳам иккинчи даражали натижага мос келди (эрларда «идеал эр» бўйича  $10,3 \pm 0,42$  балл, «идеал хотин»  $0,69 \pm 0,37$  балл, хотинларда эса «менинг идеалимдаги эр» бўйича  $10,06 \pm 0,56$  балл «мени идеалимдаги аёл» бўйича  $0,2 \pm 0,43$  балл). Бу эса эр ва хотиннинг «ўзига ишонч – ўзини яхши кўриш» тенденцияси натижалари реаллик билан идеалликни тақозо этганлигини эътироф этади.

Бундай тасаввур тимсоллари ва реаллик оилада эр-хотин билан унинг бошқа аъзолари ўртасидаги муносабатларни ижобий хусусият касб этишини таъминлайди. Мабодо, ушбу тенденция натижалари учинчи даражадаги ўрин олганида оилавий муносабатларда кескинлик, ихтилоф ва жанжал ҳукмронлик қилган бўларди. Оилавий муносабатларда ўзини яхши кўриш мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди. Ўзини яхши кўриш ёки худбинлик оилавий муносабатдан ташқари, ижтимоий муносабатнинг қайсидир доирасида маъқулдир, акс ҳолда намоён қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Оила аъзолари орасидаги худбинлик, жиззакилик, ўзини ҳаддан ортиқча яхши кўриш (кўпинча келин билан қайнона орасида) инқирозга олиб келишини ҳаётий тажриба ва кузатишлар тасдиқламоқда.

Шахслар хоҳлайдими ёки йўқми, инсонда «ўзини ўзи яхши кўриш» хислати табиий мавжуд. «Ўзини ўзи яхши кўриш»ни шахслараро муносабатдаги ижтимоий меъёрларга мувофиқлаштиришигина ижобий ҳол ҳисобланади. Демак, оилавий шахслараро муносабатда эр-хотинларнинг «ўзига ишонч» фазилати шаклланганлиги айни муддаодир.

3. Талабчанлик – мурасасизлик – шафқатсизлик. Бу тенденция таъсирчанлик, танқидийлик, шерикнинг хатолирига бардошсизликни ифодалайди. Ушбу тенденциянинг меъёрдан юқори натижалари истеҳзолик ва заҳархандаликни намоён қилади.

«Талабчанлик – мурасасизлик – шафқатсизлик» тенденцияси бўйича кўрсаткичлар эр-хотинларнинг оилавий муносабатда, мурасасизлик ва шафқатсизликка ўрин йўқлигини қайд қилади. Чунки улар мурасасизлик, низо, ўзаро

тушунмовчилик ҳеч қачон ижобий оқибатларга олиб келмаслигини ҳаётий тажрибалардан билишади. Шу ўринда психолог С.Л.Рубинштейннинг шахс ва хулқ-атворга нисбатан психологик таърифини эсга олайлик. «Шахс – ташқи детерменантларнинг ички психик ўзлаштирилишидир» деган эди. Бундан кўриниб турибдики, ижобий фазилатлар, хислатлар эзгуликка олиб келиши тўғрисида мулоҳаза билдирилади. Аммо уни кундалик турмушда, ижтимоий ҳаётда намоён қилиш анча қийин. Юқоридаги таърифга кўра, шахс камолоти ва ижтимоийлашганлиги хулқ-атворда намоён бўлишини белгилар экан.

Натижаларимиз ҳам тенденция бўйича учинчи даражали кўрсаткичлар мақсадга мувофиқ эмаслигини тасдиқлади. Эркаклар «реал мен» бўйича  $10,6 \pm 0,69$  балл, аёллар  $7,25 \pm 0,48$  баллни эгаллайдилар ( $t=3,80$   $p < 0,001$  га тенг бўлди). Бу эса, аёлларнинг оилада эркакнинг талабчанлиги ва шунга мувофиқ аёлни, унинг талабларига нисбатан сабр-тоқатли бўлишини талаб этар экан. Талабчанликнинг ҳам меъёрдалиги эр оиланинг моддий жиҳатдан таъминлаши, тарбия жараёнида хотини билан ҳамфикр бўлиши ёки фаолиятда акс таъсир ҳосил қилиши кутилади. Тадқиқот натижаларининг акси яъни аёлда талабчанлик ёки мурасасизлик юқори бўлса, унинг оқибатини изоҳлаш ҳам анча мураккаб психологик тавсифга сабабдир. А.Маслоу таъкидлаганидек, ҳар бир инсонни маиший эҳтиёжлар безовта қилишини (яна бир бора такрорлаймиз) эсга оладиган бўлсак, оила билан боғлиқ эҳтиёжларнинг чексизлиги эр-хотин ва унинг аъзолари ўртасидаги келишмовчиликларнинг манбаи ҳисобланади. Шу боис, аёлларнинг «реал мен» идаги миқдорий кўрсаткич, эр-хотин ўртасидаги муносабатни, мурасада бўлишини таъминлайди, деб ҳисоблаш мумкин.

Шунингдек, эркакларнинг «менинг идеалимдаги эр» ( $11,7 \pm 0,61$  балл) ( $t=1,55$   $P$ -кузатилмади) ва «идеалимдаги хотин» ( $6,5 \pm 0,48$  балл), аёллар эса «менинг тасаввуримдаги идеал эр» бўйича  $9,45 \pm 0,83$  балл, «менинг идеалимдаги хотин» бўйича  $6,35 \pm 0,56$  балл ( $t=3,1$ ,  $P < 0,001$  га тенг) билан қаноатланганликларини гувоҳи бўлинди. Уларнинг

берган жавобларидан кўринмоқда, эркакларда оиланинг ягона «ҳукмдори» хоҳиши устуворлиги билан бирга хотинлари учун оилавий масалаларда ортиқча талабчанлик шарт эмаслиги, барча шарт-шароитларга мослашувчан рафиқа бўлишини исташар экан. Эркакларнинг оилавий муносабатлардаги бундай позицияларини қўллаб-қувватлаб бўлмайди.

Аёллар ҳам эркакларни талабчан бўлиш ва хотинларни эса нисбатан бўлса-да турмуш ўртоқларини тингловчан, бўйсунувчан шериги бўлиб қолиш тарафдоридирлар, аёлларнинг бундай натижаларини ўзбек халқининг этногенезидан излашга тўғри келади. Чунки қизни турмушга узатаётганда кексалар хотиннинг эрига нисбатан садоқати ва унга тобе бўлиши оилани мустаҳкамлашнинг шартларидан бири сифатидаги тамойилларининг натижасидир.

Аёлнинг юқори даражада талабчан бўлиши ёки эркакда фаолликнинг етишмаслиги ҳамда унинг мурасасизлиги билан аёлнинг эрига тобелиги оқибатида кучли асаб бузилиши, тундликнинг ортишига, ожизлик, норозилик, антипатия, сустлик, қўполлик ва қўрсликка олиб келади. Оилага, фарзандларга, ота-онага, қариндош-уруғлар ва қўниқўшниларга нисбатан ҳам норозилигини намоён қилиш, унинг бундай ҳолатга тушишига атрофдагиларнинг ҳам таъсири борлигини англаш бошланади. Мурувват кутиш ва фақирликка йўйиш етакчи фаолиятга айланиб, сиқилишнинг олдини олиш учун низо чиқариш, аффектив ҳолатни намоён этиш, спиртли ичимлик ичишга мойиллик, наркотрои моддалар истеъмол қилишга хоҳиш ортиб боради. Шу ўринда оилавий муносабатларда косананс (фистенгер) позициясини устуворлигига имкон яратиш лозим.

4. Ишончсизлик – қайсарлик – салбийлик тенденцияси. Мазкур тенденция ишончсизлик, шубҳаланиш, рашк, жиззакилик, гина сақловчанликни аниқлашга ёрдам беради.

Оиладаги шахслараро муносабатларда ишончсизлик, шубҳаланиш, рашк ва жиззакилик бузувчи омиллар сифатида иштирок этиши табиийдир. Мазкур муносабатларда тенгликни таъминлашда таъкидлаб ўтилган хусусиятлардан

холи бўлган оиладаги ижтимоий-психологик муҳитни шакллантириш маъқулдир. Натижаларга мурожаат қиладиган бўлсак, эрлар ҳам аёллар ҳам иккинчи даражали натижаларга эга («реал мен» бўйича  $6,33 \pm 0,29$  балл ва  $7,30 \pm 0,42$  баллга тенг). Бу эр-хотинларда рашк қилиш, шубҳаланиш ва қайсарликка мойиллик ҳукм суришини тасдиқлайди (Албатта, оилаларнинг ҳаёт тажрибасига кўра, ўзгариб боради, иловалардаги жадваллар бундан далолат беради).

Оилаларда севги-муҳаббат ёки никоҳолди танишув асоида қурилишига қараб рашк, шубҳаланиш, гумонсираш ҳислари намоён бўлади. Рашк бир томондан меҳр-муҳаббат ва ор-номус белгиси сифатида оилани ҳимоялашнинг механизми сифатида қаралса, иккинчи томондан, оила бузилишининг асосий воситаларидан бири саналади. Ўзбек миллий психологияси ва ислом дини ёки ҳадисларда рашк тўғрисида бир қатор мулоҳазалар баён қилинган. Масалан, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг «Ал-жомий ас-саҳиҳ» ҳадислар тўпламининг 3-китобида 107-109 боблар рашк ҳақида сўз боради. Ҳадисларнинг шундай бир намуна келтириб ўтайлик: «Муғийра ривоят қиладилар: Саъд ибн Убода: «Агар мен бир бегона кишини хотиним бирлан кўриб қолсам, уни қилич бети бирлан эрмас, тиғи бирлан уриб чопиб ташлайман!» – деди. Жаноб Расулulloҳ (с.а.в.): «Саъднинг рашкидан ажабланишми? Мен Саъддан, Оллоҳ таоло эрса мендан ҳам кўпроқ рашклидур!» – дедилар. Бу билан рашкни ислом динида нақадар юқори баҳоланишини таъкидлаш жоиз. Аммо рашк, шубҳа учун асосли ҳолат вужудга келиши ҳам ўринлидир. Чунки эр-хотин орасида ноўрин шубҳаланиш, гумонсираш боис қанчадан-қанча оилалар бузилаётганлиги сир эмас.

«Шубҳа, гумон – имондан айирур» деган нақл халқ орасида кўп ишлатилади. Рашк, шубҳанинг ортиб кетиши жазавага тушишга, агрессивликка, ўч олиш ҳисси, гина сақлаш, шахснинг хулқ-атворида бузилишларни келтириб чиқаради. Баъзан фрустрацияга мойилликнинг кучайиб кетиши, аффектив ҳолатлар билан яқунланишига олиб келади. Фруст-

рацияга нисбатан толерантлик ҳосил қилмаган ҳолларда суицидлар (аёлларда ҳам, эркакларда ҳам) содир этилмоқда.

Оилавий муносабатларда ишончсизлик, қайсарлик ва негативизмга имконият туғдирадиган ҳоллардан эр ҳам, хотин ҳам, атрофдагилар ҳам эҳтиёт бўлиши лозим. Шу боис, синалувчиларимизнинг «идеалларидаги эр ва хотин» тимсолига берган баҳоларида (эркакларда: «менинг идеалимдаги эр» бўйича  $8,15 \pm 0,77$  балл, «менинг идеалимдаги аёл» бўйича  $5,12 \pm 0,22$  балл; ( $t=3,78$ ,  $P < 0,001$  га тенг) аёлларда: «менинг идеалимдаги эр» бўйича  $8,45 \pm 0,66$  балл, «менинг идеалимдаги аёл»  $6,56 \pm 0,37$  балл) ( $t=2,52$   $P < 0,001$  га тенг). Ишончсизлик, қайсарлик, негативизмда оилавий муносабатлар бузилишига замин яратади.

Эр-хотинлар ва атрофдагиларнинг оила барқарорлиги учун ўз хатти-ҳаракат ва хулқ-атворларини назоратлашда, фаолиятда субъектив, яъни интериаллашган механизм юзга келгани маъқул.

5. Ён беришлик, беозорлик бўйсунувчанлик. Бу тенденция ўзига танқидийлик, вазминлик, мулойимлик, тобелик, уятчанликни баҳолаш имкониятини беради. Натижалар методиканинг хусусиятига кўра, биринчи ва иккинчи даражали кўрсаткичлар доирасидан ўрин олган: эркакларда «реал мен»  $4,45 \pm 0,27$  балл, «идеалдаги эр»  $7,48 \pm 0,56$  балл, идеалдаги аёл  $8,36 \pm 0,71$  балл ( $t=1,41$ ;  $P$ -кузатилмади) аёлларда: «реал мен»  $6,46 \pm 0,45$  балл, «идеалдаги эр»  $7,35 \pm 0,62$  балл, «идеалимдаги хотин» эса  $7,52 \pm 0,7$  баллни намоён қилди ( $t=0,17$  га тенгликда  $P$ -ишончлилик кузатилди).

Тадқиқотимиздан кўринаяптики, эркаклар реал ҳаётда доимо ҳам оилавий муносабатлардан ён беравермасликлари, қайсидир маънода «эрлик ғурурига» берилишлари, муносабатда доминантлик, эркинликни хоҳлаш, аммо «идеалларида» эса эркак учун оилавий муносабатларда беозорлик, вазминлик, ўз хатти-ҳаракатларига танқидий қараш лозимлигини, аммо тобелик, тортинчоқлик ва уялишга ҳожат йўқ деган хулоса чиқаришга имкон беради.

Аёлларнинг натижаси асосан иккинчи даражали қийматларни намоён қилган. Уларнинг берган жавоблари аёллар-

га хос назокат, беозорлик, уятчанлик, ундаги шахслараро муносабатлар ўзи зарур шарт, аммо тобелик, тортинчоқлик ҳар доим ҳам зарурат эмаслигини англатади.

Уларнинг «идеаллари»даги эр ва хотинлар бўйича ҳам кўрсаткичлар юқоридаги ҳолатга мойилликни тасдиқламоқда. Бу эса «эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин» нақлини эслашга даъват этади. Аёлларга хос вазминлик, босиқлик, эрнинг эмоционал реакцияларини меъёрлаштиради.

6. Ишонувчанлик – итоаткорлик – тобелик. Ҳурматлаш, ташаккур билдириш, шеригига қувонч бахшида этишга интилиш ушбу тенденциянинг тавсифловчи асосий сифатлари ҳисобланади.

Мазкур тенденцияга оилавий муносабатдаги тенгликни таъминлашни марказий тенденцияларидан бири сифатида қараш мумкин. Ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, эъозлаш, қувонч улашишга интилиш оиладаги ижобий психологик муҳитни яратади. Синалувчиларни берган жавобларига кўра: эркак ва аёлларнинг «реал мен» бўйича кўрсаткичлари иккинчи даражали поғонадан ўрин олган, яъни  $8,28 \pm 0,76$  балл (эрларда),  $8,15 \pm 0,58$  баллни (аёлларда) намоён қилди. Эркак ва аёллар бир-бириларида турмушда юқори ишонувчанликни намоён қилишга мойиллигини кўрсатмоқда.

Эр турмуш ўртоғининг ишончини қозониши, унга ҳурмат ва қувонч бахшида қилиши, эъозлаши аҳамиятлидир.

Синалувчилар «идеал»лари бўйича иккинчи даражанинг юқори чегарасидаги натижаларни намоён қилдилар. Уларнинг тасаввурларида эр ҳам, хотин ҳам бир-бирларига ишонувчанлигидан ташқари итоаткорликка ҳам мойил бўлишларини исташар экан. Ўзбек миллий психологияси эр билан хотин муносабатларида эрнинг етакчи бўлиши авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъана ҳисобланади.

7. Кўнгилчанлик – мустақил эмас, ён берувчанлик. Ушбу тенденция ўзаро ёрдам, мулоқотмандлик, эътиборлилик, хайрихоҳликни ўлчаш имкониятига эга. Тенденция натижаларига кўра, эрлар  $3,61 \pm 0,21$  балл («реал мен» бўйича («идеал»ликда эса  $4,21 \pm 0,28$  балл ва  $6,15 \pm 0,34$  баллар) ( $t=4,41$ ,  $p<0,001$  га тенг)ни намоён қилди; аёллар эса «реал мен бўйи-

ча»,  $5,84 \pm 0,27$  балл, («идеал» ларида  $5,16 \pm 0,30$  балл;  $6,28 \pm 0,36$  балл ( $t=2,43$ ;  $p<0.05$  га тенг).

Натижалардан кўринадики, оилавий муносабатда ўзаро ёрдам, мулоқотмандликнинг зарурлигини (эркак ва аёллар натижаларига кўра) тасдиқласа-да, аммо доимо хайрихоҳлик, қатъий фикрнинг йўқлиги, ён берувчанлик мақсадга мувофиқ эмас, деган хулосага олиб келмоқда.

Оиладаги шахслараро муносабатда эр-хотинлар шарт-шароитга кўра, кўнгил сўраш, хайрихоҳ бўлиш, ўзаро ёрдам маъқуллигини, кўнгилчанлик ва ён берувчанлик, номустақиллик психологик тўсиқларни вужудга келишини, эр-хотин шахси камолотида ҳам номутаносибликни келтириб чиқаради, деб тахмин қиламиз.

8. Раҳмдиллик – беғаразлик – фидокорлик. Бу тенденция эр-хотинларни шахслараро муносабатидаги мулойимлик, атрофдагиларга нисбатан ғамхўрликка интилишини, камчиликларни тузатишга мойиллик, камчилик ва хатоларга нисбатан кечиримлилигини англатади.

Мазкур тенденция натижаларига кўра, эр-хотинлар «раҳмдиллик, беғаразлик, фидокорлик»ни қуйидагича баҳоладилар: эркаклар «реал мен» бўйича  $4,32 \pm 0,25$  балл, «идеаллари» бўйича  $6,38 \pm 0,31$  балл ва  $5,47 \pm 0,21$  балл. ( $t=2,45$ , фарқлар ишончилиги  $P<0,05$  га тенг бўлди); аёллар эса  $4,32 \pm 0,19$  баллни (реал мен) ва «идеаллари» бўйича  $6,45 \pm 0,35$  балл ва  $7,26 \pm 0,40$  баллни ( $t=1,52$  га фарқлар ишончилиги кузатилмади) намоён қилдилар. Эрлар оилавий муносабатларда (хусусан, атрофдагилар билан) хушмуомала, уларга монанд иш туттишни эътироф этсалар-да, доимо ҳам камчиликларга нисбатан кечиримли ва кўз юмиб кетиш ҳам жоиз эмаслигини ифодаламоқдалар. Хотинлар эса атрофдагиларга муносабатда мулойим, ёқимтойлик, зарур бўлса камчиликларни кечиритиш ҳам муҳим хислат деган хулосани илгари суришга даъват этмоқда.

Оилавий муносабатларда тенгликни таъминлашда эр-хотинларда хушмуомалалик, раҳмдиллик, фидокорлик жоизлигини эътироф этиш керакдир.

Аммо эр-хотин муносабатлари ва оиладаги шахслараро муносабатда тенгликни таъминлашда «қайнота-қайнона»-

лар қандай муносабат билдирадилар. Қуйидаги 4-жадвалда шу хусусида тўхталиб ўтамиз.

Биз бундан олдинги 3-жадвалда эр-хотинларнинг бири-бирига муносабатидаги қатор жиҳатларни ёритишга ҳаракат қилган эдик. Энди мазкур фикрнинг давоми ҳамда оилавий муносабатларда етакчи ролга эга шахслар – қайнота-қайноналарнинг бу борадаги тасаввурларини ҳам таҳлил қилишга киришдик. Ўзбек этносида қайнота-қайнона (кўпроқ куёвнинг ота-онаси, баъзи ҳолларда келиннинг ота-оналари) оиладаги шахслараро муносабатларни бошқариб туришади. Бу борадаги фикрлар илмий тадқиқот ишларида (Ғ. Б. Шоумаров, В. Т. Каримова, Н. Салаева, Ф. Рўзиқулов ва бошқалар) ҳам акс этган.

Қайнота-қайнона ўзининг ҳаёт тажрибаси ва муомала маромини шакллантирган ва ижтимоий позицияга эга шахслар сифатида оилавий муносабатларда фаол иштирок этишади. Уларнинг оилавий муносабатларида ёки эр-хотин (ўғил билан келин) муносабатларини мувозанатлаштириб турувчи сифатида қараш ўринлидир.

Тажриба натижалари бўйича 4-жадвалга мурожаат қилсак, у ҳолда қайнона-қайноталарнинг тенденциялар юзасидан берган баҳолари нисбатан оилавий муносабатлардаги барқарор муҳитни таъминлашга йўналганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Чунки, тенденциялар бўйича ўртача қиймат  $7,24 \pm 0,58$  баллни (қайнота) ва  $6,94 \pm 0,69$  баллни (қайноналар) намоён қилди. Ушбу натижалар методиканинг шартига кўра, иккинчи даражадаги кўрсаткичлар бўлиб ҳисобланади. Қайнота-қайноналарнинг «реаллик» бўйича натижалари юқори кўрсаткичларга эгадир. Чунки қайнона-қайноталарнинг оилавий муносабатларидаги позициялари анча стабиллашганлиги кузатилади. Улардаги психик фаоллик ва эр-хотинлик муносабатларидаги «тенглик» тамойилига асосланишига иқрор бўламиз. Қайнота-қайноналарнинг «реал мени» бўйича кўрсаткичлари уларни лидерликка мойиллик ( $7,35 \pm 0,46$  балл ва  $6,18 \pm 0,44$  балл), ишончсизлик – қайсарлик – салбийлик ( $5,4 \pm 0,32$  балл,  $7,25 \pm 0,56$  балл), ён беришлик – беозорлик ( $5,37 \pm 0,3$  балл,  $3,45 \pm 0,14$



балл), муайян даражада барқарорлашган муносабат ҳосил қилганини кўрамиз. Шунингдек, уларда раҳмдиллик – беғаразлик тенденцияларида ҳам ҳеч қандай ( $10,06 \pm 0,76$  балл,  $9,8 \pm 0,69$  балл) юқори кўрсаткич акс этмаганлигини намойиш этди.

Қайнота ва қайноналарнинг «менинг идеалимдаги эр» ва «менинг идеалимдаги хотин» бўйича кўрсаткичлари уларнинг ҳаётий тажрибаларининг натижаси деб айтиш мумкин. Чунки улар эр-хотиннинг саккизта октант бўйича муҷассамлаштириши лозим эди. Сифатларнинг ўртача меъёрида бўлиши мақсадга мувофиқ деб қарашларини кўрамиз.

Қайнота-қайноналарнинг идеаллари юзасидан берган жавоблари тенденциялар бўйича «эр»ларнинг улушига етакчи эканлигини таъкидлашган. Бу билан эркак киши анъанавий равишда оиланинг устуни деган хулосага олиб келади. Шу боис эркак оиладаги шахслараро муносабатни ижобий томонга бурувчи ёки низоларни объектга йўналтирувчи деб айтиш мумкин.

Қайнота-қайноналар реал ва идеаллик бўйича қайсарлик, салбийликни маъқул кўришган ( $5,4 \pm 0,32$  балл,  $6,36 \pm 0,50$  балл,  $4,38 \pm 0,26$  балл қайноталар;  $5,65 \pm 0,34$  балл,  $4,81 \pm 0,24$  балл қайноналар).

Ҳатто қайноналар эркаклар учун кўнгилчанлик – мустақиллик эмас, ҳаддан ташқари ён берувчанликни ҳам маъқул ҳисобламаганлар ( $3,56 \pm 0,21$  балл).

Қайнона-қайноталар раҳмдиллик – беғаразлик – фидокорлик оилавий муносабатларда маъқул ҳолат эканлигини юқори кўрсаткич орқали белгилай олганлар ( $10,06 \pm 0,76$  балл,  $11,17 \pm 0,8$  балл,  $10,33 \pm 0,72$  қайноталар;  $9,8 \pm 0,69$ ;  $10,83 \pm 0,88$  балл;  $9,45 \pm 0,73$  балл). Ушбу кўрсаткичлар оилани инсонпарварлик тамойилига таяниши юзасидан маълумот бермоқда.

Катталарнинг фикрича, оилавий муносабатлар учун ўзига ишонч, раҳмдиллик, беғаразлик, фидокорлик, ишонувчанлик, итоаткорлик, муросакорлик, мустақиллик қадриятлари, шахс сифатлари зарур жабҳа эканлигини кўрсатмоқда. Юқоридаги мулоҳазалардан қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

1. Оилавий шахслараро муносабатлар мураккаб тизимга эга бўлиб, унинг асосий бўғини эр билан хотин ўртаси-

даги муносабат ҳисобланади. Эр-хотин ўртасидаги ўзаро муносабатлар, уларнинг ҳаёти ва фаолиятида намоён бўлади. Оиланинг шахслараро муносабатларидаги барқарорликни оилавий қадриятларнинг шаклланганлик даражаси белгилайди. Бугунги кунда оилавий қадриятлар бир қатор психологик жиҳатларни ўзида қамраб олган: жинсий муносабат, шахс сифатида идентификациялашганлик, маиший-хўжалик, ота-она – тарбиячилик, ижтимоий фаоллик, эмоционал психотерапевтик, ташқи жозибadorлик.

2. Эр-хотинларнинг жинсий муносабатларига оид қадриятлар этнопсихологик ва миллий маданий муҳит таъсири остида намоён бўлиб, синалувчилар ушбу қадрият зарурлигини таъкидласалар-да, лекин ҳали ҳам этник стереотиплашган хусусиятга эга.

3. Оиладаги эр-хотинларнинг ўзаро муносабатларидаги қадриятлари бир-бири билан узвий хусусиятга эга бўлиб, уларнинг шаклланмаганлиги муносабатларнинг беқарорлашувиغا олиб келади. Эр-хотиннинг шахс сифатида идентификациялашуви оила қуриш жараёни билан адаптация босқичида таъминланиши зарурат эканлиги кузатилди. Ота-онанинг маслаҳати билан шахсий мақсадни мувофиқлаштириш, «гардиш самараси» таъсиридан қочишни таъминлайди.

4. Эр-хотинларнинг оилавий муносабатлари бузилишида унинг маиший-хўжалик қадриятлари аҳамиятига (ўрнига) хотинлар кўпроқ кўрсаткич беришган. Бу омил эркаклар маиший-хўжалик фаолиятнинг моддий таъминотчиси ролига, эрлар нуқтаи назари бўйича эса аёллар оиланинг гигиеник назоратчиси ролига юқори талаблар қўядилар.

5. Эр-хотиннинг ижтимоий фаоллиги уларнинг шахс сифатида шаклланганлигини, қизиқишлари ва касбий фаолиятнинг аҳамиятини белгилайди. Бу қадриятлар оиланинг маиший-хўжалик ва ота-она – тарбиячилик даражаси шаклланганлигини белгилайди.

6. «Мен»нинг шаклланганлик даражаси шахслараро муносабатларда етакчи рол ўйнаши оиладаги ўзаро муносабатларда ҳам кузатилди. Эр-хотинларнинг «реал мени» билан «идеал мен»и ҳамда «хоҳишларига кўра эр ёки хотиннинг»

тимсолини баҳолаш тизими дифференциаллашган хусусиятга эга. Эрларда кўпроқ лидерлик, ўзига ишонч, мустақиллик, тиришқоқлик ва фаоллик юқори хусусиятлар тарзида мужассамлашганда, аёллар эса сабр-тоқатли, эътиборли бўйсунувчан эканликларида муносабатлар маромида бўлиши кутилди. Аёллар эрларини фаол, ўзига ишонган, талабчан, жиззаки бўлмаган, тингловчан, фидойи шахс бўлиши муносабатлар учун анча қўл келишини таъкидлашади.

## **ОИЛАДА ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Тадқиқотимизнинг иккинчи босқичи оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганиш натижалари ўз навбатида уларни мувофиқлаштиришнинг имкониятлари ва истиқболларини белгилашни тақозо этади.

Биз ана шу нуқтаи назардан мазкур бобда оилавий муносабатларни гуманизациялашнинг тарихий ва миллий-маданий муҳит ҳамда ижтимоий-психологик хусусиятларга асосланган имкониятларини ўрганиш ҳақида сўз юритамиз.

Оиладаги ўзаро муносабатларни мувофиқлаштиришнинг психотерапевтик воситаларини аниқлашни, ҳозирги оилалар бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларига таянган ҳолда бўлажак оилаларда шахслараро муносабатларнинг андозавий тузилишини (лойиҳасини) тасвирлаш ва илмий тавсияларда ифодалашни лозим топдик.

### **Оилавий муносабатларни инсонпарварлаштириш имкониятлари**

Яқин йилларгача жаҳон психология фанида ягона инсонпарварлик анъанаси ривожланишининг икки йўналиши: диалектикматериализм фалсафасига асосланган психология ва инсонпарвар (гуманитар)лик психологияси ўзаро фарқланар эди. Бироқ, улар ўртасида азалдан принципиал фарқ мавжуд бўлиб, уни англаб етиш ва бартараф қилиш учун

фақат кейинги даврдагина (XX асрнинг 90-йилларида) қулай мафкуравий ва илмий шарт-шароитлар яратила бошланди.

Биринчи йўналишга асосланган психологияда ҳар томонлама ривожланган баркамол шахс идеали ҳар доим пировард мақсад, идеал чегара ёки шахснинг камол топиши жараёни самараси ва ўзига хос андозаси (эталон) сифатида қараб келинди. Мазкур жараён шу андозага мувофиқ йўлга қўйилиши ва унинг барча орилиқ натижалари ҳам шунга биноан баҳоланиши лозим эди. Бошқача айтганда, айнан илмий-назарий фикр-мулоҳазаларда ҳам, амалий психологик-педагогик ўқув-тарбия фаолиятида ҳам «идеалдан – ҳаётга» деб аташ мумкин бўлган стратегия амалга ошириб келинди. Бунда идеалнинг ўзи ҳаддан ташқари мавҳум ва жўн бўлиб, шахс ривожланишининг ҳозирги ҳаёт «уфқидан нарида» турган қандайдир энг юксак мезон тарзида тушунилди. Идеалнинг реал ҳаётдан ҳаддан ташқари ажралиб кетиши унинг ҳаёт билан аста-секин алоқаси йўқолишига олиб келди. Идеал ўз реаллигини, муайянлигини ва бинобарин, шахс ривожланишининг реал жараёнларига нисбатан йўналганлик ва ташкилий вазифаларини йўқота борди. Оқибат натижада, бу стратегия, бир томондан психология ва педагогика соҳасида ўта сохта назарий фикр-мулоҳазаларни, иккинчи томондан эса психологик-педагогик амалиётнинг турли тавсиялари (таъсир кўрсатиш ва баҳолаш тартиблари)ни ҳаддан зиёд бефойдалигини келтириб чиқаради.

Инсонпарвар психологияда эса Америка инсонпарвар психологияси етакчилик қилади. Мазкур психология вужудга келган даврданоқ бир қатор тарихий, сиёсий ва умуммаданий вазиятлар тақозоси туфайли идеалнинг ҳаётдан ажралишига асосланган қалбаки тадқиқотчилик стратегиясини четлаб ўтишга муваффақ бўлинди.

Америкалик психологлар тўлақонли фаолият кўрсатувчи инсон идеалини ёки аниқроғи, бу идеалнинг эмпирик моҳиятини ҳаётнинг ўзидан излашга (топишга) ҳаракат қилдилар. А. Маслоу, К. Рожерс ва бошқа психологлар томонидан реал кишилар, жумладан: олимлар, психотерапевтлар, ўқитувчилар, маъмурлар, сиёсий арбоблар ўрганилган

ва улар ҳаётда ўзларини ўзлари ва касбий фаолиятларини фаоллаштиришга нисбатан мойилликлари намоён бўлишининг тадқиқ қилиниши шахс сифатида ривожланиш ва фаолият кўрсатишнинг идеал шакллари реал ҳодисалар сифатида ўрганилиши мумкинлигини кўрсатди.

Шу маънода Американинг инсонпарварлик психологиясида у вужудга келган пайтданоқ «ҳаётдан идеалга» деб номлаш мумкин бўлган бошқача стратегия амалга оширилди: яққол одамларни ёки инсонпарварлик идеалининг аниқ-равшан ифодаланиши саналмиш шахс сифатида ўзини намоён қилишнинг айрим ҳолларини топиш, ҳаётнинг ўзида шундай шахслар шаклланишига ёрдам берувчи муайян шарт-шароитларни ва уларга хос хусусиятлар (ҳис-туйғулар, хатти-ҳаракатлар, мулоқот ўрнатиш йўсинлари ва рефлексиялар)нинг намоён бўлиши; фақат «ҳаётдан идеалга» томон шу йўлда реалликдаги идеал нарсани ўрганиб, идеал ҳақидаги реал «ҳозир ва энди» деган назарий тасаввурларни ва воқеликнинг ўзини ривожлантириш йўли билан ушбу идеални тиклашнинг норасмий психологик-педагогик амалиётини ифодалаш мумкин.

Инсонпарварлик психологияси инсон ҳаётининг ижтимоий шарт-шароитларига айниқса, кишиларнинг никоҳ ва оиладаги ўзаро муносабатлари контекстига ҳам кўп эътибор беради. Унга кўра никоҳга кирувчилар дастлаб жамиятда яшашни, турли ижтимоий гуруҳлар доирасида, шахслараро мулоқотнинг ҳар хил зарурий шакллари ва усуллари ўрганишлари лозим.

Никоҳ – эр билан хотин ҳаётидаги бир даврдир, чунки аслини олганда, уларга алоҳида ҳолда никоҳ керак эмас. Никоҳ оилани ташкил этиб, унинг муҳим вазифаси фарзандлар кўриш орқали аҳолини қайта тиклаш, авлодлар давомийлиги билан ер юзида инсоният тарихий тараққиётини таъминлаш, муқаддас урф-одатларни сақлаш ва уни авлоддан-авлодга ўтказишдек вазифаларни амалга оширади.

Бизнингча, оила ана шундай вазифаларни амалга ошириш учун инсонпарварлик психологиянинг асосий принципини қўйидагича ифодаласа бўлади. Фаровон турмуш ва

оилавий бахт-саодатга эришиш учун оиланинг асосини ташкил этувчи эр-хотин зарур инсоний сифат ва фазилатларни эгаллаган, ҳар томонлама баркамол, бахтли-саодатли, фаровон турмушни таъминлашга қодир (тайёр) инсонлар бўлиши керак. Ушбу тамойил эр-хотин ва оиланинг бошқа аъзолари муносабатлари учун ғоят муҳимдир.

Реал ҳаётдаги оилавий муносабатлар ва уларнинг барқарорлиги қандай? Барқарорликка таъсир этувчи омиллар мавжудми? Барқарорликни таъминлашнинг зарур шарт-шароитлари нималар? каби деган қатор саволлар юзага келади.

Биз тадқиқотларимизда оиланинг инсонга йўналганлиги хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, ўзбек миллий-маданий муҳитидаги оилавий муносабатларни инсонпарварлаштириш имкониятларини аниқлаш мақсадида қатор изланишларни ўтказдик.

Дастлаб, ўзаро оилавий (эр-хотин мисолида) муносабатлар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилувчи муҳим омиллар ўрганилди.

Илмий манбаларни ўрганиш ва олиб борилган тадқиқотларнинг тасдиқлашича, оилавий шахслараро муносабатларни инсонпарварлаштириш имкониятлари қатор иқтисодий, ижтимоий, миллий-маданий, шахсий-психологик омилларга бевосита боғлиқлиги (3-жадвалга қаранг) аниқланди.

Тадқиқот учун ўрганилаётган (3, 4 - жадваллардаги) оиладаги шахслараро муносабатларнинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилувчи омиллар изланиш ўтказилган оилали шахслар (эр-хотинлар) томонидан аҳамиятига (ранг) қараб танланиши (баҳоланиши) айтилди. Танланганлик даражаси (ўрни) 1-ўрин (максимал) дан 5-ўрин (минимал) гача белгиланди. Тадқиқот ўтказилгандан сўнг ундаги муносабатларнинг барқарорлигини таъминловчи омилларнинг аҳамият даражаси (ўрни)ни аниқлаш ва шунга нисбатан фоиз даражасини чиқариш учун биз қуйидаги таҳлил (формула)дан фойдаландик. 1-даражали деб танланган белгилар 5 имкониятга, 2-даражалилар 4 имкониятга, 3-даражалилар 3 имкониятга, 4-даражалилар 2 имкониятга, 5-даражалилар 1 имкониятга эга эканлигини белгиладик.

Аҳамиятига қараб 1-даражали (5 имкониятга эга) деб кўрсатилган белги учун 100 % (энг юқори кўрсаткич) белгиланса, у ҳолда 5-даражали (1 имкониятга эга деб кўрсатилган белги ўзидан-ўзи (100 %:5=20%) 20 % га тенгдир. Агар тадқиқот ўтказилган эр-хотинлар томонидан оилавий муносабатларнинг барқарорлигини таъминловчи омиллардан қайси бири танловда аҳамиятига кўра 1,3 даражани олган бўлса, унда ушбу кўрсаткич 1 даражалидан 0,3 даража пастлигини билдиради. Ёки 5 имкониятдан 0,3 имконият чиқариб ташланади, натижада 4,7 имконият ( $5-0,3=4,7$ ) юзага келади. Бир имконият 20 % га тенг бўлганида 4,7 имконият 94 % ( $20 \% \times 4,7=94 \%$ )га тенгдир. Бошқа манба ёки белгиларнинг кўрсаткичлари ҳам худди шу тартибда ишлаб чиқилди.

3-жадвалда ўзбек оилаларининг шахслараро муносабатлари барқарорлигини таъминловчи омилларни аҳамиятини аниқлаш бўйича эр-хотинлар (300 нафар) билан ўтказилган анкета сўровининг натижалари берилди.

3-жадвалдан кўришиб турибдики, эр-хотинлар оилавий шахслараро муносабатларининг барқарорлигини таъминлашда «ўзаро ҳурмат ва ишончнинг бўлиши»ни энг таъсирчан (муҳим) омил деб ҳисоблайдилар (ўринлар йиғиндиси 1,20; 96%). Дарҳақиқат, эр-хотин ўртасидаги ўзаро ҳурмат-эҳтиром, меҳр-муҳаббат, ишонч ва садоқат, иззат-икром, ҳамфикрлик ва муносабатларнинг самимийлиги оила мустақамлигини таъминлашнинг энг муҳим асослари бўлиб хизмат қилади. Ҳар бир миллатнинг тарихан шаклланган ўзининг оилавий ҳаёти, турмуш тарзи бор. Оилавий турмушда эр билан хотиннинг вазифаси ва бурчларига оид қадриятлар мавжуд. Эр ёки хотиннинг мазкур қадриятларни етарли даражада ўзлаштирмаганлиги ёки адо эта олмаслиги улар орасидаги ўзаро ҳурмат, садоқат ва ишончнинг аста-секин сўнишига ва оилавий турмуш аксил ҳолатларнинг шаклланишига шароит яратади. Эр-хотинлар ўртасида «ўзаро ҳурмат ва ишончнинг бўлиши»га алоҳида эътибор билан қараганлик ижобий натижаларга олиб келади.

**Оилавий шахслараро муносабатлар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилувчи муҳим омиллар ва уларнинг баҳоланиши (n=300)**

№	Омиллар	Ранг 1,2,3,4,5 Ўрни	Фоиз
1.	Оиланинг моддий таъминланганлиги	1,40	92%
2.	Ўзаро ҳурмат ва ишончнинг бўлиши	1,20	96%
3.	Оила аъзоларининг бир-бирларини яхши тушунишлари	1,25	95%
4.	Мустақил оила сифатида ҳаёт кечириш	3,55	49%
5.	Уй-жой билан таъминланганлик	2,40	72%
6.	Фарзандлар	1,25	95%
7.	Оила аъзоларининг онглилик ва маънавий ахлоқий мавқеи	1,40	92%
8.	Муомала одоби	1,35	93%
9.	Оилада меҳнат тақсимооти	2,00	80%
10.	Жинсий мослик (жинсий қониқиш)	2,30	74%
11.	Қайнота ва қайнонанинг оилани бошқаришга аралашуви	3,05	59%
12.	Қайнака, қайнука, қайнопа ва қайнсингилларнинг оилавий муносабатлардаги иштироки	3,95	41%

Шунингдек, «Оила аъзоларининг бир-бирларини яхши тушунишлари» ҳам (Ўринлар йиғиндиси 1,25; 95 %) ўзбек оилалари учун энг муҳим қадрият сифатида тан олинди. Шахс психологиясининг таҳлиллари ва хулосаларига кўра, шахслилик сифат-фазилатлари юксак даражада шаклланган инсонларгина (шу жумладан оила аъзолари ҳам) бир-бирларини тўғри тушуна оладилар, бир-бирларига ҳамфикр, ҳамжиҳат, ҳамкор, камчиликлар ёки хатоликлар ўтганда кечиримли, сабр-қаноатли, итоатли, кенгашиб иш тутадиган,



оилавий муаммолар ечимини тез топиб, оила тотувлиги, фаровонлиги ва равнақи йўлида ишонч билан қатъий дадил иш кўрадилар. Айниқса, оилавий турмушда бир-бирларини тўғри тушунишга интилиш, маслаҳатлашиб-кенгашиб иш тутиш, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибатлилиқ, эзгу истаклар сари фаоллиқ ўзбекларга хосдир.

3-жадвалда шахслараро муносабатлар барқарорлигини таъминловчи яна бир муҳим омил «Оилада фарзандларнинг бўлиши» (ўринлар йиғиндиси 1,25; 95%) деб тан олинди.

Ҳақиқатан ҳам, оиланинг асосий вазифаларидан бири – фарзанд кўриб, уни вояга етказиш, авлодлар давомийлигини, ер юзида инсоният тарихий тараққиётини таъминлашдан иборатдир. Оилада фарзанд туғилиши эр-хотин, қайнона-келин, қайнота-куёв ва бошқа қариндошлар ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлайди, қон-қариндошлар орасида меҳр-муҳаббат ҳислари янада мустаҳкамроқ шаклланади. Ўзбек халқи болажон халқ бўлгани учун оилада фарзанд туғилиши биланоқ унинг тарбияси ва камолоти билан боғлиқ ота-онанинг орзу-ҳавас ва эзгу-ниятлари реал намоён бўла бошлайди ва уларни амалга ошириш учун тинмай изланадилар. Улар оилавий турмушда учраб турадиган майда-чуйда муаммоларга эътибор бермайдилар, ҳатто эр-хотиннинг қатъий тус олган ўзаро муносабатларига таъсирини ўтказа олмайдилар.

Оилавий шахслараро муносабатлар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилувчи омиллар орасида «Оиланинг моддий таъминланганлиги» (ўринлар йиғиндиси 1,40; 92%) ҳам етакчи ўринларда белгиланди. Оиланинг моддий таъминланганлиги – унда иқтисодий-молиявий хўжалиқ фаолиятини тўғри ва оқилона юритиш ҳисобланади. Оила аъзоларининг даромадларини режали сарфлаши кундалиқ турмуш учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларидан тортиб, то кийим-кечак, ҳатто хўжалиқ асбоб-анжомларигача меъёр билан харид қилиш, тежамкорлиқ билан фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслиқ унинг равнақ топиши ва гуллаб яшнаши учун имкон яратади.

Оилавий шахслараро муносабатлар барқарорлигида «Оила аъзоларининг онглилиқ ва маънавий ахлоқий мавқеи»

(ўринлар йиғиндиси 1,40; 92%) ҳам муҳим ўринда туриши қайд этилди. Албатта, оила аъзоларининг онглилик ва маънавий ахлоқий мавқеи ундаги шахслараро муносабатларнинг барқарорлиги учун муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир онгли инсон у ёки бу нарсанинг моҳиятини, қадр-қимматини, аҳамиятини тўғри англайди ва уни муносиб баҳолай олади. Ушбу фазилат ўзаро муносабат меъёрларини сақлашга асос бўлиб хизмат қилади.

Аксинча бўлса, оила аъзолари орасида келишмовчиликлар, ишончсизлик ва тушунмаслик ҳолатлари юз беради ва бунинг оқибатида уларнинг ўзаро муносабатларида зиддиятлар юзага келади.

Улар маънавий-ахлоқий жиҳатдан юқори даражада ривожланган бўлсалар, уларнинг бир-бирига ёки одамларга нисбатан муносабатлари, самимий, одобли, меҳр-оқибатли ва кечиримлилиги туфайли, ўринли ва меъёрий кийиниши, юриш-туришдаги намунаси кишиларнинг ҳавасини келтиради. Акс ҳолда, эр-хотин ва бошқа оила аъзолари ўртасида меҳр-оқибатсизлик, бир-бирдан норозилик, нотинчлик, жиззакилик, умидсизлик, бепарволик, лоқайдлик ҳолатлари юз беради. Булар эса оиланинг бузилиши учун замин ҳозирлайди.

Оила аъзолари (айниқса, эр-хотин) ўртасида кечадиган муомала одоби (ўринлар йиғиндиси 1,35; 93%) ундаги шахслараро муносабат барқарорлигини таъминлашда асос бўлиб хизмат қилади. Оиладаги кундалик мулоқот ҳаётий эҳтиёж сифатида юзага келади. Эр-хотиннинг оиладаги ташкилий, моддий, маънавий, тарбиявий ва ўзаро шахсий масалалар юзасидан бир-бири билан кечадиган муомала муносабатлари соф ва самимий, эрнинг хотинига, хотиннинг эрига нисбатан ўзаро ҳурмати, меҳр-муҳаббати ва ифпати асосида қурилсагина унда мусаффо маънавий муҳит юзага келади, шахслараро муносабатлар барқарорлиги янада мустаҳкамланади. Эрнинг хотинга, хотиннинг эрга бетакаллуфлиги, бир-бирига қўпол муомаласи, оилавий турмуш билан боғлиқ иқтисодий, ташкилий, тарбиявий ва маънавий қийинчиликларни енгишдаги турли фикрлилик, келиша

олмаслик ҳолатлари аста-секин ундаги шахслараро муносабатларнинг бузилишига, яъни оиланинг инқирозига олиб келади.

Эр-хотиннинг оила бошқарувидаги иштироки унда роллар ёки меҳнат тақсимоти (ўринлар йиғиндиси 2,00; 80%) муҳим аҳамият касб этиши қайд қилинди. Оилавий муносабатлар маданиятининг такомиллашуви турли ижтимоий тарихий даврларда турлича хусусиятга эга бўлган. У ҳудудий, миллий ва диний ўзига хосликлар таъсирида шаклланган. Бу айниқса, халқимиз ижтимоий тарихининг турли даврларида аёлнинг жамиятда ва оилада тутган ўрнида ҳам яққол намоён бўлади. Оилада аёлнинг ўрни, онанинг роли алоҳида аҳамият касб этади. Унинг садоқати, озода-орасталиги, ширин муомаласи, меҳр-муҳаббати, ширин таомлар тайёрлаши, меҳмон кутиши, саранжом-саришталиги, кийиниши маънавий-маданий саводхонлиги, фарзандлар, айниқса қизлар учун намуна мактабидир.

Эрнинг ишбилармонлиги, тадбиркорлиги, меҳнатсеварлиги, режали ва ўйлаб иш тутиши, босиқлиги, талабчанлиги, кўп ҳунармандлиги, ҳалоллиги, адолатпарварлиги, оила ва хотинига нисбатан садоқати ўғил фарзанд учун андоза сифатида ижтимоий тасаввурлар шаклланишига хизмат қилади.

Инсон ҳаётида моддий эҳтиёжлар ва уларни қониқтириш муҳим ўрин тутаети. Жумладан, эр-хотиннинг жинсий мослиги (жинсий қониқиши) (ўринлар йиғиндиси 2,30; 74%) оилавий шахслараро муносабатлар барқарор-лигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида қайд этилган.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича оиладаги зиддиятларнинг шаклланишида жинсий мутаносиблик (жинсий қониқмаслик) ҳам муҳим роль ўйнайди. Жинсий номуносивлик – фарзандсизликка олиб келиши ёнки кўп ҳолларда эр-хотиннинг турмуш тарзини ўзгартириш ёки бошқача қуришга ҳам олиб келиши мумкин. Жинсий мослик эса жинсий қониқиш, бир-бирига ишонч, меҳр-муҳаббат, садоқатли, ҳамдам-ҳамфикр бўлишга, оила ғурури ва шаънини сақлашга чорлайди, унинг мустаҳкам ва барқарорлигини таъминлайди.

Тадқиқотларимизда янги оиланинг «уй-жой билан таъминланганлиги» (ўринлар йиғиндиси 2,40; 72%) ҳам унинг барқарорлигини таъминловчи муҳим таркиб эканлиги тан олинганлиги ижтимоий-психологик воқелиқдир.

Ўзбекларнинг миллий-маданий ва ҳудудий келиб чиқишига кўра, ҳар бир оила уй-жой билан таъминланган бўлиши керак. Шу боис, ўзбек оиласида ўғил фарзанд туғилса, ота-она тезда уй-жой қуриш ташвишига тушадилар, чунки улар улғайиб, турмуш қурганларида уйли-жойли бўлиши оиланинг тўла-тўқис фаолият кўрсатишига, унинг аъзолари эркин ва фаровон турмуш кечиришига асосдир. Уй-жой қуриш мураккаблиги сабабли ҳам хонадонли эр-хотинлар кўп вақтини иморат қуришга сарфламай, балки оиланинг моддий ва маънавий равнақи йўлида фидокорона меҳнат қиладилар. Ўзини тутиб олгандан сўнг, оилада фарзандлар ўсиб, улғая бошлагач, эр-хотин ҳам ота-боболарининг анъанасини давом эттириб, ўғилларига уй-жой қура бошлайдилар. Уй-жой билан боғлиқ анъана кўпинча шу тартибда давом этаверади.

Шундан сўнг, ўз аҳамиятига кўра, «қайнота ва қайнонанинг (келин ёки хотин учун) оилани бошқаришга аралашуви» (ўринлар йиғиндиси 3,05; 59%) кўрсатилди. Шарқ халқлари, хусусан ўзбек халқининг урф-одатлари, қадриятлари ва анъаналарига биноан янги оилага ота-онанинг раҳнамолиги уни тўла фаолият кўрсатишга яқиндан ёрдам бериши ёки доимий унга ғамхўрлик қилиши анъанага айланган. Ўзбек оиласига хос хусусиятларидан бири шуки, улар узоқ йиллар давомида шаклланиб, қадрият даражасига кўтарилган ва бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Бу унинг кўп бўғинлилигидир (бобо, буви, ўғил, келин, нева-ра, чеваралар бирга яшашидир). Бундай оилаларда болажонлик, серфарзандлик, меҳнат тақсимотининг қатъийлиги, бюджет унинг аъзолари билан бамаслаҳат ота-она томонидан бошқарилиши, кичик аъзоларнинг катталарга ҳурмат-эҳтироми, бўйсунлиги, итоаткорлиги, унда эркакнинг муҳим рол ўйнаши, ота-онага нисбатан муносабатнинг алоҳида аҳамият касб этиши, аёлларга нисбатан эъзоз, уларни

авайлаб-асраш ҳиссининг кучлилиги, оила ғурури ва шаънини ҳимоя қилиш аъзоларнинг бурчига айланиб қолганлиги, туғилиб ўсган жойига алоҳида меҳр-муҳаббат туйғусининг мавжудлиги хосдир. Ўзбеклар миллий-маданий муҳитида кўпроқ «мустақил оила сифатида ҳаёт кечириш» унинг кўп бўғинлилиги шароитлари таъсирида, унда меҳнат тақсимотининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги ва унинг муҳитидаги ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тенгсизликлар (келишмовчиликлар, номутаносибликлар) туфайли содир бўлади ва шу орқали оиладаги шахслараро муносабатлар барқарорлигини (кўп бўғинли оила учун ҳам, ўзларининг янги оиласи учун ҳам) таъминлашга интиладилар. Шу боис, бу омил аҳамиятига кўра (ўринлар йиғиндиси 3,55; 49%) ўртача кўрсаткични ташкил этади. Бу ҳолат кўпроқ шаҳарликларнинг турмуш тарзига хос хусусият (уй-жойларнинг чегараланган бўлиши) сифатида намоён бўлади.

Шундан сўнг ўз аҳамиятига кўра «қайнака, қайнука, қайнопа ва қайнсингилларнинг оилавий муносабатлардаги иштироки» (ўринлар йиғиндиси 3,95; 41%) ўрин олди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, ўзбек оилалари аксарият ҳолатларда кўп бўғинлилик хусусиятини сақлаб келаётганлиги учун қайнака, қайнука, қайнопа ва қайнсингиллар оилавий муносабатларда бевосита тўла ҳуқуқли иштирокчи сифатида ундаги ўз вазифа ва бурчлари доирасида иштирок этадилар. Улар оиладаги шахслараро муносабатнинг барқарорлигини таъминлашда (муомала одоби, ундаги меҳнат тақсимоти, вазифа ва бурчни тўғри адо этиш, ўзаро ҳурмат ва эътиборни сақлаш, унинг иқтисодий негизини, маънавий муҳитини сақлаш, ғурури ва шаънини ҳимоя қилиш ва бошқаларда) у ёки бу даражада масъулдирлар. Уларнинг белгиланган меъёрлар даражасида (қоида-гартиблар) функцияларини ўтай олмасликлари оила барқарорлигига зид ҳолатлар юзага келишининг сабабдир.

Ўзбек миллий маданий муҳитида эр-хотинлар ўзларининг реал турмуш тажриба ва тасаввурларига асосланган ҳолда оилавий низоларни келтириб чиқарувчи сабабларга атрофлича баҳо беришлари таклиф этилди (4-жадвалга қаранг).

Қуйидаги омилларнинг аҳамиятига кўра онлавий низоларни келтириб чиқарувчи сабаблар сифатида баҳоланиши (n=300)

№	Омиллар	Ранг 1,2,3,4,5 ўрни	Фоиз
1.	Феъл-атворнинг мос келмаслиги	1,20	96%
2.	Болалар тарбиясига муносабати	2,35	73%
3.	Иқтисодий таъминотдаги камчиликлар	1,80	84%
4.	Оила бюджетини рационал бошқара олмаслик	1,50	90%
5.	Уй ишларининг тақсимоти	3,05	59%
6.	Ота-оналарнинг аралашуви	2,00	80%
7.	Бошқа бировларнинг аралашуви туфайли	3,10	58%
8.	Рашк ва ишончсизлик	1,80	84%
9.	Севги ва меҳр-муҳаббатнинг етарли эмаслиги	1,45	91%
10.	Уй ишларининг саранжом-саришта ва ораста эмаслиги	1,70	86%
11.	Ота-она ва қариндош-уруғларга муносабат	2,50	70%
12.	Фарзандсизлик	1,30	94%
13.	Яшаш шароитининг ноқулайлиги	2,55	69%
14.	Дунёқараш ва маслаklarнинг номувофиқлиги	2,00	80%
15.	Гап олмаслик, келишмовчилик	2,60	68%
16.	Оила манфаатига мос юмушда ишламасликлари	3,05	59%
17.	Ичиш, чекиш ва бошқа қусурлар	2,80	64%
18.	Жинсий муносабатларда зарур қондаларга риоя қилмаслик	2,00	80%
19.	Муваққат нохуш кайфиятлар	4,30	34%
20.	Бошқа арзимаган сабаблар	4,60	28%

Ўзбекларда оилавий низоларни келтириб чиқарувчи омилларни илмий жиҳатдан ундаги шахслараро муносабатлар таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятларини аниқлаш мақсадида тадқиқот ишлари олиб борилди. Ўтказилган анкета сўров натижаларига (4-жадвал) кўра, эр-хотин феъл-атворининг мос келмаслиги (ўринлар йиғиндиси 1,20; 96%), оилада фарзандсизлик (1,30; 94%), эр ва хотин ўртасида севги ва меҳр-муҳаббатнинг етарли эмаслиги (1,45; 91%), оила бюджетини рационал бошқара олмаслик (1,50; 90%) каби омиллар оилавий низолар келиб чиқишида асосий сабаб эканлиги қайд этилди.

Эр-хотинлар ўртасида оилавий низолар келиб чиқишида «уй-ишларининг саранжом-саришта ва ораста эмаслиги» (1,70; 86%), иқтисодий таъминотдаги камчиликлар (1,80; 84%), рашк ва ишончсизлик (1,80; 84%), ота-оналарнинг келин-куёв муносабатларига аралашуви (2,00; 80%), дунёқараш ва маслакларнинг номувофиқлиги (2,00; 80%), жинсий алоқаларда зарур қоидаларга риоя қилмаслик (2,00; 80%) ҳолатлари муҳим ўрин тутишини алоҳида қайд этадилар.

Эр-хотинларнинг фикрича, оилада болалар тарбиясига муносабат (2,35; 73%), ота-она ва қариндош уруғларга муносабат (2,50; 70%), яшаш шароитининг ноқулайлиги (2,55; 69%), гап олмаслик, ўзаро келишмовчилик (2,60; 68%), ичиш, чекиш ва бошқа қусурлар сабабли (2,80; 64%) ҳам тез-тез оилавий низолар юзага келиши респондентлар томонидан эътироф этилди.

Тадқиқотларимиз натижаларига кўра, оилада эр-хотин ўртасида уй ишларининг тақсимоги сабабли (3,05; 59%), оила манфаатига мос юмушда ишламасликлари (3,05; 59%), эр-хотин муносабатларига бошқа бировларнинг аралашуви (3,10; 58%), баъзи ҳолларда муваққат нохуш кайфиятлар (4,30; 34%) ёки бошқа арзмаган вазлар (4,60; 28%) билан ҳам у ёки бу даражада низолар келиб чиқади, деб баҳолайдилар.

Мазкур тадқиқот ўзбек оиласидаги шахслараро муносабатлар моҳиятини ўрганиш ва олдиндан билиш (баҳолаш), инсонпарварлаштириш имкониятларини аниқлаш ҳамда ушбу йўналишда зарур шарт-шароитларни яратиш истиқболларини белгилашга ёрдам беради.

## **Оиладаги шахслараро муносабатни мувофиқлаштиришнинг психотерапевтик воситалари**

Социологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, сўнгги 30 йилда ажралишлар миқдори анча кўпайган, бироқ уларни қоралаш нисбатан камайган. Ана шундай ҳолатларнинг олдини олишнинг муҳим воситаларидан бири – оилавий психотерапевтик усуллардан фойдаланишдир.

Оилавий психотерапия психотерапиянинг мустақил илмий-амалий соҳаси сифатида XX асрнинг ўрталарида шаклланди. Унинг юзага келиши айтилган вақтда оила инқирозининг (кўпроқ ғарб мамлакатларида) намоён бўлиши ва унга ёрдам кўрсатишнинг янги, ноанъанавий усулларини топишга уриниш эди: «... айнан оиланинг барбод бўлиши аниқ хавфга айланган ўша даврда оилавий терапия уни даволашнинг ўзига хос услуби сифатида янги бир ички имконият сифатида намоён бўлди. Тараққиёт психологияси ижтимоий психология билан биргаликда оилавий психотерапияни, яъни оилани тушуниш учун янги психологик асосни юзага келтиришга ҳаракат қилади.

Оилавий психотерапияга доир энг мукамал қўлланмаларда бу илмий-амалий фанга шундай таъриф берилган: Оилавий терапия профилактика, касалликларни даволаш ҳамда шундан кейинги ижтимоий меҳнат реабилитацияси мақсадида уни ўрганишни ва унга таъсир кўрсатишни қамрайдиган психотерапиянинг бир соҳаси ҳисобланади.

Оилавий психотерапия усуллари энг аввало, психозга хос бўлмаган психоген бузилишларда, алкоголизмда, гиёҳвандликда, психатия, психоз ва психосоматик касалликларини давомида қўлланилади. Энг муҳими оилавий психотерапияда психотерапиянинг бошқа соҳалари томонидан ўрганилмайдиган бир қатор қўшимча жиҳатлар ҳам мавжудки, булар-оиланинг меъёрида фаолият кўрсатиши, ундаги бузилишларнинг турлари, уларнинг профилактикаси, оила аъзоларининг психик ва соматик саломатлиги, оила ҳаёти ва фаолияти нуқсонининг диагностикаси-дир.



Бундай тиббий ёндашув доирасида оилага ўз мантиқига кўра, ривожланувчи шахслараро муносабатлар тизими тарзида эмас, балки, энг аввало, ижтимоий муҳитда алоҳида йўсинда фаолият олиб борувчи инсонлар гуруҳи сифатида қаралади. Бу ерда оиланинг «нормал», «бузилган» вазифалари, таркибий тузилиши ва динамикаси таърифи билан боғлиқ масалалар биринчи ўринга чиқади. Шунинг билан бирга В. Е. Каганнинг таъкидлаганидек, психотерапиянинг (шу жумладан оилавий психотерапиянинг) вужудга келаётган янги усуллари тобора кўпроқ инсонпарварлик йўналишлари сари интилади.

Оилавий психотерапия нима билан шуғулланади? Унинг предмети ва пировард мақсади нималардан иборат? Н. Пезешкиан шу саволларга жавоб берар экан, қуйидаги қадимий шарқ нақлини келтиради: «Агар сен ўз мамлакатингни тартибга келтиришни хоҳласанг, дастлаб вилоятни тартибга келтир. Агар сен вилоятни тартибга келтиришни истасанг, аввалига шаҳарларда тартиб ўрнат. Шаҳарларда тартиб ўрнатиш учун оилаларни батартиб қилмоғинг лозим. Агар сен оилаларда тартиб ўрнатишни хоҳласанг, аввало ўз оилангда тартиб ўрнатишинг керак. Сен ўз оилангда тартиб ўрнатишни истар экансан, дастлаб ўзингни тартибга солмоғинг жоиз».

Хуллас, «оилаларда тартиб ўрнатиш»га даъват этилган оилавий терапия пировард натижада инсонпарвар психологик амалиёт сифатида намоён бўлади.

Бизнинг назаримизда, у ўзининг бу хусусияти билан замонавий оила ривожланишида, унинг базавий ижтимоий йўналиши марказида инсон туриши туфайли уни ўзгартирадиган инсонпарварлик майлларига ёрдам беришга даъват этилган.

Агар кишилар шахсий масалалар бўйича психологлар ва психотерапевтлар маслаҳатига олиб келадиган муаммоларини таҳлил қиладиган бўлсак, гап ҳар доим ё шахслараро муносабатлар: эр-хотинлик, болалар, ота-оналар, жинсий, амалий муносабатлар, ё шахснинг ички муносабатлари, яъни инсоннинг ўзига нисбатан муносабатлари ҳақида бо-

ради. Айнан муносабатлар (В. Н. Мясичев) инсоннинг руҳий ҳаётида ҳар доим таранглик, тўқнашувлар, зиддиятлар, баъзан эса ҳақиқий можаролар келиб чиқишига сабаб бўладиган соҳани ташкил қилади.

Муносабатлар хилма-хиллиги, уларга киришувчи инсон турли-туманлиги сингари, чиндан ҳам чексиз ҳолатдир. Шахслараро ва шахснинг ички муносабатлари мутлақо ноёб ва бетакрор бўлганида эди, бу соҳада ихтисослашув бўлмасди, бинобарин, умумлаштирилган билимларни тўплаш ва кишилар билан ҳамкорликнинг махсус усуллари ишлаб чиқиш мумкин бўлмас эди.

Ҳақиқатда эса аниқ вазиятлар ва муаммоларнинг кўзга кўриниб турган хилма-хиллиги орқасида умумий психологик механизмлар ётади.

Ўзбек оилаларида эр-хотиннинг ота-онаси (қайнота-қайнонаси) ва яқин қариндошлари билан муносабати (5-жадвалга қаранг) қандай ?

5-жадвал

Эр-хотиннинг ота-онаси ва яқин қариндошлари билан муносабати  
(фоиз ҳисобида) n=300

№	Оила аъзолари	Жуда яхши	Яхши	Қаноатланарли	Деярли ёмон	Ёмон
I	Келин n=150					
1.	Қайнона	17,0	53,0	17,3	10,0	2,7
2.	Қайнота	22,3	50,7	7,0	12,0	8,0
3.	Қайнопа-сингил	18,7	49,3	8,0	14,0	10,0
4.	Қайнака-ука	16,0	55,0	10,7	13,3	5,0
II	Куёв n-150					
1.	Қайнота	20,0	53,7	16,3	8,0	2,0
2.	Қайнона	26,7	40,3	14,0	13,0	6,0
3.	Қайнопа-сингил	18,7	58,0	14,3	8,0	2,0
4.	Қайнака-ука	20	54,7	12,0	11,0	2,7

Тадқиқотимизнинг ушбу босқичида, биз эр-хотиннинг ота-онаси ва яқин қариндошлари билан муносабатлари

жараёнига мурожаат қилдик. Изланишимиз нафақат эр-хотиннинг ота-онаси ва яқин қариндошлари билан муносабатларини баҳолаш учун, балки ана шундай реал муносабатларни ўрганиш орқали оилавий муносабатлар барқарорлигини зарурат тарзида йўлга қўйишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Энг аввало, оиланинг янги аъзоси келин (хотин)нинг қайнота, қайнона, қайнопа-сингил, қайнака-укалар билан муносабатлари ҳақида фикр билдириш ўринлидир. Тадқиқотларимизнинг натижаларига кўра, келинларнинг қайноталари билан муносабатлари 17% оилаларда жуда яхши, 53% ида яхши, 17,3% ида қаноатланарли, 10% ида деярли ёмон, 2,7% ида эса ёмон эканлигига қайд этилди. Оилаларда келин-қайнота муносабатларининг яхши ва жуда яхши эканлиги кўрсаткичи 70% ни ташкил этса-да, лекин уларда келин-қайнота ўртасида совуқ-зиддиятли муносабатлар ҳали ҳам (деярли ёмон 10%, ёмон 2,7%) сақланиб келаётганлиги ўзаро муносабатлар барқарорлигига муайян даражада салбий таъсир этади.

Қайнота-келин ўртасида вужудга келадиган келишмовчилик ва зиддиятлар кўпинча улар феъл-атворининг номуносивлиги, иқтисодий таъминотдаги камчиликлар, оила бюджетини оқилона бошқара олмаслик, ота-онанинг аралашуви, рашк ва ишончсизлик, уйнинг саранжом-сарийшта ва ораста эмаслиги, ота-она ва қариндош-уруғларга муносабат, яшаш шароитининг ноқулайлиги, дунёқараш ва маслакларнинг номувофиқлиги оиланинг манфаатига мос ишда ишламаслик сабабли юзага келиши қайд этилди.

Биз тадқиқотларимизнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда оиладаги шахсларро муносабатлар барқарорлигини асоси бўлган эр-хотин муносабатларида низоларни келтириб чиқарувчи омилларни ўрганиш ундаги шахсларро муносабатлар барқарорлигини сақлашнинг зарур шарт-шароитларини таъминлаш имкониятини яратади, деган қарорга келдик.

Ушбу соҳадаги тадқиқотларимиз натижалари б-жадвалда ўз ифодасини топган.

Куйидаги омилларнинг оиладаги шахслараро (эр-хотин мисолида) муносабатларда низоларни келтириб чиқарувчи сабаблар сифатида намоён бўлиши (фоиз ҳисобида) n=300

№	Омиллар	Кучли	Ўртача	Кучсиз	Учра-майди
1.	Феъл-атворнинг мос келмаслиги	14	18	15	53
2.	Болалар тарбиясига муносабат	8	12	35	45
3.	Иқтисодий таъминотдаги камчиликлар	22	16	14	48
4.	Оила бюджетини рационал бошқара олмаслик	14	17	12	57
5.	Уй ишларининг тақсироти сабабли	7	8	25	60
6.	Ота-оналарнинг аралашуви	8	14	16	62
7.	Бошқа бировларнинг аралашуви	2	10	20	68
8.	Рашк ва ишончсизлик	23	15	10	62
9.	Севги ва меҳр-муҳаббатнинг етарли эмаслиги	6	19	11	64
10.	Уй ишларининг саранжом-сарийшта ва ораста эмаслиги	9	6	37	48
11.	Ота-она ва қариндош-уруғларга муносабат	12	10	18	60
12.	Фарзандсизлик	4	2	-	94
13.	Яшаш шароитининг ноқулайлиги	14	16	6	64
14.	Дунёқараш ва маслақларнинг номувофиқлиги	16	4	38	42
15.	Гап олмаслик, келишмовчилик	6	17	19	58
16.	Оила манфаатига мос ишда ишламасликлари	3	3	44	50
17.	Ичиш, чекиш ва бошқа қусурлар	11	5	12	72

18.	Жинсий муносабатларда зарур қоидаларга риоя қилмаслик	7	16	11	66
19.	Муваққат нохуш кайфиятлар	-	5	55	40
20.	Бошқа арзмаган сабаблар	-	8	24	68

Энди келинларнинг қайноналари билан муносабатлари ҳолатига эътибор берадиган бўлсак, у ҳолда улар ўртасидаги муносабатлар 23,3% оилаларда жуда яхши, 50,7% ида яхши, 7% ида қаноатланарли, 12% ида деярли ёмон ва 8% ида ёмон эканлиги қайд этилди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, қайнона-келин муносабатлари оилавий муносабатларнинг энг муҳим қисмини ташкил этади, – десак янглишмаган бўламиз. Чунки келин-қайнона муносабатларининг жуда яхши ва яхши эканлиги 73% ни ташкил этса-да, лекин улар ўртасидаги деярли ёмон ва ёмон ҳолатлар ҳали ҳам 20% оилаларда сақланиб келаётганлиги оилавий турмуш барқарорлиги учун хавfli омилдир. Бунга кўпинча қайнона келин феъл-атворининг, дунёқараш ва маслакларининг мос келмаслиги, болалар тарбиясига муносабат, унинг бюджетини оқилона бошқара олмаслик, рашк ва ишончсизлик, рўзгор ишларининг саранжом-саришта ва ораста эмаслиги, ота-она ёки қариндош-уруғларга муносабат, яшаш шароитининг ноқулайлиги, гап олмаслик ва келишмовчиликлар сабаб бўлиши кузатилди.

Келиннинг қайнопа-сингиллар билан муносабатлари 18,7% оилаларда жуда яхши, 49,3% ида яхши, 8% ида қаноатланарли, 14% ида деярли ёмон, 10% ида эса ёмон эканлиги қайд этилди. Ёки буни келин билан қайнопа-сингилларнинг ўзаро муносабатлари 68% оилаларда яхши ҳолатда, 24% ида ташвишли дейиш мумкин. Ўзаро муносабатларнинг ёмонлашувига феъл-атворнинг мос келмаслиги, ота-она ва қариндош-уруғларга муносабат, иқтисодий таъминотдаги камчиликлар, келиннинг оила бюджетини оқилона, омилкорлик билан бошқара олмаслиги, яшаш шароитининг ноқулайлиги, дунёқараш ва маслакларнинг номувофиқлиги, уйнинг саранжом-саришта ва ораста эмаслиги каби омиллар таъсир этиши тадқиқотларимизда исботланди.

Келиннинг қайнака-укалар билан муносабатлари 16% оилаларда жуда яхши, 55% ида яхши, 10,7% ида қаноатланарли ҳолатда, 13,3% ида деярли ёмон, 5% ида эса ёмон эканлиги қайд этилди. Ёки бу ҳолатни келин билан қайнака-укаларнинг ўзаро муносабатлари 71% оилаларда яхши, 18,3% ида ёмон ҳолатда деган хулосага келиш мумкин. Келин билан қайнака-укалар ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашувига олиб келувчи сабаблар феъл-атвор, дунёқараш ва маслакларнинг мос келмаслиги, ота-она ва қариндош-уруғларга муносабат, яшаш шароитининг ноқулайлиги, иқтисодий таъминотдаги камчиликлар, оила бюджетини оқилона бошқара олмаслик, ичиш, чекиш ва бошқа қусурлар эканлиги аниқланди.

Энди куёв (эр)нинг қайнота, қайнона, қайнопа-сингил, қайнака-укалар билан муносабатларининг ҳолати тўғрисида тўхталсак, у ҳолда қуйидаги натижаларни гувоҳи бўламиз. Тадқиқотларимизга кўра, куёвларнинг қайноталари билан муносабати 20% оилаларда жуда яхши, 53,7% ида яхши, 16,3% ида қаноатланарли, 8% ида деярли ёмон, 2% ида эса ёмон эканлиги қайд этилди. Куёв билан қайнота муносабатлари ҳам 70% оилаларда яхши эканлиги тасдиқланди.

Бироқ, 10% оилаларда куёв билан қайнота муносабатлари ёмон эканлиги кузатилди. Бунинг асосий сабаблари феъл-атворнинг мос келмаслиги, иқтисодий таъминотдаги камчиликлар, оила бюджетини оқилона бошқара олмаслик, ота-оналарнинг аралашуви, ота-она ва қариндошларга муносабат, дунёқараш ва маслакларнинг номувофиқлиги, ичиш, чекиш ва бошқа қусурлар эканлиги намоён бўлди.

Куёв-қайнона муносабатлари ҳам 26,7% оилаларда жуда яхши, 40,3% ида яхши, 14% ида қаноатланарли ҳолатда, 13% ида деярли ёмон ва 6% ида эса ёмон ҳолатда эканлиги аниқланди. Куёв-қайнона муносабатлари 67% оилаларда яхши эканлиги шу билан бирга 19% ида куёв-қайнона муносабатлари ёмон эканлиги кузатилди. Бунга асосий сабаб улар феъл-атворининг мос келмаслиги, оила бюджетини оқилона бошқара олмаслик, уй ишларининг аъзолар ўртасида тақсимооти, ота-оналарнинг аралашуви, рашк ва

ишончсизлик, ота-оналар ва қариндош-уруғларга муносабат, яшаш шароитининг ноқулайлиги, маслақларнинг нормовофиқлиги, ичиш-чекиш ва бошқа қусурлар эканлиги исботланди.

Куёвнинг қайнопа-сингиллар билан муносабатлари ўрганилган оилаларнинг 18,7% ида жуда яхши, 58% ида яхши, 14,3% ида қаноатланарли, 8% ида деярли ёмон ва 2% ида ёмон эканлиги аниқланди. Умумий ҳолат куёвнинг қайнопа-сингиллар билан муносабати 76,7% оилаларда яхши, 10% ида ёмон эканлигини тасдиқлайди. Бунинг сабабларига кўпинча юқорида куёв билан қайнона муносабатлари ёмон аҳволдаги оилаларда учрайдиган омиллар эканлиги кузатилди.

Куёвнинг қайнака-укалар билан муносабатлари ўрганилганда 20% оилаларда жуда яхши, 54,7% ида яхши, 12% ида қаноатланарли ҳолатда, 11% ида деярли ёмон 2,7% ида эса ёмон эканлиги қайд этилди. Умумий ҳолатга эътибор берилганда куёвнинг қайнака-укалар билан муносабати 74,7% оилаларда яхши, 13,7% ида эса ёмон ҳолатдалиги аниқланди. Бунга асосий сабаб юқорида баён этилган куёв-қайнота муносабатлари ёмонлашган оилаларда учрайдиган омиллар (аксарият) эканлиги таъкидланди.

Келиннинг қайнота (17,3%), қайнона (7%), қайнопа-сингил (8%), қайнака-ука (10,7%) лар билан ёки куёвнинг қайнота (16,3%), қайнона (14%), қайнопа-сингил (14,3%), қайнака-ука (12%) лар билан ўзаро муносабатлари қаноатланарли (яхши ҳам, ёмон ҳам эмас) даражада эканлиги оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг ё ижобий, ё салбий томонга силжиши (таъсир кўрсатиши) эҳтимол.

Шундай қилиб, эр-хотиннинг ота-онаси ва яқин қариндошлари билан муносабатларидаги (7-жадвалга қаранг) келиннинг қайнота билан муносабатлари (10% оилаларда деярли ёмон, 2,7% ида ёмон), қайнона билан муносабатлари (12% оилаларда деярли ёмон, 8% ида ёмон), қайнопа-сингиллар билан муносабатлари (14% оилаларда деярли ёмон, 10% ида ёмон), қайнака-укалар билан муносабати (13,3% оилаларда деярли ёмон, 5% ида ёмон) ёки куёвнинг қайнота

билан муносабатлари (8% оилаларда деярли ёмон, 2% ида ёмон), қайнона билан муносабатлари (13% оилаларда деярли ёмон, 2% ида ёмон) қайнопа-сингиллар билан муносабати (8% оилаларда деярли ёмон, 2% ида ёмон), қайнака-укалар билан муносабатлари (11% оилаларда деярли ёмон, 2,7% ида ёмон) шахслараро муносабатларни мувофиқлаштиришнинг психотерапевтик воситаларидан самарали фойдаланишни тақозо этади (мазкур боб сўнггида бу ҳақда кенгроқ тўхталамиз).

Оиладаги шахслараро муносабатлардан келиб чиқадиган муаммолар эр ёки хотиннинг характер хусусиятлари, уларнинг ўзаро муносабатларига хос маданияти билан худди шу каби оиланинг бошқа аъзолари ва яқин қариндошларнинг хулқ-атвор хусусиятлари ва уларда ўзаро муносабатларга мос равишда шаклланган муомала-муносабат маданияти даражалари ўртасидаги тафовутларни ўрганиш ва шунга хос психотерапевтик воситалардан ўринли фойдаланиш орқалигина уларни бартараф қилиш мумкин.

Биз тадқиқотларимиз давомида оиладаги шахслараро муносабатларда низоларни келтириб чиқарувчи 50 дан зиёд омиллар таъсирини ўрганган бўлсак-да, лекин улардан энг муҳимлари деб баҳоланган 20 та омил тўғрисида фикр юритишга қарор қилдик, холос.

Респондентларга «Қуйидаги омилларни сизнинг оилангиздаги шахслараро муносабатларда низоларни келтириб чиқарувчи сабаблар сифатида намоён бўлишини баҳоланг» («кучли», «ўртача», «кучсиз», «учрамайди» кўринишида) деб берган саволимизга улар қуйидагича жавоб бердилар (6-жадвалга қаранг).

Респондентларнинг 23%и эр-хотин ўртасидаги рашк ва ишончсизлик, 22%и иқтисодий таъминотдаги камчиликлар, 16%и дунёқараш ва маслакларнинг номувофиқлиги, 14%и феъл-атворнинг мос келмаслиги, 14%и оила бюджетини оқилона, омилкорлик билан бошқара олмаслик, 14%и яшаш шароитининг ноқулайлиги, 12%и ота-она ва қариндош-уруғларга муносабатнинг кутилганидек даражада эмаслиги, 11%и ичиш, чекиш ва бошқа қусурлар сабабли, 9%и уй иш-



ларининг саранжом, саришта ва ораста эмаслиги оиладаги шахслараро муносабатларда низоларни келиб чиқишига кучли омил сифатида таъсир этади, деб эътироф этадилар.

Оиладаги шахслараро муносабатларда низолар келиб чиқишида эр-хотиннинг муносабатларига ота-оналарнинг аралашуви (8%), болалар тарбиясига муносабат (8%), уй ишларининг тақсимоти (7%), жинсий муносабатларда зарур қоидаларга риоя қилмаслик (7%), севги-муҳаббатнинг етарли эмаслиги (6%), гап олмаслик, келишмовчилик (6%) ҳам баъзан оилавий зиддиятлар учун кучли омиллар сифатида намоён бўлади.

Оилавий муносабатларга бошқа бировларнинг аралашуви (2%), оила аъзоларининг унинг манфаатига мос соҳада ишламаслиги (3%), фарзандсизлик (4%) омиллари туфайли уларда кучли низолар келиб чиқиши деярли кузатилмайди.

Айнан мазкур омиллар жуда кам сонли оилалардагина оилавий низолар учун «ўртача кучли» ва «кучсиз» сабаблар сифатида умумий қайд этилмади.

Ўзбек оилаларидаги оилавий низолар ва келишмовчиликлар кўпинча кучсиз ҳарактерда бўлиб, буларнинг келиб чиқишида унинг аъзоларида муваққат нохуш кайфиятларнинг юзага келиши (55%), оила манфаатига мос соҳада ишламаслик (44%), дунёқараш ва маслакларнинг номувофиқлиги (38%), уй ишларида баъзан саранжом-саришта ва орасталикнинг бузилиши (37%), болалар тарбиясига муносабат (35%), уй ишларининг тақсимоти (25%) таъсирчан сабабдир.

Энг муҳими, тадқиқот ўтказилган оилаларнинг аксарият кўпчилигида унинг барқарорлиги ўзгаришига ва ундаги зиддиятлар кучайиш туфайли оилаларнинг бузилишига олиб келувчи омиллар кузатилмади. Жумладан, ўзбек оилаларининг 94%ида фарзандсизлик, 72%ида ичиш, чекиш ва бошқа қусурлар, 68%ида бошқа бировларнинг аралашуви, 66%ида жинсий номутаносиблик, 64%ида севги ва меҳр-муҳаббатнинг етарли эмаслиги, 64%ида яшаш шароитининг ноқулайлиги, 62%ида рашк ва ишончсизлик, 62%ида ота-оналарнинг аралашуви, 60%ида ота-оналар ва қариндош-

ларга муносабат, 58%ида гап олмаслик, келишмовчилик, 57%ида оила бюджетини оқилона бошқара олмаслик, 53%ида феъл-атворнинг мос келмаслиги сабабли низолар вужудга келмаслиги қайд этилди.

7-жадвал

**Оиладаги шахслараро муносабатларда кузатиладиган салбий-ахлоқий сифатлар (фоиз ҳисобида) n=300**

№	Салбий сифатлар	Доимо	Баъзан	Жавоб бериш қийин	Йўқ, учрамайди	Умуман йўқ
1.	Қўпол муомала	6	14	17	35	28
2.	Жиззакилик	11	12	10	36	31
3.	Узгани тушунмаслик	12	14	12	37	25
4.	Бетакаллуфлик	7	12	16	40	25
5.	Уқувсизлик	9	11	11	42	27
6.	Билимсизлик	8	11	12	45	24
7.	Дидсизлик	6	8	13	44	29
8.	Бепарволик	8	11	13	37	31
9.	Лоқайдлик	7	9	12	42	30
10.	Эътиборсизлик	12	15	16	33	24
11.	Бесабрлик	16	22	8	32	22
12.	Қизганчиқлик	12	14	17	31	26
13.	Мунофиқлик	4	6	11	42	37
14.	Уятсизлик	5	11	14	34	36
15.	Бузуқлик	1,3	2,7	9	31	56

Аслида инсонларда учрайдиган ахлоқий иллатлар кўпинча инсон тарбиявий жараёнларига эътиборсизлик оқиба-тида, унинг жамоасидаги (оила, боғча, мактаб, маҳалла) но-соғлом психологик муҳит таъсирида, шунингдек, унинг яшаш жараёнида унинг кўз ўнгида юзага келадиган турли

муаммолар, қийинчиликлар, камчиликлар ва бошқа сабаблар асосида шаклланади. Кейинчалик унинг жамиятда шахслараро муносабатлари жараёнида унда етарли даражада шаклланмаган имкониятлар, турлича муаммолар, зиддиятлар ва келишмовчиликлар юзага келишига сабабдир.

Афсуски, ана шундай салбий сифатларни (иллатларни) орттирган ёшлар ҳам барча фуқаролар қаторида оила қурдилар. Бунинг натижасида ўз ҳаёт йўлини бир умрга боғлаган эр-хотинларнинг ёки эр-хотин билан унинг бошқа аъзолари ўзаро муносабатларида уларда аввалдан орттирилган салбий-ахлоқий иллатлар оила барқарорлигининг ўзгаришига, унда зиддиятлар, келишмовчиликлар юз беришига ва ҳатто оилаларнинг бузилиб кетишига олиб келиши мумкин.

Инсонларда шаклланган салбий-ахлоқий сифатларни ижтимоий-психологик асосларини ўрганиш, уларни келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, ривожланиш қонуниятларини илмий нуқтаи назардан таҳлил қилиш унда юзага келадиган келишмовчиликлар ва зиддиятларнинг олдини олишга, уни бузилишлардан сақлаб қолишга, барқарорлигини янада мустаҳкамлашга ёрдам беради. Биз тадқиқотимиз мақсадидан келиб чиққан ҳолда оиладаги шахслараро муносабатларда учрайдиган салбий-ахлоқий иллатларни ҳам ўрганишга ҳаракат қилдик.

Респондентларга «Сизнинг оилангизда шахслараро муносабатларда кўпроқ қандай сабаблар асосида зиддиятлар, келишмовчиликлар юзага келади» деган савол билан мурожаат қилганимизда, улар бесабрлик, ўзгани тушунмаслик, эътиборсизлик, қизғанчиқлик, жиззакилик, уқувсизлик, билимсизлик, бепарволик, лоқайдлик, қўпол муомала сабабли юзага келишини, баъзи оилаларда бетакаллуфлик, дидсизлик, уятсизлик, мунофиқлик ва ҳатто бузуқлик туфайли намоён бўлишини эътироф этдилар.

Тадқиқотда фойдаланган анкеталаримиз (ИПС) бевосита кузатишларимизга қўшимчалар сифатида хизмат қилди (7, 8, 9 жадваллар). Уларнинг ёрдами билан тўпланган натижаларимиз оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятларига асосланган ҳолда ундаги шахслараро муносабатларни му-

вофиқлаштиришнинг психотерапевтик имкониятларини аниқлашга ёрдам беради.

Оила психотерапияси соҳасида мазкур муаммолар юзасидан ёрдам сўраб, психологга мурожаат қилган миждоз унга ўз муаммосинигина эмас, балки ана шу муаммо ечимини ҳам топишга умид қилади. Ўз касбининг моҳир устаси бўлган амалий маслаҳатчининг вазифаси миждозга шу ечимни топиш ва уни англаб етишда ёрдамлашишдан иборат. Психолог нима билан ва қандай ёрдам бера олади? Психологияда бир нечта соф касбий сирлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир:

1. Миждозга сўзсиз ижобий муносабатда бўлиш самарали психологик ёрдам кўрсатишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Бу ерда энг оддий восита-миждозга шу пайтда муайян қийинчиликларни бошидан кечираётган, лекин ўз муаммоларини ҳал қилишга имкониятлари бўлган инсон сифатида муносабатга киришиш лозим.

2. Психолог ўз миждозини шунчаки тушунибгина қолмасдан, балки алоҳида бир тарзда унга ҳамдардлик қилган ҳолдагина ёрдам беради. Психолог сўзлардан кўра, улар орқасида яширинган ҳис-туйғуларга эътибор беради. Маъжозий маънода айтганда, у ақл билангина эмас, балки юракдан муомала қилади. Бундай муносабат услуби миждозга ўзининг кўпинча зиддиятли, чалкаш ва сиқиб чиқарилган ҳис-туйғуларини англаб етиш, ўзини ва ўзининг ҳаётини ҳолатини яхшироқ ҳамда тўлиқроқ тушунишга имкон беради.

3. Психолог ўзи муаммолардан холи, мулоқот учун очиқ, унинг «бу ерда ва энди» вазиятида келиб чиқадиган ўз фикрлари ва туйғулари миждоздан мулойим табассум орқасида ёки ҳамма нарсани билгучи эксперт ниқоби билан яширинмаган (очиқ) бўлсагина унга ёрдам бера олади. Психологнинг самимийлиги миждозда ҳам самимият уйғотади, унинг суҳбатдошга умуман, маслаҳат олиб борилаётган вазиятга, охир оқибатда эса ўзига бўлган ишончини оширади.

Хуллас, психолог миждоз учун ўзига хос жонли кўзгуга айланган тақдирдагина унга ёрдам бера олади. Бу кўзгу миждозга тўлиқ очилган бўлиши, маслаҳат берилаётган вази-

ятда мижоз ички дунёсининг турли томонларини акс эттириши ва ниҳоят мижозга унинг руҳий оламининг аниқ ва қалбакилаштирилмаган инъикосини бериш учун тоза, хиралашмаган, пок, ростгўй бўлиши жоиз. Бундай жонли кўзгу ёрдамида мижоз ўзини-ўзи тадқиқ этиш жараёнини юзага келтириши лозим, демакки, бу кўзгу дастлабки муаммонинг ечимини излашнинг асосий ҳаракатлантирувчиси, механизми ва шартидир. Бу ҳолда аввал бошданоқ мижозда муаммога ечим аллақачон борлигига ишонган психолог бу қандай ечим эканлигини билмайди. Мижоз эса уни ҳам, бошқасини ҳам билмайди, лекин у ўзи сезмаган ҳолда ечимни топиши мумкин, чунки у аллақачон бу ечимга эгадир.

### **Бўлғуси оиланинг андозавий тасвири (идеал проекцияси)**

Ҳозирги шароитда замонавий оила ривожланишининг объектив тенденциялари таҳлилининг кўрсатишича, у йўналишининг ўзгариши, унинг илгари тўлиқ устувор бўлиб келган ижтимоий йўналганлигининг қандайдир бошқача одадий тусда ҳали шаклланиб улгурмаган, етарли англаб етилмаган йўналиш билан алмашуви юз бермоқда. Бундай оилалар инсонга йўналтирилган ёки инсон моҳиятини қадрлашга қаратилган бўлиб, улар танланиш (излаш) ҳолатидадилар. Буни ўтиш ҳолати сифатида таърифлаш ҳам мумкин. Унга оиланинг анъанавий, енгил тушуниб олинадиган йўналганлиги ва оилавий турмушнинг тўла англамайдиган таърифлари мажмуасининг кучайиши хосдир.

Анъанавий оила йўналишини ўзгариш жараёнлари сирдан қараганда, узлуксиз инқироз, барқарорликнинг, гармониянинг бузилиши (инқироз) тарзида намоён бўлмоқда. Хусусан, ҳамма жойда никоҳ бузилишлари сони ошаётганлиги қайд этилиши шундан гувоҳлик бермоқда. Шу соҳада олиб борилган илмий тадқиқот натижаларининг гувоҳлик беришича, 1970 йилларнинг ўрталаридан то ҳозиргача АҚШ ва Россияда ҳар йили ажралишлар натижасида 50 фоиздан 80 фоизгача оила бузилмоқда, бунинг устига айнан кейинги йилларда ажралишларнинг сони, айниқса кўпаяётганлиги кузатилмоқда. Масалан, АҚШда никоҳ бузи-

лишлари сони 2,5 баравардан зиёд кўпайди. Бироқ, бундай ҳолатлар, яъни «салбий белгилар» назаримизда инсонни озод бўлиши, унинг ўз ҳақиқий шахсияти ва мазмун-моҳиятини топишдек ижобий жараёнларни иккинчи ўринга суриб қўяди.

Инқироз вазиятидаги замонавий оила, қандайлигидан қатъи назар бевосита ва билвосита танлаш ҳолатида бўлади. Умуман оиланинг ижтимоий институт сифатидаги ривожланиши ўзига хос «иккига айрилиш» (И.Пригожин) нуқтасига етди. Бу нуқтада нафақат оиланинг ҳаддан зиёд беқарорлиги вужудга келади, балки уни ривожланиш траекторияларининг кенг спектри пайдо бўлади.

Фарб мамлакатларида тадқиқот олиб бораётган олимлар «ҳозирги пайтда оила тушунчасининг ўзи азалий аниқлиги ва муайянлигини йўқотди» деб баҳоламоқдалар. Уларнинг хулосаларига кўра, 1950-йиллардан эътиборан никоҳдаги ота ва она, уларнинг фарзандларини ўз ичига олган анъанавий, ўзак оила сифатида таърифланган бўлса, кейинги йиллар мобайнида у воқелик тарзида ҳам, тушунча сифатида ҳам катта ўзгаришларга учради. Америка тадқиқотчилари замонавий оилани қандай таърифлашларига бир мисол: «...ўзини оила сифатида таърифлайдиган ва қонқариндошлик алоқалари ёки никоҳ билан боғланган, шунингдек, ўз ҳаётларини ўзаро бир-бирлари билан ҳамкорликда бўлишга қарор қилган кишиларнинг ҳар қандай бирлашмасини оила деб ҳисоблаш лозим». Бу таъриф «анъанавий» ўзак (нуклеар) оилани ҳам кенгайтирилган ва қариндошлик алоқалари тизимидан тортиб, то ота-оналардан бири бўлган ва бирга яшайдиган бир жинсдаги шерикларгача ўзгариб турадиган бошқа турмуш услубларини ҳам ўз ичига олади.

Оила таърифининг муҳим унсурлари шундан иборатки, бу бирлашманинг аъзолари ўзларига оила сифатида қарайдилар, ўзаро бир-бирига интилиш (аффиляция)ни ҳис қиладилар ва ўзларини бир-бирларига ғамхўрлик қилишга бағишлайдилар.

Оила инсоний муносабатларнинг ўзига хос «тажриба» лабораторияси бўлиб, унда ҳар хил тажриба ўтказишлар

тўхтамайди. Бизнинг фикримизча, бу соҳада алғов-далғовликдан тартибга ўтиш фақат қандайдир битта тўлақонли муайян бўлган траектория бўйича амалга ошуви мумкин. Ҳозирги даврда уни стихияли излаш давом этмоқдаки, бунда тобора кўпроқ кишилар иштирок этмоқдалар. Бу шахслар ўз ҳаётларида ва бошқаларнинг ҳаётларида тажрибаларидан фойдаланадилар. Ер юзидаги юз минглаб, миллионлаб анъанавий оилалар қайта ва қайта қалбнинг ўткир оғриқларини ҳис қилмоқдалар ва ўзларининг буҳронли вазиятидан чиқиш йўлларини топишга интиломоқдалар. Уларнинг аксарияти охириги вазиятларда қолиб, ё оилавий буҳронни вақтинча тўхтатиб қўядилар, уни асабий, психосоматик ёки психотик бузилишлар, ёхуд ажралиш орқали оилани бошқа бир шерик билан қайта тиклашга интиладилар ва гўё янги турмуш буҳрони томон ҳаракат қиладилар. Бир ноҳиявий оила учун эволюцион ривожланишнинг ҳар иккала шакли ҳам гўёки самарасиз ва фақат ташқаридан қарагандагина буҳронни баргараф қилгандек туюлади.

Афсуски, бу ижтимоий жараён давом этмоқда, унинг психологик ҳолатлари тадқиқотга муҳтож. Ҳар қандай ҳолатда ҳам оила жамият тараққиётида етакчи ўрин тутувчи институт ҳисобланади. Оила жамият тараққиётини таъминловчи, умуминсоний ва миллий қадриятларни авлоддан-авлодга ўтказувчи беқиёс гўшадир. Шунинг учун оилада барқарор ва мувозанатлашган шахслараро муносабатни яратиш ўзига хосликка эгаллиги учун жамият тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Оиладаги тинчлик, ҳамжиҳатлик, аъзоларининг маънавий жиҳатдан камолоти ижтимоий-психологик муҳитни таъминлашда ҳамда унинг барқарорлигини қарор топтиришда муҳим ўрин тутаяди. Инсонлар орзу қиладиган оила ўзининг қайсидир жиҳатлари билан реал турмушдаги оилаларга ибрат-намуна бўлиши назарда тутилади. Бу эса ушбу мазмундаги оиланинг яққол андозавий тасвирини (идеал проекциясини) ишлаб чиқишни тақозо этади.

Оила ижтимоий-тарихий тараққиётнинг натижаси ва буюк неъматидир. Биз оиланинг андозавий тасвирини ишлаб чиқишда психиканинг муҳим хусусиятларидан бири та-

рихийлик ва унинг даврий хусусиятга эга эканлигини инобатга олиш лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки оиланинг шаклланиши ва ундаги шахслараро муносабатлар иштирокчиларининг фаолияти муайян тарихий даврларда амалга оширилади. Бу эса оиланинг андозавий тасвирини изоҳлашда бир неча босқичда унинг субъектлари фаолиятини лойиҳалаштиришни тақозо қилади.

Оила ва ундаги шахслараро муносабатнинг барқарорлигини таъминлашда уч босқичли фаолият натижаларини лойиҳалаштириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

1. Оила қурилгунгача давр.
2. Оилани шаклланганлик даври.
3. Оилада қайнона-қайноталик даври.

### **I. Оила қуриш босқичи, қайлиқ танлаш даври**

Бу давр оилавий муносабатлар пойдеворини ясовчи босқич ҳисобланиб, ўзига қайлиқ танлаш ва дастлабки синов босқичи саналади. Бу даврда бўлғуси келин ва куёв ҳамда уларнинг оилалари тўғрисидаги маълумотлар тўпланади, тегишли хулосаларга келинади, муайян ижтимоий тасаввурлар яратилади. Бўлғуси жуфтликнинг шу давр ичида қабул қилган қарори кейинги турмуш тарзига қўйилган дастлабки қадамдир. Бўлғуси келин билан куёвнинг ҳамкорлик фаолиятини режалаштириш, уларда бир бирига нисбатан ижобий ва объектив баҳоланган ҳис-туйғуни намоён қилиш айниқса муҳимдир.

Дастлабки босқичда йигит билан қизнинг шахс сифатида идентификациялашувига қисман бўлса-да аниқлик киритилади.

Бунинг учун: Йигит

- қизлар психологиясининг хусусиятларидан хабардор бўлиши;

- ўзига шахс сифатида идентификациялашган қайлиқ танлаши;

- танишув жараёнини тўғри ташкил этиши;

- ўзига мос ёр танланганлиги ҳақида ота-онасини хабардор қилиши;

- дастлабки таассуротлар таъсирига тўлиқ берилиб қолмаслиги;

- уйланишолди ота-она ва қариндошлар маслаҳатини қабул қилиши;



- қайлиқ билан учрашувни муомала мароми ва шахслилик позициясига амал қилган ҳолда ташкил этиши ёки «гардиш самарадор»лигига тушиб қолмаслиги;

- қайлиқ шахсини тўла идрок этиши ва тасаввурини яратиши;

- оила ва оилавий муносабатлар тўғрисидаги тасаввурларни шакллан-тириши;

- куёвлик статуси тўғрисидаги тасаввурларни тўғри таркиб топтириши;

- жинс ва эр-хотинлик жинсий муносабатлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиши;

- жисмоний ва руҳий жиҳатдан соғлигини инобатга олиши;

- тўй олди тайёргарлиги ва уларни маромида амалга ошириши;

- тўйни кўнгилдагидек ўтказиши.

Қиз: бу даврда оила қуришга тўлиқ тайёргарлик кўриши зарур, шунинг учун у ўз тасаввурига мос оила бекаси бўлиши учун айрим жиҳатларни инобатга олиши лозим:

- қиз йигитлар психологияси ҳақидаги маълумотлардан хабардорлиги;

- йигит билан дастлабки учрашувда эҳтиросларга берилмаслиги;

- жисмоний ва руҳий жиҳатдан соғлигини инобатга олиши;

- қизлик иффатига мос хатти-ҳаракат қилиши;

- йигит билан очиқ ва самимий муносабат ўрнатиши;

- қайлиқ танлашда яқдил ва тўғри хулоса чиқара билиши;

- ота-она ва қариндошларнинг маслаҳатларини инобатга олган ҳолда ўзи қайлиқ танлашда мустақил қарорга келиши;

- уй юмушлари ва хўжалик ишларини бажаришга тўлиқ тайёрлиги;

- «қайнона-қайнота-келин», «куёв-келин», «келин-овсинлар», «келин-куёвнинг ака-ука, опа-сингиллари» тизимидаги муносабатлар тўғрисида тасаввур яратишга ўқувчанлиги;

- янги муҳитга руҳан ўзини тайёрлаб бориши;

- тўйга тайёргарлик ва уни кўнгилдагидек ўтказишга интилиши.

## II. Оиланинг шаклланганлик босқичи

### Келин-куёвлик даври

1. Куёв. Бу даврда йигит оилавий муносабатларни кўнгилдагидек кечиши учун бир қатор жиҳатларни инобатга олган ҳолда ўз фаолиятини режалаштириши ва амалга ошириши лозим:

- куёвнинг келинга муносабатини меъёрлаштириш;
- эр-хотинлик тасаввурларини тўғри амалга ошира бориш;
- ота-онаси, ака-ука ва опа-сингиллари билан муносабатини мувофиқлаштириш;
- қайнота-қайнона, қайнака-ука, қайнопа-сингиллар билан муносабатларни мезонлаштириш;
- оилавий низоларнинг вужудга келишига йўл қўймаслик;
- келинни туғилган кун ва байрамларда совғалар билан тақдирлаб бориш;
- келиннинг уй юмушларини бажаришдаги ютуқларини рағбатлантириш;
- келин камчиликларини инобатга олган ҳолда уларни кескин маънода баҳоламаслик ва маслаҳат мазмунида бартараф этишга ҳаракат қилиш;
- оталик ва тарбиячилик роли тўғрисидаги тамойилни шакллантириш ва унга тайёргарлик кўриш;
- оила бошлиғи ва хўжалик таъминотчилик фаолиятини мувофиқлаш-тириш;
- жинсий муносабатдаги мослик қонун-қоидаларига амал қилиш;
- келинга меҳр-муҳаббат кўрсатиш ва уни қалбдан севишни эслатиб бориш;
- шахслик сифат ва фазилатларини янада камол топтиришга интилиш. Булар: меҳрибонлик, эмпатия, симпатия, ҳамкорлик, фаоллик, қатъийлик, хушмуомалалик, вазминлик, тингловчанлик, садоқатлик, лидерлик, кузатувчанлик, оилапарварлик, болажонлик кабилар;
- келин билан ота-онасига муносабатларини бир хил маромда сақлашга эришиш;

- оила истиқболини режалаштириш ва бу хусусида келин-ни ҳам огоҳ этиш;
- оила бюджетини тўғри тақсимлай билиш;
- келин билан биргаликда дам олиш вақтини тўғри ташкил этиш;
- келинга ортиқча мажбуриятлар юклаб ташламаслик ва бошқалар.

Келин:

- янги муҳитга кўникиши;
- қайнота-қайнона билан келинлик статусига мувофиқ муносабатларни меъёрлаштириш;
- қайнака-ука, қайнопа-сингиллар билан муносабатларни мезонлаш-тириш;
- қайнота-қайнонада ўзига нисбатан ижобий муносабат уйғотиш;
- оилавий юмушларни бажаришда жонбозлик кўрсатиш ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этиб бориши;
- ўз оиласидаги ижобий томонлар билан куёвнинг оиласидаги камчи-ликларини қиёсламаслик;
- куёвнинг оиласидаги камчиликларни оила қадрияти нуқтаи назаридан бошқаларга маълум қилмаслик;
- ака-укалар, овсинлараро борди-келди анъаналарида иштирок этиш;
- куёвни ишга бориши ва келиши билан боғлиқ ҳаракатни анъанавий меъёрга айлантириш;
- фарзанд ва унинг тарбияси тўғрисидаги тасаввурлар шакллантириш;
- қизлик уйига бориб-келиш қоидаларига амал қилиш;
- муомала одобини таркиб топшириш;
- уй ва кийим-кечакларнинг сарамжон-саришталигига эътиборлилик;
- куёвга ортиқча мажбуриятлар юклаб ташламаслик;
- ўз ёрени чин дилдан қадрлаши ва унинг мавқеини юқори тутишга интилиш;
- шахсий фазилатларни шакллантириб бориш. Булар: хушмуомалалик, орасталик, сабр-тоқатлик, очиқ чеҳрали, меҳрибон, ширинсўзли, ҳозиржавоб, самимий, оилапарвар, болажонли, эътиборли, кузатувчанлик ва бошқалар.

- жинсий муносабат тўғрисидаги қонун-қондаларга амал қилиш;

- бўлғуси оналик фаолияти ва бола тарбиясига оид маълумотлар билан танишиб бориш, унга тайёргарлик кўриш.

**Эр-хотинлик босқичида** (оилавий тажрибалар шаклланиш босқичида).

### **Эр – турмуш ўртоғи билан муносабатида:**

- турмуш ўртоғига нисбатан эътиборли бўлиши;

- турмуш ўртоғини маънавий ва моддий рағбатлантириб бориши;

- турмуш ўртоғига такаллуф қила олиши;

- турмуш ўртоғини эъзозлаши;

- турмуш ўртоғига уй юмушларига ёрдам бериши;

- келажак режалар ва болалар тарбияси хусусида турмуш ўртоғи билан маслаҳатлашиши;

- жинсий муносабатларни ёшга мос тарзда режалаштириши;

- турмуш ўртоғига ишонч кўзи билан муносабатда бўлиши;

### **Ота – тарбиячи (фарзандлар тарбияси билан боғлиқ) сифатида:**

- болалар тарбияси билан шуғулланиши;

- уларга оталик меҳрини бера олиши;

- болаларни ёши ва жинсига мос равишда эркалатиши ва улар фаолиятини тўғри ташкил этишга кўмаклашиши;

- фарзандларнинг мактаб ва ўртоқлари даврисидаги хулқатворини назорат қилиши;

- ўқиш ва ўзлаштириш фаолиятини назорат қилиш;

- фарзандларни меҳнат қилишга ўргатиш;

- қобилиятига биноан касбга йўналтириши ва мустақил турмушга тайёрлаши;

- фарзандларини ижтимоий муносабатларга киришиш ва муомала қилишга ўргатиб бориши;

- фарзандларни фаолият натижасига қараб рағбатлантириши.

### **Оиланинг хўжалик-бошқарув, моддий-маданий жабҳалари бўйича:**

- оиланинг моддий жиҳатдан таъминлашга эришиши;
- оиладаги етишмовчиликларни вақтида илғаши;
- оилада туғилган кун, байрам ва бошқа зарур тадбирларни ташкил этиш;
- оилавий сайрлар ёки дам олишни ташкил қилиш;
- меҳмондорчилик ва дўстлар билан бирга бўлиш;
- оила аъзоларининг замонга мувофиқ кийинишини таъминлаш;
- оила бюджетини тўғри тақсимлаш;
- ота-она ва ака-укалар ҳамда қариндош уруғлар билан борди-келдини йўлга қўйиш;
- қайнота ва қайнонага меҳр-мурувват кўрсатиши ҳамда эъзозлаши;
- қўни-қўшничилик ва маҳаллада ўз мавқеига эга бўлиш.

### **Ижтимоий фаоллик доирасида:**

- аниқ касб-ҳунар эгаси;
- ўз соҳасининг устаси;
- меҳнат жамоасида мавқеига эғалик;
- қизиқишлар доираси мавжудлиги;
- касбий-шахсий сифатларини шакллантиришга интилиш.

### **Хотин – турмуш ўртоғи билан муносабатда:**

- меҳрибонлик кўрсатиши;
- рашк қилмаслиги;
- турмуш ўртоғининг обрў-эътиборини сақлаши;
- оила шаънини сақлай олиши;
- турмуш ўртоғини оила посбони сифатида эъзозлаши;
- фарзандлар тарбияси ва келажак режалари ҳақида маслаҳатлашиши;
- турмуш ўртоғининг ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари ҳақида ижобий муносабатлар билдириши;
- турмуш ўртоғини кўнглини ола билиши.

### **Она-гарбиячи (фарзандлар тарбияси билан боғлиқ сифатида):**

- фарзандларига оналик меҳрини бера олиш;
- фарзандларини тоза ва озода кийинишга одатлантириш;
- уйдаги маиший-хўжалик ишларига йўналтириб бориш;
- фарзандларни (асосан қизларни) оилавий муносабатларга тайёрлаш;
- қизларни пазандалик ва бичиш-тикишга ўргатиши.

### **Оиланинг хўжалик-бошқарув, моддий-маданий жабҳалари бўйича:**

- уйни сарамжон-саришта тутиш;
- уй юмушларини вақтида бажариш;
- оила бюджетини тўғри тақсимлаш;
- моддий харажатларни меъёрида олиб бориш;
- меҳмон ва дўст-биродарларни очиқ юзлик билан кута олиш;
- тежамкорлик;
- мазали таомлар тайёрлаш;
- қайнона ва қайнотага меҳр-мурувват кўрсатиш ҳамда эъзозлаш.

### **Ижтимоий фаоллик доирасида:**

- касб-корликка эгалик;
- қўни-қўшни ва меҳнат жамоаси орасида нуфузга эришиши;
- ўз касбкори бўйича шахсий намуна ва қизиқиш мавжудлиги.

### **III. Оиладаги қайнота-қайноналик босқичи**

Бу давр ҳар бир оиланинг келажагида кутилаётган шахслик роли ҳисобланади. Бу даврда оилада фарзанд ва келин билан бир вақтда оилавий муносабатларда қайнота ва қайнона роллари ҳам фаол иштирок этади. Кўпинча оилавий низоларга сабаб бўлувчи ёки низоларни бартараф этишда ҳам етакчи шахс сифатида қайнота-қайнона намоён бўлади. Биз шахслараро муносабатлардаги ролларни бу тарзда

босқичлашимиз учун ҳам айнан қайнота билан қайнонанинг оиладаги мавқеидан келиб чиққан ҳолда ажратишни лозим топдик.

**Қайнота.** Бу шахс оилавий муносабатларни асосий барқарор бошқариш механизмини амалга оширувчи ҳисобланади, қайсики,

- маънавий жиҳатдан етук бўлса;
- келин ва куёвга оталик меҳрини бера олса;
- оила бошлиғи сифатида ўз мавқеига эгалик қилса;
- қайнона билан келин ўртасидаги муносабатлардан хабардор бўлиб турса;
- қуда-андачилик аънаналарини эътиборда тутса;
- оилавий кечалар уюштиришнинг раҳнамоси ҳисобланса;
- ўғил билан келиннинг оилавий муносабатларидан хабардор бўлиб, уларга маслаҳатчи ва суянчиқ вазифасини бажарса;
- келинларга ҳам фарзандлари сингари муносабатда бўла олса;
- набиралар тарбиясида маслаҳатчиликка эришса;
- ўғил ва келинлар фаолиятдан камчилик изламаса, балки уларнинг камчиликларини тузатишда йўл-йўриқ кўрсатса;
- маҳалла-қўй ва қон-қариндошлар орасида обрў-этибор орттирса;
- муносабат ва хатти-ҳаракатлари билан оила аъзоларига намуна кўрсатса ва ҳоказо.

**Қайнона:**

- келинга ҳам ўғли сингари меҳрини бера олса;
- келин билан ўғилнинг хатти-ҳаракати ва ишларидан нуқсон изламаса;
- келинга турмуш тажрибасини ўргатиб борса;
- келинга маслаҳатчи-она сифатида ёрдам кўрсатса;
- набираларни тарбиялашда келинга кўмакдош бўлса;
- қайнота билан бамаслаҳат иш кўрса;
- келиннинг камчиликларини яшириб, ютуқларини ошириб намоиш қилса;
- меҳрибонлик ва самимийлик намоиш этса.

Юқорида санаб ўтилган бир қатор бандларни оилавий муносабатлар жараёнида унинг етакчи субъектлари тўлиқ мужассамлаштира олса, таклиф қилинаётган лойиҳа ўз натижасини бериши мумкин. Чунки барчамиз идеал даражадаги оила аъзоси бўлишни ният қиламиз ва шунга интиламиз. Агар аниқ фаолият йўли ва мақсад мавжуд экан, унга эришиш ва натижаларни ўлчаш осон кечади. Шу боис, оилавий муносабатлардаги барқарор психо-логик муҳитни таъминлашда юқорида тақдим қилинган лойиҳалаштириш мақсадга мувофиқдир. Юқоридаги мулоҳазалардан қуйидаги хулосалар келиб чиқади.

1. Жаҳон психологияси фанида инсонпарварлик анъанасининг ривожланишига алоҳида эътибор билан қаралаётганлиги, унда инсон идеалини (андозасини) ва унинг моҳиятини ҳаётнинг ўзидан топишга (ҳаётнинг ўзи кашф этишига) ҳаракат қилинаётганлиги устувор вазифа сифатида қўйилган.

«Баркамол шахс идеалидан – ҳаётга» деб аталган стратегиядан воз кечилди. Чунки идеалнинг ўзи ҳаддан ташқари мавҳум бўлиб, шахс ривожланишининг ҳозирги ҳаёт «уфқидан нарида» турган юксак мезон тарзида тушунилар эди.

Инсонпарварлик психологиясида «ҳаётдан – идеалга» деб номлашган аксил стратегия амалга оширилмоқда. Унда инсонпарварлик идеали аниқ-равшан ифодаланган шахс сифатида ўзини намоён қилишнинг муайян шарт-шароитларини топиш, реалликдаги – идеал нарсани ўрганган ҳолда назарий тасаввурлар ва воқеликнинг ўзини ривожлантириш йўли билан уни тиклашнинг норасмий психологик амалиётини яратиш мумкин.

2. Инсонпарварлик психологияси инсон ҳаётининг ижтимоий шарт-шароитларига, айниқса, шахсларнинг никоҳ ва оиладаги ўзаро муносабатлари контекстига алоҳида эътибор беради. Унга кўра, никоҳга кирувчилар (оила қурувчилар) дастлаб жамиятда мустақил яшашни, турли ижтимоий гуруҳлар доирасида муомала қилишни, шахслараро мулоқотнинг ҳар хил (зарур) шакллари ва усулларини ўрганиб олиши шартдир.

3. Оиладаги шахслараро муносабатлар барқарорлигини таъминлашда эр-хотин ўртасида ўзаро ҳурмат ва ишонч-



нинг бўлиши (96%), аъзоларининг бир-бирини яхши тушунишлари (95%), фарзандлар (95%), муомала одоби (93%), унинг моддий таъминланганлиги (92%), аъзоларининг онглилик ва маънавий-ахлоқий мавқеи (92%), унда роллар тақсимотининг ўринлилиги (80%), жинсий мослик (жинсий қониқиш) (74%), уй-жой билан таъминланганлик (72%) муҳим омиллар сифатида эътироф этилди.

4. Оилавий низоларнинг келиб чиқиши ва оилаларнинг бузилиб кетишида эр-хотин феъл-атворининг мос келмаслиги, фарзандсизлик, севги ва меҳр-муҳаббатнинг етарли эмаслиги, оила бюджетининг оқилона бошқара олмаслик асосий омиллар деб тан олинса, уй ишларининг саранжом-саришта ва ораста эмаслиги, иқтисодий таъминотдаги камчиликлар, рашк ва ишончсизлик, ота-оналарнинг келин-куёв муносабатларига аралашуви, дунёқараш ва маслакларнинг номувофиқлиги, жинсий муносабатларда зарур қоидаларга амал қилмаслик ҳолатлари ҳам оилавий зиддиятлар келиб чиқишида муҳим ўрин тутиши эътироф этилди. Шунингдек, бошқа қатор сабаблар билан ҳам у ёки бу даражада низолар келиб чиқиши мумкинлиги қайд қилиб ўтилди.

5. Ҳозирги шароитда оиладаги шахслараро муносабатларни мувофиқ-лаштиришда оилавий психотерапия воситалари ва усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Оилавий психотерапия – унинг меъёрий фаолият кўрсатишини таъминлаши, оила бузилишларининг турлари ва уларнинг сабабларини ўрганиши, олдини олиш ҳамда аъзоларининг психик ва соматик саломатлигини аниқлаши билан боғлиқ турмуш фаолияти бузилишининг диагностик мажмуасидир. Бунда оиланинг нормал, бузилган вазифалари, таркибий тузилиши ва динамикаси билан боғлиқ масалалар биринчи ўринга чиқади.

Оилавий психотерапия моҳиятан кўпроқ инсонпарварлик йўналишлари томон интиланган бўлиб, замонавий оила ривожланишида унинг базавий ижтимоий йўналишини марказида шахс мужассам йўналишга ўзгартирадиган инсонпарварлик майлларига (мотивларига) ёрдам беришга давват этилган.

6. Эр-хотиннинг ота-онаси (қайнона-қайнотаси) ва яқин қариндошлари билан муносабатларида муайян даражада (оз бўлса-да) зиддият ва кескинликлар мавжудлиги аниқланди. Бунга кўпинча улар феъл-атворининг, дунёқараш ва маслаklarининг мос келмаслиги, рашк ва ишончсизлик, иқтисодий таъминотдаги камчиликлар, оила бюджетини оқилона бошқара олмаслик, уй ишларининг саранжом-саришта ва ораста эмаслиги, ота-она ва қариндош-уруғларга муносабатнинг меъёрида эмаслиги, яшаш шароитининг ноқулайлиги, гап олмаслик ва келишмовчиликлар сабаб бўлиши аниқланди.

7. Тадқиқотларимиз натижаларига кўра, 94% оилалар фарзандлар туфайли бахтиёр эканлиги, 72%ида ўзаро муносабатларда низолар учрамаслиги, 68%ида ичиш, чекиш ва бошқа қусурлар сабабли низолар қайд этилмаганлиги, 66%ида эр-хотиннинг жинсий мослиги, 64% оилаларда севги ва меҳр-муҳаббатнинг мавжудлиги, 64%ида яшаш шароитининг қулайлиги, 62%ида рашк ва ишончсизликнинг учрамаслиги, 62%ида ота-оналар билан ҳамжиҳат ва ҳамфикрлик устунлиги, 60%ида ота-она ва қариндош уруғларга муносабатнинг яхшилиги, 60%ида оилавий ролларнинг тўғри тақсимланганлиги, 58%ида бамаслаҳат, кенгашиб, ҳамжиҳатлик асосида иш тутиш, 53%ида феъл-атворнинг мослиги, 48%ида уй ишларининг саранжом-саришта ва орасталиги кузатилди. Буларнинг барчаси оила барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омиллари сифатида эътироф этилди.

8. Оилада шахслараро муносабатларда келишмовчиликлар ва зиддиятларнинг шаклланишида бесабрлик, ўзгани тушунмаслик, эътиборсизлик, қизғанчиқлик, жиззакилик, уқувсизлик, билимсизлик, бепарволик, лоқайдлик, қўполлик, баъзи ҳолларда бетакаллуфлик, дидсизлик, уятсизлик, мунофиқлик ва ҳатто бузуқлик сабабли юзага келиши тасдиқланди.

9. Биз оиланинг андозавий тасвирини ишлаб чиқишда психиканинг муҳим хусусиятларидан бири – тарихийлик ва унинг даврий хусусиятга эга эканлигини эътиборга олдик. Чунки оиланинг шаклланиши ва ундаги шахслараро муносабатлар

иштирокчилари фаолияти муайян тарихий даврларда амалга оширилади. Бу эса оиланинг андозавий тасвирини изоҳлашда бир неча босқичда унинг субъектлари фаолиятини лойиҳалаштиришни тақозо этди. Оила ва ундаги шахслараро муносабатнинг барқарорлигини таъминлашда уч босқичли фаолият натижаларини лойиҳалаштириш мақсадга мувофиқдир. Булар: 1. Оила қурилган давр. 2. Оилани шаклланганлик даври. 3. Оилада қайнона-қайноталик даври.

## ХУЛОСА

Ўзбек оиласининг миллий-маданий ва ижтимоий-психологик хусусиятларини ҳисобга олмай туриб, оила-никоҳ муносабатларини, оилавий турмуш фаолиятини, унинг барқарорлиги ва фаровонлигини мақсадга мувофиқ йўсинда ташкил этиш ва амалга ошириш мумкин эмас. Бу ҳолат, унинг асосий вазифаси – фарзанд кўриш орқали аҳолини қайта тиклаш, авлодлар давомийлигини ва ер юзида инсоният тарихий тараққиётини таъминлаш, муқаддас урф-одатларимизни сақлаш ва уни авлоддан-авлодга ўтказишдек вазифани бажариш самарасини ҳам пасайтиради. Ўзбек оиласининг миллий-маданий ва ижтимоий-психологик хусусиятларини ҳисобга олмай туриб, оила-никоҳ муносабатларини, оилавий турмуш фаолиятини, унинг барқарорлиги ва фаровонлигини мақсадга мувофиқ йўсинда ташкил этиш ва амалга ошириш мумкин эмас. Бу ҳолат, унинг асосий вазифаси – фарзанд кўриш орқали аҳолини қайта тиклаш, авлодлар давомийлигини ва ер юзида инсоният тарихий тараққиётини таъминлаш, муқаддас урф-одатларимизни сақлаш ва уни авлоддан-авлодга ўтказишдек вазифани бажариш самарасини ҳам пасайтиради.

Оила барқарорлиги ва фаровонлигининг асоси бўлган шахслараро муносабатлар таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятларини илмий асослаш тадқиқотимизнинг асосий методологик тузилиши сифатида қабул қилинган бўлиб, унинг атрофига оила субъекти эр-хотин шахси ва фаолиятининг барча жиҳатлари: уларнинг миллий-психологик ва миллий маданий билимлари, улар шахси ва фаолиятидаги миллий типиклик ва ижтимоий типиклик, ўзбек халқига хос ўзини ўзи англаши ва ҳоказолар семантизацияланди (тузилди).

Тадқиқот натижасида ўзбек оиласининг миллий қиёфасини белгилайдиган (ойдинлаштирадиган) ижтимоий-психологик асослар муайян даражада ёритилди. Биз ўзбек ҳалқининг урф-одатлари, анъаналари, маданияти, турмуш тарзини, шунингдек, ҳудуднинг оила ҳаёти ва фаолиятига таъсир этадиган хусусиятларини ҳамда ижтимоий маданий муҳитни мазкур оиланинг миллий қиёфаси моҳиятини ташкил этувчилар сифатида эътироф этдик.

Оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг муқаддас китоблардаги баёни ва шарқ мутафаккирлари асарларидаги талқинни ўрганишимиз Ўзбекистон ҳудудида қадимдан оилавий турмуш маданияти юксак даражада ривожланган, дея хулоса чиқаришга имкон берди – (Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Хусайн Воиз Кошифий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ризоуддин ибн Фаҳруддин ва бошқалар) диссертацияни ёзишда мамлакатимиз ва чет эллардаги олимларнинг ўз муаммомизга ўхшаш томонлари мавжуд асарларидаги манбаларни юқори даражада ҳисобга олишга ҳаракат қилдик. Лекин ҳажми катта тадқиқотимиз материални узлуксиз тўлдириб беришимизга тўғри келди. Чунки шу соҳада олиб борилган тадқиқотлар миллий-маданий ва ижтимоий-психологик хусусиятлари билан, яъни ўзига хослиги билан, кескин тафовутланиши табиий ҳол.

Шуни қайд этиш жуда муҳимки, мазкур муаммога доир йирик асарларнинг кўпи шунчаки ижтимоий буюртмани бажармай, ўзининг чуқур эътиқодини ифодалаган таниқли олимлар томонидан ёзилган. Уларнинг асарларида психология фанини, хусусан ижтимоий психология, оила психологияси ва этнопсихологияни ривожлантириш учун жуда кўп қимматли фактлар ва ғоялар бор (К.А.Абульханова-Славская, Ю.Е.Алешина, Б.Г.Ананьев, Г.М.Андрева, А.А.Бадалев, Ю.В.Бромлей, Л.С.Виготский, М.Г.Давлетшин, В.М.Каримова, А.Н.Леонтьев, Б.Г.Ломов, Н.Н.Обозов, С.Л.Рубинштейн, Ф.Б.Шоумаров, Э.Ф.Ҳозиев ва бошқалар). Мазкур олимларнинг шу соҳадаги жиддий асарла-

ри ҳимояга тавсия этилган диссертация ишининг назарий методологик асосини ташкил қилди.

Албатта, тадқиқотимиз олдига қўйилган масалаларни ҳал қилишга методологик ёндашувимизда чет эл муаллифларидан К. Аронс, К. Витек, Э.Ф.Воугел, В.Вунд, А.Маслау, Т.Персон, К.Р.Род-жерс, Ж.Роланд, Н.Дж Смелзер, Ж.Течман, З.Фрейд, Э.Фромм, Г.Энтоне, К.Г.Юнг, М.Хансон ва бошқаларнинг методологик нуқтаи назарлари ҳам алоҳида эътиборга олинди.

Биз амалга оширган тадқиқот натижалари дастлабки илмий таҳминимизни тўла тасдиқлайди ва диссертация бўйича қуйидаги умумлашган хулосаларни чиқариш имконини беради.

1. Олинган маълумотларнинг гувоҳлик беришича, ўзбек халқининг узоқ тарихга эга ижтимоий-маданий муҳити, турмуш тарзи, маданияти, миллий онги ва ўзини ўзи англаши, миллий характери, хулқ-атвор стереотиплари ва ўзига хослигини илмий ўрганиш оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятларини аниқлашга имкон яратди.

2. Мавзуга дахлдор сифатида ўрганилган шарқ халқлари, хусусан ўзбек халқи оилавий турмуш, эр-хотин муносабатлари, уларнинг вазифа ва бурчлари, сифат ва фазилатлари акс этган муқаддас диний манбалар, ўзбек халқ оғзаки ижоди, шарқнинг буюк мутафаккирлари ва маърифатпарвар зиёлилари асарларида қимматли маълумотлар жамланган. Улардан ҳозирги ёшларни оилавий турмушга тайёрлашда ва оилавий турмуш амалиётида самарали фойдаланиш мумкин.

3. Тарихий манбаларнинг далиллашича, қадим-қадимдан оилага муқаддас маскан, инсон камолоти, жамият тараққиёти ва барқарорлигини таъминлайдиган ижтимоий институт сифатида қаралган. Шу боис, оила ва никоҳ масалаларига, оилавий турмуш тартиб-қоидаларига, эр-хотиннинг вазифа ва бурчларига алоҳида эътибор берилган. Оила турмуши билан боғлиқ муаммолар унинг фаровонлиги, фарзандлар камолоти, эр-хотиннинг эзгу-истаклари ва манфатларига мос ҳал этилган. Ўзбек халқининг оилавий турму-

ши тарихий тараққиёт давомида орттирган тажрибаси, унинг муаммоларини ҳал қилиш ва турмуш тарзини мақсадга мувофиқ ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

4. Жамиятнинг ижтимоий тарихий тараққиёти ва унда кечган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ва маърифий ўзгаришлар оила турмуш тарзига бевосита таъсир этган (акс этган). Оила тараққиёти тарихининг ҳамма босқичлари ва замонларида оилавий турмушга хос турли муаммолар шаклланган ва улар жамиятшунослик, инсоншунослик фанларининг муҳим масалалари сифатида қаралган.

5. Оилавий турмуш масалаларини ўрганган узоқ ва яқин чет эл психологияси айнан оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганмаган бўлса-да, унинг барқарорлигини сақловчи ёхуд бузилишларига олиб келувчи иқтисодий, ижтимоий-биологик, ижтимоий-психологик, маънавий-маданий, ҳиссий-эмоционал, тарбиявий-педагогик омиллар таъсирини ўрганганлар ва оилавий турмуш муаммоларини ечиш билан боғлиқ қимматли маълумотлар, илмий хулоса ва тавсияларни илгари сурганлар. Мазкур илмий натижалар биз танлаган муаммо учун ҳам аҳамиятли эканлигини эътироф этган ҳолда тадқиқотларимизда миллий ҳудудий хусусиятлар чуқур мужассамлашган ўзбек оилалари турмушига, эр-хотиннинг ўзаро муносабатларига, унинг барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг миллий-психологик хусусиятларига алоҳида эътибор билан ёндошдик.

6. Мамлакатимиз психологлари (бошқа ижтимоий фан соҳалари вакиллари ҳам) томонидан оила ва никоҳ муносабатлари, оилавий турмушнинг турли жабҳаларига хос муаммолар муайян даражада ўрганилаётган бўлса-да, лекин оилавий турмушга хос баъзи муаммолар ҳали ҳам долзарблигича қолмоқда. Чунончи, оила-никоҳ муносабатларининг беқарорлиги, ажралишлар сонининг ошиб бориши, унда эр-хотин ўртасидаги муносабатларда турли омиллар билан боғлиқ. Зиддиятларнинг юзага келиши ва уларнинг кескинлашуви, оилавий муаммо ва зиддиятларнинг миллий-ҳудуд

дий ўзига хослиги сақланиб қолмоқда. Мазкур муаммолар ўзбек миллий маданий муҳити шарт-шароитлари таъсирида оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганишни тақозо этди.

7. Оиладаги шахслараро муносабатлар миллий-ҳудудий хусусиятларга узвий боғлиқ мураккаб тизимга эга бўлиб, унинг асосий бўғини эр билан хотин ўртасидаги муносабат ҳисобланади. Ундаги шахслараро муносабатлар барқарорлигини оилавий қадриятларнинг шаклланганлик даражаси белгилайди. Эр-хотинлар муносабатларига оид (жинсий муносабат, шахс сифатидаги идентификациялашганлик, маиший-хўжалик, ота-она-тарбиячилик, ижтимоий фаоллик, эмоционал психотерапевтик, ташқи жозибадорлик) қадриятлар этнопсихологик ва миллий-маданий муҳит таъсири остида бўлиб, синалувчилар бу қадриятлар зарурлигини таъкидласалар-да, лекин ҳали ҳам этник стереотиплашган характерга эга.

8. Эр-хотинларнинг шахслараро муносабати билан оилавий қадриятлари ўзаро узвий хусусиятга эга бўлиб, уларни шаклланмаганлиги муносабатларнинг беқарорлашувига олиб келади. Эр-хотиннинг шахе сифатида идентификациялашуви оила қуриш жараёни билан адаптация босқичида таъминланиши зарурат эканлиги кузатилади. Ота-онанинг маслаҳати билан шахсий мақсадни мувофиқлаштириш, «гардиш самараси» таъсиридан қочишни таъминлайди.

9. «Мен»нинг шаклланганлик даражаси шахслараро муносабатларда етакчи рол ўйнаши оиладаги шахслараро муносабатларда ҳам кузатилди. Эр-хотинларнинг «реал мени» билан «идеал мени» ҳамда «хоҳишларига кўра, эр ёки хотиннинг» тимсолини баҳолаш дифференциаллашган характерга эга. Эрларда кўпроқ лидерлик, ўзига ишонч, мустақиллик, тиришқоқлик ва фаоллик юқори хусусиятлар тарзида мужассамлашганда, аёллар эса сабр-тоқатли, эътиборли, бўйсунувчан бўлганларида муносабатлар маромида кечиши кузатилади. Аёллар эрларининг фаол, ўзига ишонган, талабчан, мувозанатли, тингловчан, фидойи киши бўлиши-



ни тасаввур қилиши муносабатлар учун қўл келишини таъкидлашади.

10. Оилавий муносабатларни инсонпарварлаштиришда инсонпарварлик психологиясининг «ҳаётдан-идеалга» қондасига амал қилиш мақсадга мувофиқдир.

Унга кўра, шахс сифатида ўзини намоён қилишнинг муайян шарт-шароитларини яратиш, реалликдаги-идеал нарсани ўрганиб, назарий тасаввурлар ва воқеликнинг ўзини ривожлантириш йўли билан бу идеални тиклашнинг психологик амалиётини юзага келтириш мумкин. Жумладан, никоҳга кирувчилар (оила қурувчилар) дастлаб оилавий турмуш тарзи тўғрисидаги реал тасаввурларга эга бўлиш билан бирга жамиятда мустақил яшашни, турли ижтимоий гуруҳлар доирасида муомала қилишни, шахслараро муносабатнинг ҳар хил (зарур) шакллари ва усулларини эгаллай олиши шарт.

11. Ўзбек оилаларида шахслараро муносабатлар барқарорлигини белгилашда эр-хотин муносабатларидаги ўзаро ҳурмат ва ишонч, бир-бирини яхши тушуниш, фарзандлар, муомала одоби, онглилик ва маънавий ахлоқий мавқе, унинг моддий таъминланганлиги, уй-жой билан таъминланганлик, роллар тақсимотининг мослиги, жинсий мослик муҳим омиллар ҳисобланади.

Оилавий низоларнинг шаклланиши ва уларнинг бузилиб кетишида эр-хотин феъл-атворининг мос келмаслиги, фарзандсизлик, севги ва меҳр-муҳаббатнинг етарли эмаслиги, унинг бюджетини оқилона бошқара олмаслик асосий омиллар бўлиб, рўзгор ишларининг саранжом-саришта ва ораста эмаслиги, иқтисодий таъминотдаги камчиликлар, рашк ва ишончсизлик, ота-оналарнинг эр-хотин муносабатларига аралашуви, дунёқараш ва маслаklarнинг номувофиқлиги, жинсий номослик каби омиллар ҳам оилавий муносабатларда зиддиятларни келиб чиқаришда муҳим ўрин тутади.

12. Ҳозирги шароитда шахслараро муносабатларни мувофиқлаштиришда оилавий психотерапия воситалари ва усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, улар оиланинг меъёрли фаолият кўрсатишига, ундаги зиддиятлар-

нинг турлари ва уларнинг шаклланиш сабабларини ўрганишга, профилактикасини ташкил этишга ҳамда шахслараро муносабатлар мувофиқлигини таъминлашга ёрдам беради.

Оилавий психотерапия моҳиятан инсонпарварлик йўналишлари томон интилган бўлиб, замонавий оила ривожланишида инсонга хос юксак майллар, сифат ва фазилатларни такомиллаштиришга ёрдам беришга даъват этилади.

13. Тадқиқот давомида ўзбек миллий маданиятининг бетакрорлиги, урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларнинг ҳаётийлиги оилавий турмуш тарзига ҳам чуқур сингиб кетганлигини кўрдик. Чунончи, аксарият оилаларда низолар учрамайди, бунинг асосий сабаблари уларда севги, меҳр-муҳаббат ва ўзаро ишончнинг мавжудлиги, унда ота-оналар ва қариндош-уруғлар билан ҳамжиҳат ва ҳамфикрликнинг устунлиги, кенгашиб иш тутиш, ролларнинг тўғри тақсимланганлиги ва ўзаро ёрдамнинг мавжудлиги, уй ишларининг саранжом-саришта ва орасталиги, феъл-атворнинг мослигидадир.

14. Тадқиқот натижаларига асосланиб, ўзбек оиласининг андозавий тасвири белгиланди. Унда психиканинг муҳим хусусиятларидан бири тарихийлик ва унинг даврий хусусиятга эга эканлиги эътиборга олинди. Чунки, оиланинг шаклланиши ва ундаги шахслараро муносабат иштирокчилари фаолияти муайян тарихий даврларда амалга ошади. Бу эса оиланинг андозавий тасвирини изоҳлашда бир неча босқичли оила субъектлари фаолиятини лойиҳалаштиришни тақозо этди.

Оила барқарорлиги йўлида шахслараро муносабатлар таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятларига асосланган ҳолда бўлғуси оиланинг андозавий тасвири қуйидаги натижаларини лойиҳалаштиришдан иборат бўлса мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- а) оила қурилган давр;
- б) оилани шаклланганлик даври;
- в) оилада қайнона ва қайноталик даври.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Ўзбекистон. 1998. - 64 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.2. –Т.: Ўзбекистон. 1996. -366 б.
3. Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқини - халқ, миллатини - миллат қилишга хизмат этсин. – Т.: Ўзбекистон. 1998 -30 б.
4. Каримов И.А.Маънавият юксалиш йўлида. –Т.: Ўзбекистон. 1998. -480 б.
5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.:Ўзбекистон. 1998. -32 б.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. –Т.: Ўзбекистон. 1998. -432 б.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда –Т.: Ўзбекистон. 1999. -48 б.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.:Ўзбекистон.1997.-326 б.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.:Ўзбекистон. 1998. - 687 б.
10. Абдурауф Фитрат. Оила. – Т.: Маънавият. 2000. -112 б.
- 11.Абрамов М.С. Мужчины и женщины. –Т.: Медицина. 1990. -160 с.
12. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. –Т., 1993. - 224 б.
13. Абу Райҳон Беруний. Ҳикматлар . – Т.:, 1973. -174 б.
14. Абулов С., и др. Азбука семейной жизни: беседы о любви, брак, семье /Ростов на/Д: Кн.изд-во. 1983 .- 63с.
15. Агеев В.С. Психологическое исследование социальных стереотипов // Вопросы психологии. 1986. №1. –С. 95- 101.
16. Азизова Т.М. Замонавий ўзбек оилаларида ўсмир болалар шахси шаклланиши. – Т.: // Халқ таълими. 1998. 3-сон. 11 - 14 бетлар.

17. Азизов Г., Жабборов А. Мусулмонча никоҳнинг афзалликлари. /Ўзбек оиласининг этнопсихологик муаммолари мавзусидаги Респ. илм. амал. анж. маъруз. қисқача баёни. –Т.: 1993. -137-139 б.
18. Алешина Ю.Е., Волович А.С. Проблемы усвоения ролей мужчины, женщины. // Вопросы психологии. 1991. №4. С.74-82.
19. Алёшина Ю.Е. Спец практикум по социальной психологии: опрос, семейное и индивидуальное консультирование. –М.: изд-во МГУ. -1989. -64 с.
20. Алёшина Ю.Е. Исследование развода в западноевропейских странах «США/служба семьи»: Изучение опыта и принципов организации. –М.: -146с.
21. Алимов Х. Миллийлик ва ижтимоий руҳият. –Т.: 1992.
22. Алишер Навоий. Маҳбубул қулуб. Танл.ас.тўп.13т. - –Т.:1966.-244 б.
23. Андреева Г.М. Социальная психология: Учебник, 2-е изд., доп. и перераб. –М.: Изд.МГУ. 1988. -432 с.
24. Антонов В.В. Психическая саморегуляция в восточной традиции: Ленинград. 1988. -29 с.
25. Аронс К. Развод: крах или новая жизнь? /Пер.с англ. -М.: Мир. -1995. -448 с.
26. Артёмов В.И. Динамика образа жизни сельского населения // Социальные исследования. 1990, №4. -С65-67.
27. Асмолов А.Г. Психология личности. -М.: МГУ. 1990. 367 с.
28. Ашуров А. Авестодан мерос маросимлар. Т.: 2001.-32 б.
29. Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. -М., 1980.
30. Бестужев - Лада И.В. Семья вчера, сегодня, завтра. -М.: Знание. 1979. -94 с.
31. Бобнева М.И. Социальные нормы и регуляция поведения. -М.: Наука. 1989. -313 с.
32. Бобомуродов А. Ислом одоби ва маданияти. -Т.: Чўлпон. 1995.-176 б.
33. Бодалов А. А. Общая психодиагностика. -М.: 1987.-176 б.
34. Бромлей Ю.В. Этнос и этнография. -М., 1973.-116 с.
35. Буюк сиймолар, алломалар. I I китоб. □ Нашрга тайёрловчи М.Хайруллаев. -Т., 1996. -120.
36. Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. – Т.: Университет. 1997. -238 б.

37. Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. – Т.: Университет. 1997. -182 б.

38. Витек К. Проблемы супружеского благополучия: □ Пер. чеш. Общ. ред. М.С. Мацеовсуого. Прогресс. 1988. –С. 72-83.

39. Витек К. Проблемы супружеского благополучия. □ Пер. с чеш. Общ. ред. и предисл. М.С. Масковского. -М., 1988. -144 с.

40. Влади́н В., Капустин Д. Гармония семейных отношений. – Минск, 1986. -238 с.

41. Воугел Э.Ф. Семья и родство «Американская социология, перспективы, проблемы, методы». -М.: Прогресс. 1972. -132 с.

42. Вунд В. Проблемы психологии народов. -М.: Знание. 1912.-178 с.

43. Гребенников И.В. Основы семейной жизни. -М.: Просвещение. 1991. -158 с.

44. Грининг Т. История и задачи гуманистической психологии // Вопросы психологии. 1988. №4.

45. Давлетшин М.Г., Шоумаров Ф.Б. Замонавий ўзбек оиласи ва унинг психологик хусусиятлари. / Ўзбек оиласининг этнопсихологик муаммолари. Респ. Илм. амал. анж. маъруза қисқача баёни. -Т., 1993. -3-5 б.

46. Давлетшин М.Г. Оиладаги низолар психологияси ва унинг баргараф этиш йўллари. Ўзбек оиласининг этнопсихологик муаммолари. Респ.илм. амал. анж.маъруз. қисқача баёни. -Т., 1993. -33-34 б.

47. Дворник Э.М. Психологическая совместимость супружеской пары / Сексуальные дисгармонии // Руководство по психотерапии. -Т.: Медицина. 1985. -425 с.

48. Джандильдин Н.-Т. Природа национальной психологии. Алма-Ата, 1971. –С. 7-12.

49. Дилigentский Г.Г. Социально-политическая психология. -М.: 1994.

50. Дорно И.В. Современный брак: проблемы и гармония. -М.: Педагогика. 1990. -272 с.

51. Дробижева Л.М., Кузнецов И.М., Кцолева Г.У. Некоторые проблемы этнопсихологических исследований // Психол. журнал. 1988. -Т.9. №3. -С.26-34.

52. Душков Б.А. Актуальные проблемы этнической психологии // Психол. журнал. 1981. Т.2. №5. -34-35 с.

53. Елизаров В.В. Перспективы исследования семье: анализ моделирование, управление. -М.: Мысль. 1987. -164 с.
54. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. Т.: Фан. 1994.-312 б.
55. Жабборов И. Эътиқод, одоб, одат. -Т.: Фан. 1967.-43 б.
56. Жўраева Ш.Ш. Тожик оиласида никоҳдан қониқошнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари. // Психол. фан. ном. ... дисс. - Т., 1994. -132 б.
57. Ирисов А. Абу Али Ибн Сино: Ҳаёти ва ижодий меъроси. -Т.: Фан. 1980. -208 б.
58. Каган В.Е. Психогенные формы школьной дезадаптации/ / Вопросы психологии. 1984. №4.
59. Каган М. С. Мир общения. Проблемы межсубъектных отношений. -М.: 1988. -329 с.
60. Кайковус. Қобуснома. -Т.: Истиқлол. 76 б.
61. Калмыкова Е.С., Кехеле Х. Психотерапия как объект научного исследования // Основы направления современной психотерапии. - М., 2000.
62. Кальмикова Е.С. Психологические проблемы первых лет супружеской жизни // Вопросы психологии. 1983. №3. -С. 63-64.
63. Каримова В.М. Ижтимоий тасавурларнинг шаклланишида эр-хотин ўзаро муносабатларининг роли. / Ўзбек оиласининг этнопсихологик муаммо-лари. Респ. Илм. амал. анж. маъруз. қисқача баёни. - Т., 1993. -44-45 б.
64. Каримова В.М. Представления о качествах личности у женщин узбечек в различных социальных условиях: Автореф. дисс. ... канд. психол. наук. -М., 1987. -16 с.
65. Каримова В.М. Социальных представления об узбекской семье у юношей и девушек: Автореф. дисс. ... док. психол. наук. - Т., 1 994. -40с.
66. Каримова В.М. Ўзбек ёшларида оила тўғрисидаги ижтимоий тасавурлар шаклланиши: Психол. фанл. докт. ... дисс. Фарғона, 1994. -322 б.
67. Карнеги Дейл. Как завоевать друзей и оказать влияние на людей: □ Пер. с англ. - М.: Прогресс. 1990. -281с.
68. Каутский Карл. Возникновение брака и семьи. 1985.-28 с.
69. Кент В. Стратегия развода: о чём вам не расскажет ваш адвокат. / Пер.с англ. -СПБ: Лениздат. 1993.-142 с.
70. Кирянова О.Г. Американская женщина вчера и сегодня. Мысль, 1988.-238 с.

71. Кириянова О.Г. Кризис американской семьи. -М.: Педагогика. 1987. -240с.
- 72.Кисляков Н.А. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. -Л.: Наука. 1969. -240 с.
- 73.Ковалев С.В. Психология семейных отношений. -М.: Педагогика. 1987. -124 с.
- 74.Ковалев С.В. Психология современной семьи. -М.: Просвещение. 1988. -210 с.
- 75.Королев С.И. Вопросы этнопсихологии в работах зарубежных авторов. -М., 1970. -39 с.
- 76.Кочетов А.И. Начала семейной жизни. -Минск: Полымя. 1987. -С. 204-219.
- 77.Культуры семейных отношений. □□Сбор.статей. -М.:Знание.1980.-84 с.
- 78.Кцова Г.У. Опыт эмпирического исследования этнических стерео-типов //Психол.журнал. 1986. Т 7. №2. -С. 72-74.
- 79.Левкович В.П., Зуськова О.Э. Методика диагностики супружеских отношений // Вопросы психологии. 1987. №4. -С. 128-134.
80. Левкович В.П., Зуськова О.Э. Социально-психологических конфликтов. // Психол.журнал. 1985. Т. № 3. -С. 126-137.
- 81.Лийк К., Нийт Т. Интимность взаимоотношения в семье человек, общение и среда. -Таллин, 1986. -С. 154-178.
- 82.Лисина М.И. Проблема онтогенеза общения. -М., 1986. -144 с.
- 83.Ломов Б.Ф. Методологические и теоретические проблемы психологии. -М., 1984. -444 с.
- 84.Лупьян Я.А. Барьеры общения, конфликты, стресс. -Минск, 1986. -146 с.
- 85.Маматов М.М. Миллий психологик қиёфа ва унинг хусусиятлари. -Т.: 1980. -62 бет.
86. Маматов М.М. Этнопсихология. -Т., 1999. -60 б.
87. Мардонова Г. Нур тўла уй. -Т.:Меҳнат. -1992. -88 б.
88. Махмудов С. Ўзбек удумлари. -Т.: Фан. 1993. -24 б.
- 89.Мей Р.Искусство психологического консультирования. -М.: 1994.
- 90.Менегетти А. Антипсихологическая педагогика. -Пермь, 1993.

91. Менегетти А. Пут мудреца, или искусство жизни. -Пермь, 1993.
92. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: Янги авлод. 2001. -224 б.
93. Мусурмонова О. Оила маънавияти - миллий ғурур. -Т., 1999. -200 б.
94. Наватис Г.А. Опыт психологического консультирования супружеских конфликтов. // Психол. Журнал. 1983. Т.4. №3. - С. 70-72.
95. Немировский Д.Э. Что думают женихи и невесты о будущей семейной жизни // Соц.исслед. 1986. №1. -С. 102-105.
96. Ниязалиев Ш.М. Национальная психология и ее место в формировании и развитии личности. -Фрунзе, 1986. -108 с.
97. Нойберг Р. Новая книга о супружества. -М.: Знание. 1969. -278 с.
98. Ночевник М.Н. Человеческое общение. -М.: Политиздат. 1988. -123с.
99. Нумонова Ё.О. Этнопсихологические особенности репродуктивных установок и репродуктивного поведения у узбеков./ Автореф. дисс. канд. ... психол. наук. -Т., 1997. -22с.
100. Положении семей в Российской Федерации: □□ Доклад Национального Совета по подготовке и проведению Международного года семьи в Российской Федерации. -М., 1994.
101. Оқилов О.Т. Эргашев О.Э. Оилавий ҳаётга қадам қўямиз. -Т.: Медицина. 1992. -25 б.
102. Обозов Н.Н., Обозова А.Н. Диагностика супружеских затруднений // Психол.журнал. 1982. №2. -С. 147-151.
103. Обозов Н.Н. Психология межличностных отношений. - Киев: изд-во Ун-та. 1990. -192 с.
104. Общая психодиагностика / Под. ред. Бодалева А.А, Столина В.В. / -М.: Изд-во МГУ. 1987. -205 с.
105. Орлов А.Б. Личности сущность: внешнее и внутреннее я человека // Вопросы психологии. 1995. №2.
106. Орлов А.Б. Психология личности и сущности человека. Парадигмы, проекции, практики. - М.: Академия. 2002. -272 с.
107. Орлов А.Б. Фасилитатор и группа: от интерперсонального к трансперсональному общению // Московский психотерапевтический журнал. 1994. №2.



108. Орлов А.Б. Человекоцентрированное консультирование как область практики и учебная дисциплина: Триологический подход // Развивающаяся психология - основа гуманизация образования. -М., 1998.
109. Орлов А.Б., Хазанова М.А. Феномены эмпатии и конгруэнтности // Вопросы психологии. 1993. №4.
110. Основные направления современной психотерапии. -М., 2000.
111. Отажонов М.Ю., Нуриддинов Х.М. Ўзбек оиласининг этнопсихологик муаммолари /Ўзбек оиласининг этнопсихологик муаммолари. Республика илмий амалий анжумани. Маърузалар қисқача баёни. -Т., 1993. -107-109 б.
112. Отахўжаев Ф.М. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. -Т.: Ўзбекистон. 1995. -172 б.
113. Педагогика тарихи. -Т.: Ўқитувчи. -248 б.
114. Пезишкиан. Позитивная семейная психотерапия. -М., 1993. -120 с.
115. Популярная психология для родителей: □□ Сб. Под.ред. А.А. Бодалева. -М.: Педагогика. 1988. -253 с.
116. Ризоуддин ибн Фаҳруддин. Оила. -Т.: Меҳнат. 1991. 64 б.
117. Роджерс К.Р. Взгляд на психотерапию. Становление человека. -М., 1994.
118. Роджерс К. Р. Человекоцентрированный! Клиентоцентрированный подход в психотерапии // Вопросы психологии. 2001. №2.
119. Романов И.Ю. Психоанализ: культурная практика и терапевтический смысл: Введение в теорию, практику и историю психоанализа. -М., 1994.
120. Рубинштейн С.Л. Бытие и сознание. -М., 1957. -172 с.
121. Рўзиқулов Ф. Ўзбек оилаларида ажралишнинг ижтимоий психологик асоратлари // Психол.фан. номз. ... дисс. -Т., 2002. -148 б.
122. Рўзиқулов Ф.Р. Оила бузилишининг салбий асоратлари // Халқ таълими. 2001. 3-сон. 18-23 б.
123. Садельников С.С. Позиции супругов и типологии особенности акции на развод. // Соц. исслед. 1992. -С. 38-47.
124. Салаева Н. /Қариндошга қиз берманг. /Соғлом авлод учун. -Т., 1997. 9-сон. 29 б.

125. Салаева Н. Оилада ота-она ва фарзандлар муносабатининг хос хусусиятлари. // Бошланғич таълим. 2002. 1-сон. 36 б.
126. Салаева Н. Хоразм оилаларининг этнопсихологик хусусиятлари. // Психол.фан.номз. ... дисс. -Т., 2001. -162 б.
127. Самаров Р. Тожиқ оиласида эр-хотин низоларининг ижтимоий ва этнопсихологик хусусиятлари. // Психол. Фан. номз. ... дисс. -Т.,1997.-141 б.
128. Сатир В. Как строить себя и свою семью.-
129. Смелзер Н Дж. Социология . Семья // Соц. исслед. -1993. №2. -С. 47-48.
130. Семенов Ю.Н. Происхождение брака и семьи. - М.:Мысл.1974.-43с.
131. Семья в психологической консультации: опыт и проблемы психологического консультирования// Под ред. Бодалева А.А., В.В. Столина. -М.: Педагогика. 1989. -208 с.
132. Сержантова Н.Дж. Человек, его природа и смысл бытия. -Ленинград: ЛГУ. 1990. -359 с.
133. Смелзер. Сексуальные роли и неравенство. //Соц.исслед. 1992, № 8. С. 105-108.
134. Смелзер Н. Д. Американская семья. // Соц.исслед. 1993.- С. 107-118.
135. Согинов НА. Шоумаров Ф. Б. Ўзбек оилаларида ажралиш ва унинг ижтимоий психологик хусусиятлари. //Респ. Илм.амал. анжум. маър. қисқ. баёни. -Т., 1993. -49 б.
136. Согинов Н.А. Ёш ўзбек оилаларида юзага келадиган эр-хотин низоларининг этник хусусиятлари. //Респ. илм.амал. анжум. маър. қисқа баёни. -Т., 1993. -49 б.
137. Согинов Н.А. Удовлетворенность браком в узбекской молодой семье: Автореф. дисс. канд. психол. наук. -Киев,1990.- 21 с.
138. Соловьев Н.Я. Развод. Почему Культура семейных отношений! Сб.статий -М.; Знание, 1985.-С 205-207.
139. Сонин В.А. Психологические аспекты семьи и брака. Смоленск, 1985.-72 с.
140. Социально-психологические методы исследования супружеских отношений. Спецпрактику по социальной психологии/ Е.Ю. Алешина, Л.Я. Гозман., ЕМ. Дубровская.-М.: Изд-во, МГУ, 1987.-42 с.

141. Социально-психологические проблемы формирования личности. Сбор. науч. трудов. Под. Ред. В.А.Токаревой, А.М.-Сергеева. Т.:ТГУ,1986.-68 с.
142. Сысецко ВА. Супружские конфликты.-М.; Мысль, 1989.-175 с.
143. Талибаева Т.Х. , Савуров М.Д. Новое и традиционные в быту сельской семьи узбеков. Т.: Фан. 1989.-112 с.
144. Титаренко И. Л. Семьи и формирование личности. -М.: Мысль, 1987.-352 с.
145. Толстов С.Т. Древний Хорезм: опыт историко-археологического исследования. -М., 1948.-126 с.
146. Толстов С.Т. По следам древнехорезмской цивилизации. -М., 1948. 143 с.
147. Тўраева Ў. Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси. -Т.: Ўзбекистон, 1990.-224 б.
148. Узоқов Х., Фозиев Э., Тожиев А. Оила этикаси ва психологияси. -Т.: Ўқитувчи. 1992.- 128 б.
148. Усмон Турон, Туркий Халқлар мафқураси - Т.: Чўлпон. 1995.-104 б.
149. Усмонов Р. Саодатнома. -Т.: Ўқитувчи, 1995.-368 б.
150. Усмонов Э.Ш Возрастно-психологические особенности суицидального поведения (самосожжения узбеков./Авторефер. дисс. канд. 1993. -22с.
151. Файнбург З.И. Эмоционально-культурные факторы функционирования семье// Соц.исслед. 1991. № 1. -С. 145-146.
152. Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. -Т.: Маънавият, 1998. -112-б.
153. Фотеева Е.В. Семья в современном буржуазном мире. - М.:Мысль, 1988.-207 с.
154. Фрейд З. Очерк по психологии сексуальности. - Минск.1990.-166 с.
155. Фрейд З. Психология бессознательного. -М., 1989. - 448 с.
156. Фромм Э. Азбука для родителей. //Пер с англ. - Л.: Лениздат. 1991. -319 с.
157. Фромм Э. Иметь или быть? -М., 1990. -330 с.
158. Фромм Э. Искусство любить исследование природы любви. Пер. с англ. яз.-М.: Педагогика. 1990.-158 с.
159. Фрустрация, конфликт, защиты. Психологическое самообращение. //Вопросы психологии. 1992. №6. -С. 69-82.

160. Хайруллаев М. Абу Наср ал Фаробий . -Т.,: 1982. -302 б.
161. Харчев АУ. Типология семей и проблемы общественной оценки разводов. // Соц. исслед.- М.: 1984.-с 7-12.
162. Ходаков Н.М. Ёш келин куёвларга. 3-нашр. -Т., 1990. -173 б.
163. Холматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси. -Т.: Ўзбекистон. 2002. -216 б.
164. Шамиева О. Раҳбар аёллар шахсининг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Психол.фан.номз. ... дисс. -Т., 2000. -140 б.
165. Шоумаров Ф. Б., Шоумаров Ш.Б. Муҳаббат ва оила. -Т.: Ибн Сино. 1994. -120 б.
166. Шоумаров Ф.Б. 1001 саволга психологнинг 1001 жавоби. -Т.: Меҳнат. 2000.
167. Шоумаров Ф.Б. Оила психологияси.: Академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун. -Т.: Шарқ. -140 б.
168. Шоумаров Ф.Б. Реализация национальной программы по подготовке кадров в Узбекистане. □□ Международный журнал «Сито», Токио, 1998. -56 с.
169. Ўзбекистон Республикасининг оила кодекси. -Т.: Адолат, 1998. -302 б.
170. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон. 1992. -48 б.
171. Эйдемеллер Э.Г., Юстецкий В.В. Семейная психотерапия. -Л., 1989.-192 с.
172. Энтоне Гидденс. Социология. -Т.: Шарқ. 2002. -848 б.
173. Юнг К.Г. Проблемы души нашего времени. -М., 1994.
174. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. -Т., 1971.
175. Ямпольский Л.Т. Введение в экспериментальную психологию личности.- М., 1985. 54 с.
176. Ғозиев Э. Психология методологияси. -Т., 2002. -174 б.
177. Қаюмов А. Замон ва маросимлар. -Т.: Ўзбекистон, 1986. - 22 б.
178. Қодиров Б.Р. Оила ва истеъдодли болалар муаммо ва ечимлар. /Ўзбек оиласининг этнопсихологик муаммолари. Респ. илм. амал. анж. қис. баёни. – Т.: 1993. 10-11 б.
179. Қуръони Карим. Алоуддин Мансур таржимаси. -Т.: Чўлпон. 1992. -3-237 б.
180. Bronfenbrenner V. Discovering what families Do//Rebuilding the nest: a New Commitment to the American family-Milwaukee, 1990.

181. Copeland A., White K. Studing Famies. -Newbery Park, 1991.
182. Cristensen H.T (ed). Handbook of Marriage and the famile. Chikago, 1964.
183. Gordon Th. Teacher's Effctieness Training. -N.Y.1941.
184. Hanson M., Lynch E. Famly Diersity: Implications for Policy and Practice //Topics in Early Childhood Spcial Education. 1992. Vol. 12 (3).
185. Hareven T. Historical Analysis of the Family // Handbook of Marriage and the famile.- N.Y.L., 1987.
186. Maslov A.H The father reachers of Human Mature, N.Y. 1972.
187. Parsons T., balesr. Family, Socialiration and interaction Process. Glencoe, 1955.
188. Rogers C. Toward a Moden approach to Values //J.of abnormal and social Psychology. 1964. -Vol. 68.
189. Rogers C. Becoming Partners: Marrige and iğ Alternatives. NY. 1972.
190. Rogers N. Emerging Woman. A Decade of midlife Transitions-santa Rosa, 1980.
191. Roland. J Opsychological pattering in miirage-Rpsychological Bullen, 1963. Vol. 60. №2.
192. Teachmon J., Polonkok., Scanzony. J. Demografy of the family. // Handbook of Marriage and the famile. -N.Y.L., 1987.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
Оила барқарорлигини таъминловчи омилларнинг психология фанида ўрганилганлиги .....	6
Оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг шарқ мутафаккирлари асарларида талқини .....	6
Оила барқарорлигини таъминловчи омилларнинг чет эл психологиясида тадқиқ этилиши .....	21
Оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг мамлакатимиз психологлари томонидан таҳлил қилиниши ...	33
Тадқиқот методлари ва уларни татбиқ этиш босқичлари .....	44
Оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятлари .....	53
Ҳозирги замон оилаларида инқироз шаклланишининг ижтимоий-психологик хусусиятлари .....	53
Оиладаги шахслараро муносабатларда тенгликни таъминлашнинг ижтимоий-психологик механизмлари .....	70
Оилада шахслараро муносабатларни мувофиқлаштириш истиқболлари .....	83
Оилавий муносабатларни инсонпарварлаштириш имкониятлари .....	83
Оиладаги шахслараро муносабатни мувофиқлаштиришнинг психотерапевтик воситалари .....	96
Бўлғуси оиланинг андозавий тасвири (идеал проекцияси) ....	109
Оила қуриш босқичи, қайлиқ танлаш даври .....	112
Оиланинг шаклланганлик босқичи .....	114
Эр – турмуш ўртоғи билан муносабатида: .....	116
Ота – тарбиячи (фарзандлар тарбияси билан боғлиқ) сифатида: .....	116
Оиланинг хўжалик-бошқарув, моддий-маданий жабҳалари бўйича: .....	117
Ижтимоий фаоллик доирасида: .....	117
Хогин – турмуш ўртоғи билан муносабатда: .....	117
Она-тарбиячи (фарзандлар тарбияси билан	

боғлиқ сифатида): .....	118
Оиланинг хужалик-бошқарув, моддий-маданий жабқалари буйича: .....	118
Ижтимоий фаоллик доирасида: .....	118
Оиладаги қайнота-қайноналик босқичи .....	118
Хулоса .....	124
Адабиётлар рўйхати .....	131

МАВЛУДА ФАЙЗИЕВА  
АЗИМ ЖАББОРОВ

**ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР  
ПСИХОЛОГИЯСИ**

Муҳаррир  
А. ХУДОЙБЕРДИ

Бадий муҳаррир  
Б. БОЗОРОВ

Техник муҳаррир  
Е. ДЕМЧЕНКО

Мусахҳиҳ  
Ф. ҚУВОНОВА

Компьютерда саҳифаловчи  
М.ЖУМАБОЕВА

Босишга 13.09.2007 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.  
Босма тобоғи 4,5 Шартли босма тобоғи 7,56  
Адади 500 нусха. Буюртма № 188.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.  
«Ёшлар матбуоти» босмаҳонасида босилди.  
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:  
Нашр бўлими — 278-36-89;  
Маркетинг бўлими — 128-78-43  
факс — 173-00-14;  
e-mail: yangiasravlodi@mail.ru